



О.Э.Эшоннов

Файзулла  
Хўжаев



Ф. Хўжаев — Бухоро Халқ Совет Республикаси  
Халқ Нозирлар Советининг раиси.

О. ЭШОНОВ

# ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

*(Ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк)*



„ЎЗБЕКИСТОН“ НАШРИЁТИ

Тошкент — 1973

ЗКП  
Ә 99

И  $\frac{01-2-2}{M351} \frac{163}{(06) 73} 9-73$

© "Ўзбекистон" нашриёти, 1973



## АВТОРДАН

ҚПСС Марказий Комитетининг Бosh секретари Л. И. Брежнев 1964 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллик тўйига бағишланган таътанали мажлисида бундай деган эди: «Биз Икромов, Охунбобоев, Морозов, Хўжаев ўртоқларининг хогирасини ва Коммунистик партиянинг бутун куч ҳамда ҳаётларини Ўзбекистон халқлари бахт-саодати йўлида фидо қилган бошқа шонли фарзандлари хотирасини гоьят ҳурматлаб эсга оламиз».

Ҳар бир давлат, ҳар бир халқ тарихида шундай муътабар зотлар бўладики, уларнинг номи авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолади. Бундай кишиларнинг халқ бахт-саодати йўлида солиб борган фидокорона кураш беқиёс ва катта аҳамиятга моликдир. Ўзбек халқининг шонли фарзанди, сипалган большевик Файзулла Хўжаев худди ана шундай шарафга муяссар бўлди.

Файзулла Хўжаев Шарқдаги биринчи халқ совет давлати — Бухоро Халқ Совет Республикаси раҳбарларидан бири, Ўзбекистон ССРининг биринчи Халқ Комиссарлар Совети Раиси эди. Ўзбекистонда социализм галабаси учун кураш ва бу курашда қўлга киритилган галабалар унинг номи билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети 1967 йил 28 февралда «Ф. Хўжаев хотирасини абадийлаштириш»<sup>1</sup> ҳақида қарор қабул қилди. Ана шу қарорда бошқа ҳадбирлар билан бир қаторда Файзулла Хўжаевнинг «Таъланган асарлари»ни нашр этиш зарур эканлиги таъкидланди. Халқ ўзининг шонли фарзандларини билиши керак! Мамлакатимизда амалга оширилган революцион ўзгаришларнинг олдинги сафларида борган ва меҳнаткаш халққа озодлик, тараққиёт, бахт сари элтадиган йўлни худди тунги машъаладек ёритиб берган кишиларини билиши керак.

Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кенг китобхонлар оимасига мўлжалланган очерк биринчи марта яратилмакда.

<sup>1</sup> «Правда Востока», 1967 йил 1 апрель.

Шу сабабли китоб муаллифи анча қийинчиликларга дуч келди. Матбуотда эълои қилинган узуқ-юлуқ ва унча кўп бўлмаган маълумотлар ўзбек халқи ажойиб фарзандининг кўп қиррали жўшқин ҳаёти ҳақида тўла тасаввур беролмайди, бунинг устига уларнинг баъзиларида хато фикрлар ҳам учрайди. Файзулла Хўжаев ҳақидаги очерк тарихий ҳақиқатга тўла мос келиши учун Москва ва Тошкент шаҳарларидаги бой архив фондлари пухта анализ қилиб чиқилди. Автор СССР Марказий Давлат Октябрь революцияси архиви, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, Марказий партия архиви, Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви материалларига мурожаат қилди.

Файзулла Хўжаев ҳақидаги, унинг партиявий ва давлат фаолиятига онд фактик маълумотларнинг кўпчилиги билан китобхонлар биринчи марта танишади. Масалан, ўзбеклар орасидаи биринчи бўлиб Файзулла Хўжаевга ўша даврнинг олий ҳарбий унвони — армия ҳўмондони унвони берилгани кўпчиликка эҳтимол маълум бўлмаса керак. Ҳолбуки, унинг таржимаи ҳолида ҳарбий фаолият катта ва муҳим ўрин тутади. Совет Туркистони учун оғир бўлган 1922—1924 йилларда у босмачиларга қарши кураш бўйича махсус тузилган фронтнинг Революцион ҳарбий совети аъзоси, Шарқий Бухоро Революцион ҳарбий совети раиси, Туркистон fronti Революцион ҳарбий совети аъзоси, шунингдек СССР Ҳарбий Советининг аъзоси бўлиши билан бирга, айни бир вақтда СССР Ҳарбий халқ комиссарлигининг Ўзбекистон бўйича вакили ҳам эди. Туркистон fronti Бухоро группаси қўшинларининг Қизил Армия Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжат материаллари Файзулла Хўжаев ҳаётининг ана шу саҳифалари ҳақида ёрқин ва ишонарли ҳикоя қилиб беради. Муаллиф Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистонда социалистик қурилишнинг барча босқичларида кўрсатган кўп қиррали фаолияти билан вақтли матбуот—«Бухоро Ахбори», «Озод Бухоро», «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон», «Правда», «Известия» ва бошқа газеталар орқали ҳам танишиб чиқди. Шу билан бирга, мазкур очеркни яратишда Файзулла Хўжаевнинг бой ижодий мероси 200 га яқин доклад ва мақолалар, 30 дан зиёд китоб ва брошюралар ҳам катта ёрдам бердики, бу меросда Коммунистик партия, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари жамиятчи социалистик негизда қайта қуриш, янги бахтли ҳаёт учун олиб борган қаҳрамонона кураши ўз ифодасини топган.

Албатта, Файзулла Хўжаев ёнида кўп йиллар давомида бирга ишлаган кишилар билан бўлган суҳбатлар йирик давлат арбобининг инсоний фазилатларини чуқур англаб олишда муаллифга жуда катта ёрдам берди.

Ушбу очеркни яратишда ўз мулоҳаза ва фикрлари билан ёрдам берган ўртоқларга муаллиф чуқур миннатдорчилик билдиради.

## ИЗЛАНИШ ЙИЛЛАРИ

Файзулла Хўжаев 1896 йилда Бухорода йирик савдогар оиласида дунёга келди<sup>1</sup>. Унинг отаси Убайдуллахўжа Қосимхўжаев Москвада ўзининг хусусий савдо маҳкамасига эга бўлиб, Россиянинг ўзида ҳамда хорижий бозорларда қоракўл тери билан кенг миқёсда савдо-сотиқ юргизар эди. У келажакда ўғлини ўзига ўхшаган эътиқодли мусулмон бўлиб етишишини истар ва савдо-сотиқ ишларини унга топширишни ўйлар эди. Бироқ Файзулла ўн олти ёшга ҳам тўлмасданоқ унинг отаси оламдан ўтди. Отанинг ўзига меросхўр тарбиялаш нияти ҳали у ҳаётлигидаёқ Файзулланинг камбағал деҳқон оиласидан чиққан онаси қаршилигига дуч келди. Эриникидаги бойлик меҳнаткашга қайишадиган бу оддий аёл фикрини бир бурда

---

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаевнинг таржиман ҳоли 1928 йил 3 апрелда тузилган хизмат рўйхати билан бирга унинг СССР Мудофаа вазирлигининг ҳарбий архивида сақланган К—15221 рақамли шахсий делосидан толилди. Унинг таржиман ҳоли, шунингдек ЎзССР Марказий давлат архивининг Марказий Ижроия Комитети фонди (88-фонд)да ҳам мавжуд.

Очеркда ВКП(б) XII—XVII съездларида делегат бўлиб қатнашган Ф. Хўжаев ўз қўли билан тўлғазган ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти Марказий партия архивида сақланаётган анкеталардаги маълумотлардан фойдаланилди.

нонга зор ҳамқишлоқларининг қашшоқлик исканжасида чекаётган азобларидан четга чалгитолмади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай аёл ҳар куни кўзи билан кўриб, юраги билан сезиб турганларини ўглидан сир тутуши мумкин эмас эди. Демак, қизиқувчан, зийрак йигитчанинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари шаклланишида катта роль ўйнаган биринчи омил онанинг таъсиридир.

Кичкина Файзулла аввал мусулмон мактабига қатнади, кейин икки йил Бухородаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрди.

1907 йилда Файзуллани отаси Москвага олиб кетди ва у махсус ёлланган рус ўқитувчиларидан таълим олди. Файзулла рус тилини ўрганиб олди; янги шароитни зийраклик билан кузатди, илгари кўрганлари билан таққослади, 1905 йилги революцион воқеалар ҳақида сўраб-суриштирди, Москва нотинч бўлиб қолгани ва қандайдир воқеалар етилиб келаётганлигини пайқади, яъни ўша даврдаги ҳаёт гирдобини Файзуллани ҳам ўз оғушига тортди.

Краснопресненск баррикадаларидан отилган ўқ овозлари тинар-тинмас яна суроли дамлар нафаси уфурди. Максим Горький куйлаган бўрон қуши — яқинлашиб келаётган буюк курашларининг жарчиси тағин «булутлар ва денгизлараро» чаппар ура бошлайди... Долзарб дамлар бошланади: тарих, ҳаёт, инсоният тақдири ҳар бир виждонли киши олдига: «буюк жанглар бошланган чоқда сен курашнинг қайси томонидан бўласан?» деган саволни кўндаланг қилиб қўяди, халқ оммасининг чуқур қатламларида етилиб келаётган революция кишилар онги ва қалбини синовдан ўтказадиган пайт яқинлашади.

Революцион ҳаракатнинг кўтарилиши узоқ миллий чекка ўлкаларда сиёсий ҳаётнинг активлашувига, ижтимоий кучларнинг уйғонишига олиб келди. Ана шундай чекка, асрий турғунлик ўлкаси бўлган Бухоро ёппасига революцион кўтарилиш бошланган даврда тарихий тараққиётдан четда қолиши мумкин эмас эди. Миллий бур-



жуазиянинг илгор намоёндалари маданият, тараққиёт ва озодлик даврида ҳануз амирнинг мустабид ҳокимияти сақланиб қолганлиги ва у мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти йўлида тўғаноқ бўлиб турганлигини тобора равшан тушуя бошладилар<sup>1</sup>.

Файзулла Хўжаев Москвадан қайтар экан Бухоро амира сарказолари ва феодал-мустабид тузум зулми остида фарёд чекаётган ҳақ-ҳуқуқсиз, хўрланган меҳнат аҳли ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини айниқса чуқур ҳис этди. Файзулла Хўжаев кўп ўтмай (1913 йилда) жадидлар ҳаракатига қўшилади. Бу ҳаракат феодал Бухороси шароитида маълум прогрессив аҳамиятга эга эди. Еш Файзулла Хўжаевда прогрессив гоялар шаклланишида Бухоронинг дастлабки маърифатпарварларидан бири Абдулвоҳид Бурхоновнинг<sup>2</sup> сезиларли таъсири бўлган.

Бухорода демократик ҳаракат маърифатсиз, саводсиз аҳоли ўртасида билим, маърифат ва маданият тарқатиш учун кураш шаклини олади. Бу янги усул мактаблари (мактаби усули жадиди) очишдан бошланди. Мазкур мактабларда диний таълим асослари билан бир қаторда математика, география, табиётшунослик каби дунёвий ва ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади. Янги усул мактаблар Бухорода аввалдан мавжуд бўлган асрий қолақлик ва мусулмон руҳонийларининг ҳукмронлигини ифодалов-

---

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Озодлик келди. «Бухоро Ахбори» газетасининг 1920 йил 9 сентябрдаги 1-сон.

<sup>2</sup> Абдулвоҳид Бурхонов — еш бухороликлар партиясининг раҳбари (1916 йил), 1918 йил мартдаги амирга қарши қуроли қўзғолон қатнашчиси, Тошкентда эмиграцияда бўлган йиллари барча демократик ва революцион кучларни ягона сиёсий партиёга бирлаштиришни актив ёқлаб чиққан. Бухоро Коммунистик партиясининг 1919 йил июнида бўлиб ўтган I съездида у Бухоро Коммунистик партиясини Марказий Комитетининг раиси қилиб сайланган. Амир тахтидан ағдарилгандан кейин Совет ҳокимияти органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

чи эски усул мактаблар (мактаби усули қадими)га қарама-қарши йўсинда ташкил этилади.

Жаҳолат ва маҳдудлик ҳукмрон бўлган шароитда янги усул мактабларининг очилиши, шубҳасизки, прогрессив ҳодиса эди. Миллий зиёлилар ва маҳаллий буржуазиянинг маорифни ислоҳ қилиш ҳаракатига етакчилик қилган айрим вакиллари мавжуд тузумга ва Бухородаги мустабид бошқарув усулига таъқидий назар билан қараганларнинг барчасини янги усул мактаблари атрофига бирлаштира бошлади. Шу билан бирга, подонлик ва диний маҳдудликка қарши кураш олиб борилди. Эски усул (қадими) мактаблар тарафдори бўлган реакцион мусулмон руҳонийлар эса халқ ўртасида бидъат ва хурофот уруғини сочар, тараққиётга тўғаноқ бўлар эди. Бухородаги жадилизм ўз синфий моҳияти жиҳатидан Туркистон ўлкасининг бошқа жойларидаги ана шундай ҳаракатлардан кам фарқ қилади. Бу янги шароитда шаклланган миллий буржуазия идеологияси эди. Бироқ, Бухородаги янги усул мактабларини қарор топтириш учун амирликнинг феодал-мустабид тузуми шароитида кураш олиб борилганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди, чунки «Бухорои шариф»да реакцион мусулмон руҳонийлари беқиёс катта таъсирга эга эдилар; улар тариқат ва шариатнинг «хитой девори» ичкарасига озгина бўлсада маданият уруғини сочишга уринганларни таъқиб этар ва қувғин қилар эди. Ҳаттоки рус маданияти таъсирида Бухорога кириб келган почта, телеграф, амирлик территориясида қурилган темир йўл, Қарши, Ғузор, Чоржўнда очилган ветеринария-фельдшерлик пункти, Эски Бухородаги касалхона ва амбулатория каби қувончли прогрессив ўзгаришлар ҳар қандай тараққиётнинг ашаддий душмани бўлган реакцион мусулмон руҳонийларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган эди.

Амирликда битта ҳам газета нашр этилмасди, клуб ва театрлар йўқ эди, лекин азиз-авлиёлар, эшонлар кўп, улар орасида Баҳовуддин мазори шайхларининг мавқеи

устун эди<sup>1</sup>. Бухоро ўша йиллари мусулмон динининг бешиги, ислом динининг таянчи ҳисобланар эди. Шаҳардаги 364 энсиз ва тор кўчаларда 360 маҳит ва ҳаммаси бўлиб 20 мингга яқин талабага эга бўлган 138 мактаб ва мадраса бўлиб, талабаларнинг аксари кўпчилиги руҳоний, савдогар, амир амалдорлари ва бой табақа вакилларининг болалари эди. Шунга қарамасдан, «Бухорои шариф»нинг ўзида ёшларнинг бир қисмини эртами-кечми диндан қайтарадиган «оллоҳу карим»га зид дунёвий маърифат ўчоқлари пайдо бўлгани учун ҳам реакцион руҳонийлар тоқат қилиб туролмас эди. Шу сабабли руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиб қўйиш учун ўзларининг бутун таъсирларини ишга солдилар. Натижада кўп ўтмай, 1908 йилда очилган мактабларнинг эшигига қулф тушди.

Янги усул мактаблари ёпиб қўйилгандан кейин (1910) жаҳидлар «яширин жамият» туздилар. Унга 30 га яқин киши аъзо бўлди... Жамият «йирик ва ўртаҳол савдогарлар, муаллимлар, руҳонийлар ва бадавлат ҳунармандларнинг илғор фикрли намояндаларидан»<sup>2</sup> иборат эди. Бироқ руҳонийларнинг кучли таъсири остида бўлган халқ оmmasининг асосий қисми жаҳидларга ишонмади. Сабаби, деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг синфий манфаатлари — ер масаласини узил-кесил ҳал қилиш, адолатли солиқ белгилаш, очкўз, текин томоқ, амир, бек, қози, раис, муфти, амлоқдор ва аминларни халқ ҳисобига «боқиш»га асосланган ибтидий усулни бекор қилиш, амалдорларнинг ўзбошимчаликларини чеклаш ва шунга ўхшаш замонанинг энг муҳим масалалари жаҳидларнинг программ талабларида четлаб ўтилган эди.

Дастлаб маърифат тарқатиш билан шуғулланувчи оқим сифатида майдонга келган жаҳидизм кейинчалик,

<sup>1</sup> И. Мўминов. Танланган асарлар. Биринчи том, «Фан» нашриёти, 1967 йил, 247-бет.

<sup>2</sup> РСФСРнинг Совет Бухоросидаги элчиси К. Юренивнинг 1921 йил 16 ноябрда ёзилган «Бухоро Коммунистик партияси» номли хати. МЛИ МГА, 61- фонд, 1- рўйхат, 122- дело, 3- варақ.

миллий буржуазиянинг илғор намоёндалари «амир ҳукумати сира ҳам халқ манфаатларининг қўмончиси бўл-маслигига, аксинча халқнинг бутун бойлигини кемираётган зolimлар, қароқчилар гуруҳидан иборат хонлар ва қонхўрлар ҳукумати»<sup>1</sup> эканлигига тобора кўпроқ ишона борган сари хонликда демократик ўзгаришларни ёқлаб, сиёсий йуналиш касб эта бошлади.

Шунинг эслатиб ўтиш керакки, чириган давлат тузумини ўзгартириш учун курашнинг ўсиши жадидлар сафида чинакам демократик кучлар (Ф. Хўжаев, С. Айний, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдулвоҳид Бурхоннов ва бошқалар) билан бир қаторда, миллатчи элементлар — маҳаллий буржуазия ва миллий интеллигенциянинг реакцион панисломизм ҳамда пантуркизм ғоялари билан заҳарланган вакиллари (Усмон Хўжаев, Орифов, Ота Хўжаев ва бошқалар) нинг активлашувига ҳам олиб келди. Ана шу ҳол жадидизмда ажралиш юз беришига, сўл (демократик) ва ўнг (реакцион) оқим майдонга келишига сабаб бўлди.

Жадидизм ҳаракатига баҳо берар эканмиз, унинг ислохотпарварлик характерини, сиёсий мақсадларининг чекланганлигини айтиб ўтиш зарур.

«Буржуазия, — деган эди В. И. Ленин, — давлатни революцион тарзда эмас, балки буржуа тарзида, реформистик тарзда ислоҳ қилишга интилиб, монархияни ҳам, помещиклар ер эгаллигини ҳам ва ҳоказоларни ҳам мумкин қадар сақлаб қолмоқчи»<sup>2</sup>.

Миллий буржуазиянинг идеологлари бўлмиш жадидларининг сиёсий платформаси каби, жадидизм замишида майдонга келган ёш бухороликлар партиясининг сиёсий платформаси ҳам ана шундай эди. Бинобарин, жадидлар ҳаракатини революцион ҳаракат, ёш бухороликлар пар-

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Озодлик келди. «Бухоро Ахбори» газетасининг 1920 йил 9 сентябрдаги 1-сон.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 28-том, 317-бет.



тиясини революцион ҳаракат партияси сифатида кўрсатишга уриниш равшанки, ҳақиқий аҳволга, тарихий ҳақиқатга сира тўғри келмайди<sup>1</sup>.

Россияда Улуг Октябрь социалистик революцияси галаба қозонди. Бунинг самарали таъсири натижасида ёш бухороликлар партиясининг бир қатор таниқли намояндалари дунё қарашида сўлга силжиш юз берди. Мазкур партиядо революцион руҳ билан сугорилган интеллигенция ва миллий буржуазиянинг илгор вакилларини бирлаштирган сўл оқим пайдо бўлишига олиб келди. Ёш бухороликларнинг ана шу қаноти, гарчи аввалгидек ижтимоий ва давлат тузумини белгилашда шариатга асосланишни тан олсаларда, жадидлар ва ёш бухороликлар партияси фаолиятининг дастлабки давридагига нисбатан анча радикал талаблар билан чиқади. «Сўл» ёш бухороликлар, чунончи, ўз олдига амир ҳокимиятини чеклаш, қонун чиқарувчи мажлис таъсис этиш йўли билан давлатни бошқаришни демократлаштиришни вазифа қилиб қўйдилар, сўз ва матбуот эркинлиги ва ҳоказоларни талаб қилиб чиқдилар. Хуллас, ёш бухороликлар партияси сўл қанотининг программаси шубҳасиз олга қараб қўйилган қадам бўлиб, ҳатто ўрта аср тартиблари ҳукм сурган ва реакцион мусулмон руҳонийлар чекланмаган таъсирга

---

<sup>1</sup> Шунини айтиш керакки, бир неча йилдан кейин, Файзулла Хўжаев большевистик позицияда мустаҳкам туриб «Бухоро революцияси тарихига оид» асарида жадидизмга баҳо беришга ҳаракат қилган. Бироқ бу асар партия матбуотида танқид қилинади. Файзулла Хўжаев ўзи йўл қўйган хатони англайди ва «Коммунистическая мысль» журналида «Справка ва жавоб», шунингдек Ўзбекистон Компартияси III съездида «Баёнот» беради («Правда Востока» газетасининг 1927 йил 25 ноябрь сони). У Бухорода жадидизм ҳаракатига баҳо беришда йўл қўйган хатоларини тўла тан олади. «Бухоро революциясига оид ва Ўрта Осиёда миллий чегараланиш» асарининг иккинчи тузатишган ва тўлдирилган нашри (Тошкент, Ўздавиашр, 1932 йил)нинг «Бухоро революцияси тарихига оид» қисми текстига Файзулла Хўжаев жиддий тузатиш киритади ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихига оид янги бўлим қўшади.

эга бўлган ўлкада революцион кайфият анча ўсганлигини билдиради.

Ёш бухороликлар сўл қанотига Файзулла Хўжаев бошчилик қилар эди.

Прогрессив кайфиятдаги миллий буржуазия ва интеллигенция ўртасида оппозиция кучайиб бораётганлигидан чўчиган амир давлатни бошқариш соҳасида ва маориф соҳасида бир қатор демократик ислоҳотлар ўтказишни ваъда қилди. Бироқ амир ва унинг амалдорлари томонидан катта шов-шув билан қилинган бу найранг реакциянинг барча кучларини тўплаб жипслаштириш, сўнгра бир зарб билан кишилар онгидаги парокандаликка барҳам бериш, ўсиб бораётган революцион ҳаракат етакчиларидан қутулиш учун керак эди.

Амир ўзи ваъда қилган ислоҳотлар ҳақида 1917 йилнинг 17 мартада фармон эълон қилажаклигини айтади. Уша куни шаҳарликлар қадимий Бухоро кўчаларига ортиқиб кутилган озодлик ҳақидаги хабарни қутлаш учун чиқадилар. Амир озодлик эълон қилиш ўрнига хунрезлик тайёрлаётганлигини ҳали ҳеч ким билмайди. Бирдангина қулоқни қоматга келтирадиган бақириқ эшитилади, ҳамма ёқда шовқин-сурон кўтарилади, қий-чув бошланади... Амир жаллодлари халқ бошига ажал ёғдиради, сонсаноксиз бегуноҳлар хунрезлик қурбони бўладилар. Зиндонлар маҳбуслар билан тўлиб-тошади.

Амир томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган Файзулла Хўжаев қочишга улгуради. Энди Бухоро ҳокимлари билан музокара юритиш ва келишув асосида амирликда демократик ислоҳотлар ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги хом хаёл узил-кесил пучга чиққан эди.

Ёш бухороликлар ваъда қилинган фармонни имолашга ва ижроия ҳокимиятни Файзулла Хўжаев боши ёш бухороликлардан иборат комитет қўлига бериш амирни куч билан мажбур қилиш учун Туркистон ҳокимиятига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Ёш Туркистон Республикаси ўзи учун жуда оғир бўлган па

амирлик мухолифларига талаб қилинганича ёрдам кўрсатиши қийин эди. Шундай шароитда ҳам ёш бухороликларга қурол кучи билан ёрдам беришга уриниб кўрилади (Колесов юриши аталмиш юриш)<sup>1</sup>, лекин бу ҳаракат кутилган натижани бермайди. Амир бундан маҳдудлик ва Совет ҳокимиятига кўр-кўрона душманлик уруғини сочиш учун фойдаланади.

Реакция яна бош кўтаради. Иккинчи марта ўлим жазосига ҳукм қилинган Файзулла Хўжаев қонхўр амир жазосига чап бериш учун Тошкентдан нажот излашга мажбур бўлади. У ёш бухороликлар революцион комитетининг раиси сифатида Туркистондаги совет ва партия органлари билан алоқа боғлайди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан бошпана берилган сиёсий муҳожирларни<sup>2</sup> жойлаштириш ва моддий жиҳатдан таъминлаш билан шуғулланади.

1918 йил апрелда Тошкентдаги бухоролик муҳожирлар ўртасида ажралиш юз беради. Амир ҳокимиятини революцион йўл билан ағдаришга қарши чиқаётган ва либерал ислохотлар ўтказиш позициясида турган либерал кайфиятдаги муҳожирлар гуруҳи ёш бухороликларнинг ўнг қанотини ташкил этади. Бошқа гуруҳ сўл эсерлар программасини қабул қилади ва ёш бухороликлар социал революционерлар партиясини тузиб, ўзларини ёш бухоролик-революционерлар деб атади. Учинчи гуруҳ амирликни ағдариб ташлаш ва демократик республика барпо этишни ёқлаб чиқади. Ана шу гуруҳ йўлбошчиларидан бири Файзулла Хўжаев эди<sup>3</sup>.

Амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун рус большевикларидан, Россия пролетариатидан ёрдам олиш

<sup>1</sup> Қаралсин: «История коммунистических организаций Средней Азии», «Ўзбекистон» нашриёти, 1967 йил, 444—447-бетлар.

<sup>2</sup> Ф а й з у л л а Х ў ж а е в. Ёш бухороликлар ҳақида. «Улуғ Туркистон» газетаси, 1918 йил 11 июль., 103-сон.

<sup>3</sup> Уша жойда. 447-бет.



мақсадида 1918 йилнинг ёзида Файзулла Хўжаев Москвага жўнайди. Оренбургда у оқгвардиячилар қўлига тушади ва турмага ташланади. Тўрт ой қамоқ азобини чекади. Туркистон большевиклари билан алоқада бўлганлиги учун ҳарбий дала суди уни ўлим жазосига ҳукм қилиши турган гап эди. Бироқ бахтли тасодиф туфайли у қамоқдан қочади ва дастлаб Самара, кейин эса Қўзон шаҳарларида Олим Чураев номи билан яширишиб юради<sup>1</sup>.

### ЯНА МОСКВАДА

1918 йил октябрь ойининг бошларида Файзулла Хўжаев Москвага етиб боришга муяссар бўлади. Мана у яна Россиянинг чинакам юраги бўлган шаҳарда. Бироқ унунг бу сафарги Москвага келиши дастлабкисига қаёқдан ўхшасин! Октябрь революцияси Марказий давлат архивида Файзулла Хўжаевнинг Москвадаги ҳаётининг дастлабки кунларига оид ҳужжатлар сақланиб қолган. Улардан бири — РСФСР ҳукумати ҳузуридаги Туркистон АССР мухтор вакиллиги томонидан 1918 йил 2 октябрда Файзулла Хўжаев номига берилган гувоҳномадир. Мазкур гувоҳномада унинг сиёсий муҳожирлиги ва Москвада ҳамда РСФСРнинг бошқа шаҳарларида яшашга тўла ҳақли эканлиги тасдиқланади<sup>2</sup>. Иккинчиси РСФСР Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигининг Шарқ бўлиmidан «яқинда Москвага келган, йўлда ҳамма ҳужжатларини йўқотган ва Оренбург ҳамда Самара губерниясидаги ўта контрреволюционерлар қамоғида азоб чекиб чиққан ёш бухороликлар партиясининг раиси ўртоқ

<sup>1</sup> УзССР МДА, 1737- фонд, 2- рўйхат, 12- дело, 30—34- варақлар. шунингдек ВҚП(б) XVI съезди делегати Ф. Хўжаевнинг 1930 йил 23 июнда ўз қўли билан тўлғазилган аниқтаси (МЛИ МПА, 58- фонд, 1- рўйхат, 15- дело, 29- варақ).

<sup>2</sup> СССР ОРМДА, 1334- фонд, 1- рўйхат, 40- дело, 117- варақ.



Файзулла Убайдулла Хўжаевга»<sup>1</sup> паспорт беришни сўраб ёзилган илтимосномадир. Учинчиси эса, 1918 йилнинг 12 ноябрида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети номига ёзилган илтимоснома бўлиб, унда ёш бухороликлар партиясининг раҳбари ва Туркистон республикасининг мухтор вакиллиги ҳузуридаги ёш бухороликлар комитетининг аъзоси Файзулла Убайдулла Хўжаевга, у Туркистонга қайтгач Бухоро амирининг контрреволюцион мустабид ҳокимияти томонидан жонига қасд қилиш хавфи борлиги сабабли қурол тақиб юришга рухсат этилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш сўралади<sup>2</sup>. Мазкур ҳужжатда Файзулла Хўжаевнинг Москвада Большая Дмитровка кўчасидаги 9-уй 15-квартирада истиқомат қилиб турганлиги ҳам кўрсатилган.

Файзулла Хўжаев Москвага келгандан кейинроқ, дарҳол РСФСР ҳукуматидаги Туркистон АССР мухтор вакиллиги ҳузурида ёш бухороликлар комитетини ташкил этишга киришди. Комитетни ташкил этиш ишларига қарийб икки ой вақт кетди ва 1918 йилнинг 30 ноябрида Файзулла Хўжаев телеграмма йўллаб Туркистон АССРнинг Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги ва ёш бухороликлар партиясининг Марказий Комитетини булдан хабардор қилади ва комитет ишлаб турганлиги ҳақида ахборот беради. Комитет составига тўққиз киши кирган эди. Комитетнинг фаолияти, Бухоро амирлигида тарқатиш учун ўзбек ва тожик тилларида варақалар, хитобномалар ва чақириқлар нашр қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни РСФСР ҳукумати ўз зиммасига олади ва 1918 йилнинг ноябрь ойидаёқ бу мақсад учун 155 миң сўм маблағ ажратади.

Комитет Туркистон АССР мухтор вакиллиги томонидан тасдиқланган ва РСФСР Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги маъқуллаган низомга эга эди. Унда

<sup>1</sup> СССР ОРМДА, 1334- фонд, 1- рўйхат, 40- дело, 75- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 26- дело, 416- варақ.

жумладан шундай дейилган: «Бухоро хонлигида революцион фаолиятни кучайтириш мақсадида ёш бухороликлар комитети таъсис этилди. Комитетнинг вазифаси асосан бу ўлкада пайдо бўлаётган оммави сиёсий жиҳатдан тарбиялашни мақсад қилиб олган революцион ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек ўлкани иқтисодий юксалтириш чораларини кўришдан иборат. Бундан ташқари, комитет китоблар, брошюралар ва бошқа босма асарлар нашр қилиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш йўли билан аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишларини ривожлантириш вазифасини амалга оширади<sup>1</sup>.

Ёш бухороликлар комитети РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигида коммунист С. Юсупов<sup>2</sup> бошчилигидаги Туркистон комиссарнати составида ўз бўлимига эга эди.

Файзулла Хўжаев бошлиқ ёш бухороликлар комитети ўзбек ва тожик тилларида икки ҳафталик «оммабон» журнал нашр қилишга киришади<sup>3</sup>. Бухорога кўп нусхада жўнатиш учун амир ҳокимиятини ағдариб ташлашга ундовчи хитобномалар, варақалар, брошюралар чиқарилади. 1918 йил декабрийнинг ўрталаридаёқ ўзбек тилида икки брошюра босма усулида чоп этилади ва Бухорога жўнатилади. Ёш бухороликлар босма нашрларда амир ҳокимиятининг халққа қарши моҳиятини фош қилади, меҳнаткашлар оммасини мавжуд тузумни ағдариб ташлашга чақиради.

1918 йилнинг 16 ноябрида Москвада ёш бухороликлар комитетининг Туркистон республикаси Советларининг Марказий Ижроия Комитети мухтор вакиллиги аъзолари билан қўшма йигилиши бўлади. Унда Файзулла Хўжаев, Собиржон Юсупов ва бошқалар иштирок

<sup>1</sup> СССР ОРМДА, 1334- фонд, 1- рўйхат, 40- дело, 142- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 3- дело, 209- варақ.

<sup>3</sup> Уша жойда, 26- дело, 230- варақ.

этади. Мазкур йнгилишда ёш бухороликлар комитетининг Файзулла Хўжаев томонидан ишлаб чиқилган «Инструкция»си тасдиқланади. Бу «Инструкция» ёш бухороликлар партиясининг муваққат программаси бўлиб хизмат қилади ва Файзулла Хўжаев бошлиқ ёш бухороликлар комитети социалистик Россиянинг ҳар тарафлама (сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий) ёрдами билан амирнинг мустабид режимини ағдариб ташлашга қаттиқ бел боғлаганликларидан далолат беради.

Файзулла Хўжаев 1919 йил 29 январда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети раиси Я. М. Свердлов номига йўллаган мактубида ҳам ана шу ҳақда гапириб, хусусан, ёш бухороликлар партиясини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, амир ҳокимиятига қарши курашда унга қурол-яроқдан ёрдам бериш, шунингдек Бухоро халқи ўртасида пропаганда ишларини зарур даражада авж олдиришда кўмаклашиш сўралади<sup>1</sup>.

1918—1919 йилларда Файзулла Хўжаевнинг сиёсий муҳожир сифатидаги фаолияти жаҳон революцион ҳаракатининг маркази бўлган Москвада ўтади, бу албатта унга самарали таъсир кўрсатмай йложи йўқ эди. Ўз номини ёш бухороликлар партиясининг Социалистик комитети<sup>2</sup> деб ўзгартирган Москва комитетининг «Шарқ халқларига хитобномаси» Файзулла Хўжаевнинг сиёсий жиҳатдан ўсиб, камол топаётганлигидан далолат бериб турарди.

«Шарқ халқларига хитобнома»да Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилганлиги ва Россияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг халқаро аҳамияти таъкидланади, шу билан бирга Россиянинг ва бутун Шарқнинг эзилган мусулмон халқларини империализмга қарши курашга, мустамлака зулмини батамом тугатишга чақирилади.

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 17- фонд, 65- рўйхат, 72- дело, 77- варақ.

<sup>2</sup> «Жизнь национальностей», 1919 йил, 2- март, 7- сон.

Рус большевиклари — ленинчи гвардиянинг ташқи аъзолари бўлган Ш. З. Элиева, Я. Э. Рудзутак, В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, В. А. Троицкий ва бошқалар билан мунтазам мулоқатда бўлган Файзулла Хўжаев бу нарсаларни чуқур англаб олди. Анчагина ишлар ҳам қилиб қўйди. Энди амирнинг мустабид ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун курашда бевоғота қатнашини учун ватанга қайтнини керак эди.

### Шундай кун келади...

1919 йилнинг охирида ёш бухороликлар партиясининг социалистик комитети аъзолари ватанга жўнашди. Улар билан Ленин юборган вакиллар — рус большевиклари, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг Туркистон ишлари юзасидан ташкил этган комиссиясининг аъзолари ҳам йўлга чиқадди.

Файзулла Хўжаев 1920 йил январь ойи бошларида Тошкентга келиб, ёш бухоролик-революционерлар партиясининг Туркистон бюросини тузди. Бу ташкилотнинг Бухоронинг ўзида аҳоли ўртасида революцион агитация юргизиши учун Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг Туркистон ишлари юзасидан тузилган комиссияси розлик берган эди<sup>1</sup>.

1920 йилнинг 15 апрелида Файзулла Хўжаев раҳбарлигида «Учқун» («Искра») газетасининг биричи сонини чиқарди. Газета Тошкентда босилди ва Бухорода яширинча тарқатилди. Газета амир фуқаролари ўртасида анча эътибор тонади ва амалдорларнинг чеklangан ўзбошимчалиги ва халқнинг ҳуқуқсизлигига асосланган мустабид амирлик режими албатта ағдариб ташланишини тарғиб қилади.

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 122- фонд, 1- рўйхат, 22- дело, 1- варақ.



«Учқун» газетасида Файзулла Хўжаевнинг «Шу куннинг вазифалари», «Ҳақиқат таянча қилади», «Муқаддас яттифоқ» ва шу каби бошқа мақолалари босилади.

Ёш бухороликлар революцион партиясининг Марказий бюроси Бухоро деҳқонлари, шунингдек амир сарбозларига қарата хитобнома чиқаради ва уларни амирга қарши ёппасига қўзғолон кўтаришга, мустабид ҳокимиятни ағдариб ташлашга чақиради.

РКП(б)нинг ёш бухороликлар партиясига нисбатан муносабати ва ундан мустабид амирлик режимига қарши фойдаланиш масаласи Совинтерпроп<sup>1</sup> совети мажлисларида бир неча марта муҳокама қилинади. Совинтерпроп Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Совети Туркистон комиссияси пропаганда бўлими бўлиб, у ўша вақтда Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги революцион ва демократик партиялар билан алоқа қилиб турган.

1920 йилнинг 10 майида Совинтерпроп Марказий Туркистон бюросининг «Ёш бухороликларнинг фаолияти ҳақида»ги докладини эшитиб, мазкур партиянинг программаси ҳамда фаолияти билан пухта ва ҳар тарафлама танишиш зарур деб қарор қабул қилади<sup>2</sup>.

Ёш бухороликлар программасига биноан Бухорода революция галаба қозонгандан кейин ҳокимият муваққат революцион ҳукумат қўлига ўтиши, у давлатни демократик асосларда бошқаришни таъминлаши керак эди; йирик буржуазия, амир амалдорлари, реакция руҳонийларнинг вакиллари учун ҳокимият органларида қатнашиш тақиқланган, ўрта табақа ва камбағал синфларнинг манфаатларига риоя қилиш принципи таъкидланганди. Программанинг бу қондаси ёш бухороликлар партиясининг социал составига мос бўлиб тушган эди,

<sup>1</sup> Совинтерпроп — Шарқда интернационал пропаганда Совети.

<sup>2</sup> МЛИ МИА, Коминтерн архиви, 33-фонд, 1-рўйхат, 11-дело, 1-варақ.

чунки унга ўрта табақа буржуазия, ўрта ва майда рухонийлар, прогрессив интеллигенциянинг амр тартибларидан порози бўлган оппозицион қисми бирлашган эди.

Ёш бухороликлар боиларнинг ер-сувини мусодара қилиш, қишлоқ хўжалигини, ҳунармандчилик саноатини, ички ва ташқи савдонини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган эди.

Уларнинг янги программаларини аввалгисидаги мақсадлари билан таққослаш ёш бухороликлар партияси конституцион монархия ўрнатишни талаб қилган сиёсий оқимдан амирни ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўйган партияга айланганлигидан далолат беради. Бироқ, ҳар ҳолда ёш бухороликлар майда буржуазия партияси бўлиб, буржуа-демократик республика ўрнатиш учун курашган эди<sup>1</sup>.

Чирган феодализмнинг ағдариб ташлаш учун меҳнаткаш омманинг халқ революциясига бошчилик қилган чинакам етакчиси 1918 йил сентябрь ойида тузилган Бухоро Коммунистик партияси эди. Уни Азимжон Ёқубов<sup>2</sup>, Абдулла Тўраев<sup>3</sup> каби шонли революционерлар ва бошқа содиқ ленинчилар ташкил қилганлар. Бухоро Коммунистик партияси 1920 йил революцияси арафаси-

---

<sup>1</sup> «История Коммунистических организаций Средней Азии», «Узбекистон» нашриёти, 1967 йил, 483-бет.

<sup>2</sup> Азимжон Ёқубов — Когон (Янги Бухоро)лик ички, Бухоро Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири, 1918 йилнинг 25 сентябрида Азимжон Ёқубов Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси қилиб сайланади. У 1919 йил февралда терлама касалидан вафот этган.

<sup>3</sup> Абдуллахўжа Тўраев — Бухоро Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири, эски Бухоро яширин ячейкасининг бошлиғи, 1920 йил революцияси арафасида ячейка амр томонидан тор-мор келтирилади, унинг раҳбари, қўрқмас революционер Абдуллахўжа Тўраев зиндонга ташланади ва революция галабасидан сал олдин — 1920 йилнинг 1 сентябрида амр жаллодлари томонидан қатл этилади.

да анча салмоқли куч эди. Унинг сафларида 5 минг коммунист бўлиб, у қўзғолонни тайёрлашга раҳбарлик қилишда армияда ҳам, халқ ўртасида ҳам кучли таъсирга эга эди<sup>1</sup>. Революция етилиб турган пайтда большевиклар учун ёш бухороликларга нисбатан муносабат масаласи тамомила амалий аҳамият касб эта бошлайди. Бухоро Коммунистик партиясининг баъзи раҳбар арбоблари (Нажиб Ҳусайнов, Олимжон Акчурин ва бошқалар) Бухорода революция бошқа демократик кучлар, хусусан ёш бухороликлар билан иттифоқ тузмасдан ғалаба қилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Партия бу хато фикрни рад этиб, тўғри йўлни кўрсатиб берди. Чунки, агар революцияда шахар ва қишлоқ камбағалларигагина суяшиладиган бўлса, у ҳолда аҳолининг ёш бухороликлар партияси атрофида бирлашган бошқа табақалари, хусусан майда ва ўрта буржуазия, прогрессив миллий интеллигенция амирликка қарши курашдан четлатилган бўлур эди. Бунда қолоқ, феодал-патриархал ўлка бўлган Бухорода революциянинг ўзига хос шароитда ривожланиши ҳисобга олиниши, революциянинг биринчи босқичида асосий вазифа феодализм сарқитларини, амирнинг дарра ва қамчи билан итоат эттиришдан меҳнаткашлар оммасини очиқдан-очиқ беҳаёлик билан талашдан иборат халқ оммасининг қаҳр-ғазабини оширган мустабид бошқарув усулини тугатишдан иборат эканлигини ҳисобга олиш зарур эди.

В. И. Ленин ҳамма вақт тарихан таркиб топган аҳволни, халқ оммасининг кайфиятини ҳушёрлик билан ҳисобга олиш керак деб таълим беради. Ленин кўрсатиб ўтганидек, тарихий воқеаларнинг ривожланиш жараёнида майда буржуа партиялари билан вақтинча келишини

---

<sup>1</sup> Бухоро Коммунистик партиясининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти ҳақида батафсил маълумот билан «История Коммунистических организаций Средней Азии» китоби орқали танишиш мумкин. «Ўзбекистон» нашриёти, 1967 йил.

мумкин ва ҳатто зарур эди. Чунки улар революциясини тайёрлаш ва амалга ошириш даврида, унинг (революциянинг) зарби ҳам феодализмга (революциянинг ички вазифаси), ҳам мустамлакачиликка (революциянинг ташқи вазифаси) қарши қаратилишини назарда тутган ҳолда «совет тузуми бўлиши ҳақидаги фикрга бутунлай қарши»<sup>1</sup> чиқмайдилар.

В. И. Ленин аҳолининг барча қатламларини революция томонга огдириб олишнинг муҳим шартларидан бири миллий интеллигенция ва шаҳар билан қишлоқнинг майда буржуа элементларига ён бериш<sup>2</sup> сиёсатини амалга оширишдан иборат эканлигини, чунки, Бухоро Россияга қараганда мутлақо деҳқонлар ўлкаси, мутлақо майда буржуа ўлкаси<sup>3</sup> эканлигини ҳисобга олиш зарур деб таълим берар эди. Худди ана шу вазият революциянинг биринчи босқичида, ҳали у умумхалқ, умуммиллий характерда бўлган босқичида феодализм-мустабид тузумга қарши курашда қатнаша оладиган барча демократик партиялар билан революцион иттифоқ тузиш вазифасини илгари сурган эди.

Ёш бухоролик революционерлар партияси билан иттифоқ тузиш масаласида В. В. Куйбишев ленинча позицияда турди. В. В. Куйбишев фикри билан Совинтерпроп нуқтаи назари мос бўлиб тушди: Совинтерпроп ҳам амирликка қарши курашда бундай иттифоқдан фойдаланиш мумкин ва Файзулла Хўжаев бошлиқ ёш бухоролик-революционерлар партиясининг Марказий бюроси билан алоқани узиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топди.

Совинтерпроп 1920 йил 6 июлда РКП(б) Марказий Комитетига йўллаган хатида Бухоро революция арафасида турган даврда ёш бухороликлар партияси «амир ва бекларнинг мустабид ҳокимиятини ағдариб ташлаш-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 32- том, 166- бет.

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Уша жойда, 352- бет.

га ёрдам берадиган прогрессив омил»<sup>1</sup> экаилиги алоҳида таъкидланади.

Совинтерпроп 20 июлда РКП(б) Марказий Комитетига қуйидаги мазмунда телеграмма йўллади: «Ёш бухороликлар партияси очиқ революцион характерга эга, амирлик мустабид тузумидан нафратга тўлган, советлар йўлига мойил. Ёш бухороликлар қуйи ва ўрта табақа руҳонийларнинг оппозицион қисми ўртасида шубҳасиз таъсирга эга, Бухорода бошланаётган воқеаларда анча муҳим роль ўйнаши керак, шаҳар ва қишлоқ камбағаллари ўртасида, энг муҳими, армияда ҳам маълум даражада таъсирга эга»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Коммунистик партия демократик кучларни бирлаштириш манфаатларини кўзлаб ёш бухороликлар билан амирга қарши курашда иттифоқ тузишни маъқул топди. Ўз навбатида Файзулла Хўжаев бошлиқ ёш бухоролик-революционерлар ҳам коммунистлар билан яқинлашиш йўлларини изладилар. Албатта ёш бухоролик-революционерларнинг қатъий «сўл» йўл тугишида В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Ш. З. Элиава, Я. Э. Рудзутак ва Ленин партиясининг бошқа кўзга кўринган арбоблари, шунингдек рус ва туркistonлик коммунистлар ўз таъсирларини кўрсатдилар. Улар билан Файзулла Хўжаев ва ёш бухороликлар партиясининг бошқа раҳбарлари 1918—1920 йиллар давомида муштазам мулоқатда бўлган эди.

Шарқдаги интернационал пропаганда советининг қўллаб-қувватлаши билан ёш бухороликлар партиясининг Туркiston бюроси ёш бухороликларни РКП(б) составига қабул қилишни сўраб В. И. Ленин номига хат ёзди.

В. И. Ленин мазкур хат, шунингдек унга илова қилинган программани диққат билан ўрганиб чиқди ва

<sup>1</sup> Вестник НКВД, М., 1922 йил, 4—5-сон, 124-бет.

<sup>2</sup> МЛИ МПА, 122-фонд, 1-рўйхат, 92-дело, 271-варақ.



Марказий Комитет Ташкилий бюросига РКП(б) нинг ёш бухороликлар партиясига мунсабатини белгилаб чиқишни топширди. 1920 йилнинг 29 июлида РКП(б) Марказий Комитетининг Ташкилий бюроси бу масалани муҳокама қилди ва ёш бухороликлар партиясини РКП(б) составига қабул қилиш ҳақидаги илтимосини уларнинг программаси социализм ғояларига хилоф келганлиги учун рад этди. Шу билан бирга РКП(б) Марказий Комитети «Бу ташкилотга унинг мустабид амир ҳокимиятига қарши революцион курашида ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш зарур», деб топди.

РКП(б) Марказий Комитети қарорига биноан ёш бухороликлар партиясига муносабат масаласи 1920 йил 3 августда РКП(б) Марказий Комитети ҳамда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг Туркистон ишлари юзасидан комиссиясининг мажлисида муҳокама қилинди. Бу мажлисда Шарқда интернационал пропаганда олиб бориш Совети Ижроия бюроси, шунингдек Бухоро коммунистлари ҳамда ёш бухороликлар партияси вакиллари ҳам иштирок этди.

Турккомиссия мажлисида ёш бухороликлар партияси Марказий Туркистон бюросининг раиси Файзулла Хўжаев сўзга чиқиб, ўз партиясининг тутган йўли ва программасининг баъзи жиҳатлари ҳақида изоҳ берди. Файзулла Хўжаев ўзи бошчилик қилаётган ёш бухороликлар мажлисида коммунистлар позициясига ўтиб олганлиги ёш бухороликлар программасининг РКП(б) программасидан узоқ эканлиги жузъий тафовут бўлиб, бу аҳолининг очкин ойдин ўртага ташланган коммунистик шиорларга эргашмайдиган қисмини ҳам амирга қарши курашга жалб қилиш учун зарур бўлган тактик қадам эканлиги ҳақида гапирди. Шу сабабли Бухорода революция ғалаба қозонгунга қадар ёш бухороликлар партияси РКП(б) номи программасидан фарқ қиладиган ўз номи ва программасига эга бўлиши керак, деди у. Амирлик ағдарилган к

нинг эртасигаёқ бу тактик сабаблар ўз-ўзидан аҳамиятини йўқотади, бинобарин ёш бухороликлар партияси Коммунистик партия номи ва программасини расмий равишда қабул қилади<sup>1</sup>.

Мажлисида ёш бухороликлар партиясининг фаолияти ҳар тарафлама таҳлил қилиниб қуйидаги резолюция қабул қилинди: «Ёш бухороликлар революцион ташкилоти ҳозирги мавжуд программасида ифода этилган расмий йўли модомики, коммунистлар программасига қарама-қарши қўйилган экан, у РКП(б) томонидан қўллаб-қувватланиши мумкин эмас эди, бироқ Марказий Комитет комиссияси уларнинг ўзини коммунистик платформада турганлиги ва Бухорода амирлик ағдарилган куннинг эртасигаёқ расман Коммунистик партия сафига киришни мақсад қилиб қўйганлиги ҳақидаги баёнотини инobatга олиб ёш бухороликларга ёрдам беришни мумкин деб ҳисоблайди. Бунинг учун ёш бухороликлар олдига қўйиладиган шарт шуки, улар Бухоро коммунистлари билан албатта иттифоқ тузишлари, ўзаро курашларни тўхтатишлари ҳамда ёш бухороликлар революцион ташкилоти билан Бухоро коммунистларининг бирлашувига олиб келадиган зарур шарт-шароитларни тайёрлашлари керак.

Мазкур қарор Бухоро коммунистлари учун ҳам мажбурийдир.

Ёш бухороликлар революцион ташкилоти Турккомиссия мажлисида ўзининг коммунизмга муносабати ҳақида берган баёнотини ёзма равишда тақдим қилиши шарт»<sup>2</sup>.

Ёш бухороликлар революцион ташкилотининг марказий бюроси 1920 йилнинг 6 августида Файзулла Хўжаев

---

<sup>1</sup> СССР ОРМДА. 130- фонд, 4- рўйхат, 301- дело, 63- варақ; Файзулла Хўжаев, «К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии», Т., Госиздат, 1932 йил, 86- бет.

<sup>2</sup> Уша жойда, 64- варақ.

Турккомиссиянинг мажлисида берган баёнотини ёзма равишда тасдиқлади<sup>1</sup>.

Бухоро Коммунистик партиясининг қуролли кўзго-  
лонини тайёрлаш ва амалга ошириш соҳасидаги фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш учун Турккомиссия ҳарбий-революцион бюро тузди. Унга В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Совинтерпропнинг раиси Геллер, Туркистон Коммунистик партиядан Н. Тўрақулов, Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Н. Ҳусайнов ва ёш бухоролик-революционерлар партияси Марказий бюросининг раиси Файзулла Хўжаев киритилди. Қисқа вақт ичида (1920 йилнинг 24 июнидан 25 августигача) Ҳарбий-революцион бюро революция галаба қилган кунни Умумбухоро Революцион комитети номидан оммалаштириш учун мўлжалланган хитобнома, декрет ва декларация лойиҳаларини тайёрлади. Шунингдек, ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилиш ва уни чорикор, мардикор ерсиз ҳамда кам ерли деҳқонлар ихтиёрига беришни кўзда тутган. «Ёр ҳақида»ги декрет лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди<sup>2</sup>.

1920 йилнинг 10 августида РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси ҳамда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг Туркистон ишлари юзасидан комиссияси, Бухоро коммунистик партияси Марказий Комитети ва ёш бухоролик революционерлар Марказий бюроси билан қўшма мажлиси бўлди. Мазкур мажлисда ёш бухороликларни коалицион асосда жалб этиш билан бир қаторда асосий кўпчилик коммунистлардан иборат Бухоронинг муваққат революцион-демократик ҳукуматини тузишга қарор қилинди<sup>3</sup>. Революцион комитетнинг 9 аъзосидан 6 нафари коммунист, 3 нафари ёш бухоролик-

---

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 122- фонд, 1- рўйхат, 28- дело, 17- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 71- дело, 10- варақ.

<sup>3</sup> Уша жойда, 21- дело, 1- варақ.

лардан иборат эди. Халқ Нозирлари Советида ҳам ана шу писбат сақлаб қолинди ва муваққат революцион демократик ҳукумат раиси қилиб Файзулла Хўжаев сайланди.

1920 йилнинг 16 августида Чоржўйда очилган Бухоро Коммунистик партиясининг IV съезди<sup>1</sup> Бухоро халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Съездда барча революцион ва демократик кучларни бирлаштириш мақсадида ён бухороликлар партияси билан иттифоқ тузиш ҳамда амир ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаришга қарор қилинди.

25 августда съезд бўлажак революцион ҳукуматнинг программасини қабул қилди. Бу шаклан совет, мазмунан халқ демократик давлатига қўлланма бўлиб хизмат қиладиган ҳукумат программаси эди.

Уша куни съездда Бухоро революциясига бошчилик қилиш бўйича Партия Марказининг состави ҳам тасдиқланди. Унга Файзулла Хўжаев, Нажиб Хусайнов ва бошқалар киритилди. 28 августда партия Маркази Қоғонга кўчиб келди ва амир ҳокимиятига қарши умумхалқ қўзғолонига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олди.

Шундай қилиб, ўрта асрчилик ва жаҳолатнинг шарқдаги таянчи бўлган амир салтанати қулашига саноқли кунлар қолди.

### ФУРСАТ ЕТДИ!

Россия осмонидан қора булутларни қувган инқилоб бўронининг шиддатли ларзалари шарққа ҳам етиб келди. Энди бу шиддатли инқилоб бўронининг йўлини ҳеч

---

<sup>1</sup> Бухоро Коммунистик партиясининг IV съезди 1920 йил 16 августда Чоржўй шаҳрида очилди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган мазкур съезд: 1. Ҳозирги аҳвол; 2. Бухорода революцияни амалга ошириш; 3. Бухоро Коммунистик партиясининг «ёш бухороликлар» партиясига муносабати; 4. Ташкилий масалалар; 5. Марказий Комитет ва ревизия комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди ва амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш ҳақида қарор қабул қилди.



нарса тўса олмайди: тарих соати боғг урди—фурсат келиб етди!

Революцион воқеалар Чоржўйда бошланди. 28 августда Чоржўй беги қўзғолон кўтарган меҳнаткаш халқ ва революционерларнинг кўнгилли отрядлари томонида ҳокимиятдан ағдарилди. Айни чоқда Қармана (ҳозирги Навоий шаҳри), Шаҳрисабз ва бошқа жойларда ҳам халқ оммаси ғалаён кўтарди. Бухоро революцион комитети меҳнаткаш халқ номидан ёрдам сўраб Совет ҳукуматиға мурожаат қилди. Совет ҳукумати ўзининг интернационал бурчини бажариб қўзғолон кўтарган Бухоро халқиға ёрдам қўлини чўзди<sup>1</sup>

Бухоро коммунистлари революцион отрядларининг жанговар колоннаси Туркистон фронти қизил аскарлари кўмагида амирлик пойтахти томон юриш бошлади. 1920 йилнинг 1 сентябри тонгидаёқ шаҳарға ҳужум бошланди. Эски Бухорони озод қилиш учун тўрт кун давомида қаттиқ жанг бўлди. Амирнинг жоҳил сарбозлари қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Қогон қўшинлари группаси жангчилари артиллерия мадади билан амир сарбозларининг жон-жаҳди билан кўрсатган қаршилигини енгиб, Қарши дарвозаси орқали шаҳарға кириб борди. Кўча жанглари бошланди. Умри тугаган тузум ҳомийлари катта талафот бериб чекинишға мажбур бўлдилар. Амирнинг буйруғи билан шаҳарнинг турли томонларига ўт қўйилди. Бу қизил аскар қисмларини тўхташға мажбур қилди.

М. В. Фрунзе 1920 йил 1 сентябрь кундузи соат 3 да Бухоро фронти участкасидаги жанговар операцияларға бевосита раҳбарлик қилган командарм Г. В. Зиновьев билан телефон орқали гаплашиб «Батамом ва узилкесил зарба бериш учун барча чоралар кўрилсин» деган буйруқ берди.

---

<sup>1</sup> «История Коммунистических организаций Средней Азии», «Узбекистон» нашриёти, 1967 йил, 488-бет.

1920 йилнинг 2 сентябрида ўрта асрчилик ва мустабид тузум қалъаси бўлган эски Бухоро таслим бўлди. Регистон устида Қизил Байроқ ҳилпиради. Бу Бухоро Қоммунистик партияси раҳбарлигида Россия революцион кучлари мададига суяниб, қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткаш оммасининг ғолибона зафари натижаси эди.

Файзулла Хўжаев революцион воқеаларда жуда катта актив фаолият кўрсатди. Сақланиб қолган ҳужжатлар Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи нозирини ўша долзарб кунларда қандай ишлар қилганлигидан далолат бериб турибди.

1920 йилнинг 30 августига мансуб ана шундай ҳужжатлардан бирида Бухоро Халқ Совет Республикаси Революцион комитетининг раиси сифатида Файзулла Хўжаев Бухоро Халқ Совет Республикаси милициясининг бошлиғи қилиб тайинланган коммунист Собиржон Юсуповни революцион комитетга инструктаж олиш учун келиши кераклигини билдиради<sup>1</sup>.

Мана 1920 йилнинг 1 сентябрига оид яна бир ҳужжат. Бу аслида Бухоро Халқ Совет Республикаси Революцион комитетининг Файзулла Хўжаев имзо чеккан биринчи буйруғи бўлиб, унда революцион комитет маҳкамасининг ходими Гиндинга фронт орқаси бошлиғи вазифаси юкланади. Мазкур буйруқ бўйича унга қуроласлаҳа ҳамда бошқа ҳарбий анжомлар рўyxатини тузиб чиқиш ва бундай анжомларни революцион комитет қарори билан бериш мажбурияти юклатилади. Бундан ташқари, у Революцион комитет дружинаси аъзоларига аввал берилган барча қурол ва бошқа ҳарбий аслаҳаларни ҳисобга олиши кераклиги уқдирилади<sup>2</sup>.

Бухоро Халқ Совет Республикаси революцион комитети делоларида Файзулла Хўжаевга революцион ҳуку-

---

<sup>1</sup> УзССР МДА, 46- фонд, 1- рўyxат, 83- дело, 5- варақ; 139- дело, 43- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 116- дело, 1- варақ.

мат бошлиғи сифатида 1920 йилнинг 1 сентябрида берилган мандат ҳам сақланиб қолган. Ушбу мандат билан Файзулла Хўжаев «революцион қўшинлар томонидан озод қилинган районларга хоҳлаган вақтда бориш ҳуқуқига эга эди». Бундан ташқари у «қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, шунингдек буйруқлар чиқариш, ишга тайинланган совет ходимларига инструктаж бериш ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикасининг айтиб ўтилган районларида Совет ҳокимиятини ташкил қилиш учун аялоҳида шахсларни ишга тайинлаш ҳуқуқига эга»<sup>1</sup>.

Революция галабасидан кейиноқ ҳукумат Когондан эски Бухорога кўчиб ўтди, унга Нажиб Хусанов, Олимжон Акчурин, Собиржон Юсупов, Қори Йўлдош Пулатов ва бошқалар кирган эди.

1920 йилнинг 5 сентябрида Бухоронинг ўзида Бухоро Халқ Совет Республикаси Революцион комитетининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлис Файзулла Хўжаев раислигида ўтди. Мажлис кун тартибига «Бухоро шаҳрини амир қўшинларидан озод қилишда фаол қатнашган Г-СФСР ҳарбий қисмларини мукофотлаш» биринчи масала қилиб киритилди.

Туркистон fronti қўмондони М. В. Фрунзе амир ҳокимиятини ағдаришда кўрсатган шахсий жасорати ва қаҳрамонлиғи ҳамда РСФСР қўшинлари билан Бухоро революцион отрядларининг жанговар операцияларига моҳирона раҳбарлик қилганлиғи учун жанговар революцион қурол билан мукофотланди.

1920 йил 11 сентябрида ёш бухороликлар Бухоро коммунистик партияси билан бирлашди. Маълумки, ёш бухороликларнинг Бухоро Коммунистик партиясига қўшилишида Файзулла Хўжаев ташаббускорлик кўрсатган. У Октябрь революциясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини ўз вақтида англаб, фақат большевикларгина жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тараққиёти жараё-

<sup>1</sup> УзССР МДА, 46- фонд, 1- рўйхат, 7- дело, 94- варақ.

нини чуқур таҳлил қилишга қобил куч эканлигини тунуна олди. Файзулла Хўжаев Бухоро революциясида актив роль ўйнади ва ёш бухороликлар партиясини Бухоро Компартиясига қўшилиш ҳақида таклиф киритди. Натижада Бухоро революцияси ғалаба қилгандан кейин тўққиз кун ўтгач ёш бухороликлар партияси сон жиҳатидан Бухоро Коммунистик партиясидан кўп бўлишига қарамасдан ўзини ўзи тугатиш ҳақида қарор қабул қилди ва бошқа актив революционерлар билан Бухоро Коммунистик партиясига қўшилган Файзулла Хўжаев Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзоси қилиб сайланди<sup>1</sup>.

1920 йилнинг 15 сентябригача Халқ Нозирлари Совети билан Бухоро Халқ Совет Республикаси Революцион Комитети Файзулла Хўжаев раҳбарлигида биргаликда иш олиб борди. Сўнгра давлат ҳокимиятининг юқори ижроия органи бўлган Халқ Нозирлари Совети ҳамда елий қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи орган — Революцион комитетнинг компетенциялари ажратилди. 14 сентябрда Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети, Революцион комитет ва Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Советининг юқори раҳбар органлари вазифаларини белгилашга бағишланган қўшма мажлиси бўлди. Мажлисида РСФСРнинг Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳузуридаги ваколатли вакили ҳамда РКП(б) Марказий Комитети билан Коммунистерининг Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги вакили сифатида Бухорога келган В. В. Куйбишев қатнашди.

Мазкур мажлисида Файзулла Хўжаевга Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлар Совети раиси ва ташқи ишлар позирини вазифаси юклатилди. Айни чоқда у революцион комитет ва республика революцион ҳарбий трибуналига ҳам аъзо эди.

<sup>1</sup> «Правда Востока», 1966 йил 25 май.



Еш Совет республикаси, бутун Бухоро меҳнаткашлари ҳаётида халқ вакиллари Умумбухоро қурултойи катта воқеа бўлди. Қурултой 1920 йилнинг 6 октябрида очилди ва унда икки мингга яқин делегат қатнашди. Қурултойда Шарқ меҳнаткашларининг галабаси мустақамланди ва Бухоро Халқ Совет Республикаси эълон қилинди.

Бухоро Коммунистик партияси ва ҳукумати номидан қурултойда сўзга чиққанлардан бири Файзулла Хўжаев эди. Унинг «Революцион ҳукумат вазифалари ҳақида» қилган доклади съезд делегатлари томонидан диққат-эътибор билан тингланди. Чунки улар меҳнат аҳли тўғрисида гамхўрлик туйғулари билан сугорилган бундай илқ сўзи биринчи марта эшитаётган эди! Унинг доклади бошқа делегатларнинг нутқлари каби Шарқ халқларига қардошларча ёрдам қўлини чўзган улуг рус халқи ва ленинчи большевиклар партиясига миннатдорчилик ҳисларига тўлиб-тошган эди. Съезд делегатлари баланд руҳ билан В. И. Ленинга габрик телеграммаси йўлладилар.

### РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТ БОШЛИҒИ

Бухорода революциянинг галаба қилиши халқ-совет ҳокимияти ўрнатилишига олиб келди ва революцион ҳокимиятнинг ички ва ташқи контрреволюция кучлари билан қаттиқ кураш шариотида мустақамлашга тўғри келди.

Туркистон fronti қўмондонлиги Бухоро Халқ Совет Республикаси революцион ҳукумати талабига биноан Шарқий Бухорони амир тўдаларидан озод қилишда Бухоро халқ армиясига ёрдам кўрсатиш учун Қизил Армия қисмларини юборди.

Ҳисор томонга экспедиция юриши бошланishi муносабати билан ҳукуматнинг 1920 йил 10 декабрда бўлган мажлисида доклад қилган Файзулла Хўжаев Шарқий



Ф. Хўжаев — Урта Осиё ҳарбий округи революцион ҳарбий Советининг аъзоси. Ҳарбий Совет аъзоси ва СССР Қуrolли Кучлари Халқ комиссарлигининг Ўзбекистон бўйича ваколатли вакили



г. Калинин.



г. Петровский.



г. Червяков.

## ПРЕДСЕДАТЕЛИ ЦИК СССР



г. Ф. Худжиев.



г. Айтатов



г. Мусабеков.

Ф. Хўжаев — СССР Марказий Ижроия Комитети  
Раисларидан бири

фронтни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқ ўрта-сида агитация ишларини кучайтириш ва шу асосда Душанбеда жойлашиб олган тахтдан ағдарилган амирни кўмак олишдан маҳрум қилиш ҳақида гапирди. 24 декабрда Халқ Нозирлар Советининг раиси ҳукуматнинг топшириғига биноан мустабид тузумни тиклаш учун беклар, муллалар томонидан ташкил қилинган контрреволюцион қўзғолонни бостириш операцияларига раҳбарлик қилиш учун Шаҳрисабзга жўнаб кетди<sup>1</sup>.

1921 йилнинг 3 январида Файзулла Хўжаев Қаршига келди ва дарҳол область революцион комитетида Бухоро Коммунистик партияси вилоят комитети билан қўшма мажлис ўтказди. Мажлис кун тартибидаги асосий масала — партия аъзоларини Чироқчи ва Бойсун районларидаги амир тўдаларига қарши сафарбар этишдан иборат бўлди. Шарқий фронтни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа чоралар ҳам кўрилди. Чунончи, Халқ Нозирлари Совети Файзулла Хўжаев таклифига биноан Бойсун участкасидаги армияни таъминлаш учун область революцион комитети ихтиёрига 20 миллион сўм маблағ ажратди. 4 январда Файзулла Хўжаев Қарши меҳнаткашларининг митингида нутқ сўзлади ва халқни Бухорода революциянинг узил-кесил ғалабаси учун кураш олиб бораётган Қизил Армия ва Бухоро Халқ Армиясини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Оператив тарзда кўрилган чоралар ва шиддатли ҳужумлар натижасида Ғузор, Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ амир тўдаларидан озод қилинди.

13 февралда жанговар қисмлар Бойсун остоналарида амирнинг икки минг кишилик армиясини тор-мор қилиб, 2 кеча-кундуз давомида 130 чақирим илгари силжидилар. Денов, Шўрчи, Сарносиё ва Регар босмачилардан тозаланди. 21 февралда Душанбе, Ҳисор, сўнгра эса Қў-

<sup>1</sup> УзССР МДА, Р—46- фонд, 1- рўйхат, 121- дело, 121—125- varaқлар.



лоб, Балжувон, Қоратегин ва Дарвоз озод қилинди. Амир тор-мор қилинган бир тўда сарбозлари билан Афғон чегараси орқали қочишга мажбур бўлди. Халқ томонидан қизгин қўллаб-қувватланиши сабабли Туркистон fronti қизил аскарлари ва Бухоро халқ армияси қисмларининг қаҳрамонона кураши натижасида Шарқий Бухоро амир тўдаларидан батамом озод қилинди.

Амирининг революцион Бухоро чегараларидан қувилиши муносабати билан Ҳиндистонда нашр қилинадиган инглиз газетаси „Civil and military Gazette“ нинг 1921 йил 2 февраль сонида «Бухоро Совет ҳокимияти зулми остида» сарлавҳали бўҳтондан иборат мақола пайдо бўлди. Унда Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг озод қилинган Шарқ халқларига нисбатан ўтказаетган миллий сиёсати қўпол равишда бузиб кўрсатилган эди. Империалистларнинг бўҳтондан иборат уйдирмаларига жавобан Бухоро Халқ Совет Республикаси норозилик нотаси эълон қилди ва бу билан ғарб давлатларининг мустамлакачилик сиёсатини бутун дунё олдида фош қилиб ташлади, Россия ва Бухоро меҳнаткашларининг манфаатлари муштараклигини баён қилиб берди. «Россия Совет ҳукуматининг, Ғарб ва Шарқдаги эзилган мамлакатлар пролетариатининг барча мамлакатлар империалистларига қарши кураш соҳасидаги манфаатларининг муштараклиги Бухоро халқида Совет Россияси билан бирлашиш ва уни чинакам дўсти бўлиш ҳиссини уйғотди»<sup>1</sup>,— дейилган эди революцион ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев томонидан баён қилинган нотада.

1920 йилнинг декабрида Москвада Бутунроссия Советларининг VIII съезди делегатлари олдида озод қилинган Бухоро халқлари номидан гапирган вақтда ҳам Файзулла Хўжаев худди ана шу фикрни такрорлади<sup>2</sup>.

В. И. Ленин съезд минбаридан туриб Шарқда РСФСР

<sup>1</sup> «Бухоро ахбори» газетасининг 1921 йил 1 март, 26-сон.

<sup>2</sup> УзССР МДА, Р—47-фонд, 1-рўйхат, 121-дело, 27-варақ.

билан мустаҳкам ҳарбий-сиёсий иттифоқ ўрнатган совет республикаси Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлигини чин кўнгилдан табриклади<sup>1</sup>.

Совет Россияси ҳукумати билан бўладиган алоқа муносабатларини Бухоро компартияси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати топшириғига мувофиқ бевоқифа Файзулла Хўжаевнинг ўзи олиб борар эди. Умумбухоро революцион комитети томонидан 1921 йил 5 мартда берилган мандатга биноан Халқ Нозирлари Советининг раиси ва ташқи ишлар ҳамда ҳарбий ишлар халқ Нозири<sup>2</sup> сифатида Файзулла Хўжаев ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий характердаги алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга эди.

Файзулла Хўжаев, шунингдек, Бухоро Коммунистик партияси бешинчи (революция ғалаба қилиб, халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги биринчи) съездида сайланган партия делегациясига ҳам бошчилик қилган эди. Бу делегацияга Бухоро коммунистик партиясининг III коммунистик интернационалга кириши ҳақида съезд қабул қилган мурожаатни Коммунистик Интернационал ижроия комитетига топшириш мажбурияти юклатилган эди.

1921 йилнинг 4 апрелида Файзулла Хўжаев Коммунистик интернационал ижроия комитети мажлисида иштирок этади ва унда Бухоро Коммунистик партиясининг III Интернационал составига қабул қилишга қарор қилинди.

1921 йилнинг 25 апрелида Файзулла Хўжаев Москвадан Бухорога қайтиб келди. Эртасигаёқ у Бухоро Халқ Совет Республикаси революцион комитетида, 27 апрелда Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети Пле-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 42- том, 131—132- бетлар.

<sup>2</sup> Файзулла Хўжаев 1921 йилнинг апрелидан августигача ва 1922 йил 17 мартдан 1924 йил ноябригача Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳарбий ишлар назари лавозимида ҳам ишлаган эди (УзССР МДА, Р—48-фонд, 1- рўйхат, 81- дело, 65- varaқ).

нумида<sup>1</sup> Москва сафари ҳақида доклад қилди ва Бухоро коммунистлари активини РКП(б) Марказий Комитети ва Коммунистик Интернационал ижроня комитетининг қарори билан таништирди ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни ниҳоясига етказиш юзасидан партия олдида турган долзарб вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Шундан бир ой ўтгач Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ижроня бюроси Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро Коммунистик партияси делегациясининг Коминтерн билан музокаралари яқунлари ҳақида»ги докладини тинглади ва унга Шарқдаги, хусусан собиқ Бухоро хонлигидаги коммунистик ҳаракатнинг ўзига хос жиҳатларини тўла анализ қилган ҳолда Бухоро Коммунистик партияси фаолияти ҳақида Коммунистик интернационал ижроня комитети учун доклад тайёрлашини топширди.

Файзулла Хўжаев мазкур докладни шу қадар мукамал тузиб чиқдики, натижада Бухоро Коммунистик партиясининг раҳбар органлари уни Бухоро Коммунистик партияси Программасига асос қилиб олишни тавсия этди. Бу программа Бухоро Коммунистик партиясининг 1921 йил декабрида бўлиб ўтган VI (II) съездида қабул қилинди<sup>2</sup>.

Янги ҳаётнинг ҳар бир куни тез ҳал қилиниши керак бўлган янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўяди ва Файзулла Хўжаев барча вазифаларнинг моҳиятини англашга, имкони борича ҳамма жойда шахсан иштирок этишга ҳаракат қилади.

Бухоро Халқ Совет Республикаси Революцион комитетининг Чоржўй шаҳридаги вакили ҳокимиятни сунистеъмол қилганлиги, бу халқ ўртасида норозилик туғилишига сабаб бўлганлиги муносабати билан Бухоро

<sup>1</sup> УзССР МДА, Р—46- фонд, 1- рўйхат, 121- дело, 61- varaқ.

<sup>2</sup> Уша жойда, Р—48- фонд, 1- рўйхат, 23- дело, 96- varaқ.

Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Бухоро Революцион комитети Файзулла Хўжаевга революцион комитет тузиш, совет ва партия идоралари раҳбарларининг зиммаларига юклатилган вазифасини суиистеъмоқ қилмаётганликларини текшириш учун жойнинг ўзига боришни топширади. Файзулла Хўжаевга ходимларини алмаштириш соҳасида чекланмаган ҳуқуқ берилади, ЧК органлари, милиция, ҳарбий қисмлар ишини текшириш ва уларнинг ишига ёрдам кўрсатиш, шунингдек аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш вазифаси юклатилади<sup>1</sup>.

Чоржўйнинг ўзида ва Чоржўй вилоятларида Файзулла Хўжаев интернационализм ғояларини қизғин пропаганда қилди, меҳнаткашларни ўзбек ва туркман халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга чақирди.

1921 йил ёш Бухоро Совет Республикаси учун қаттиқ синов йили бўлди. Амирлик мавжуд бўлган аввалги уч йил давомида Россия билан савдо алоқалари узилиб қолганлиги оқибатида мамлакатда иқтисодий вайронгарчилик бошланган эди. Бунинг устига оғир жаҳон уруши ва граждандар уруши йилларидан сўнг рус пролетариати озод бўлган миллий чекка ўлкаларга тўла-тўқис ёрдам кўрсатиш имкониятига эга эмаслиги ўз-ўзидан равшан эди. Бухоро халқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлган пахтачилик ва қорақўлчилик тушкун аҳволга тушиб қолган. Ҳамма жойда кунда керак бўладиган кенг истеъмоқ моллари етишмаслиги сезилиб турарди.

Экономика соҳасидаги қийинчиликлар «сўл», «ўнг» ва «марказ» группалари ўртасидаги сиёсий кураш, Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети, Умумбухоро Революцион комитети ва Халқ Нозирлари Совети раҳбарлари ўртасида биргаликда ҳаракатнинг йўқлиги туфайли яна ҳам мушкуллашган эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> ЎзССР МДА, 46-фонд, 1-рўйхат 121-дело, 67—68-варақлар.

<sup>2</sup> Ф. Хўжаев. Избранные труды. Т., «Фан» нашриёти, 1970 йил, 1-том, 236, 238, 476, 477-бетларга қаралсин.

«Ўнг» оғмачилик асл моҳияти жиҳатидан буржуазия ва миллатчи доираларнинг мамлакатни капитализм йўлига буриб юборишдан иборат интилишларини акс эттирар эди. «Сўл» коммунистлар эса, аксинча капитализм босқинчини ўтмаган, ўз тараққиётида феодал-патриархал хўжалик даражасида тўхтаб қолган мамлакатда шошма-шошарлик билан социализм қуриш гоёларига берилиб кетган эди. Аҳолисининг асосий қисми деҳқонлар, косиблар, майда савдогарлардан иборат бўлган мамлакатда халқнинг ана шу табақаларига максимум эҳтиёткорлик кўрсатиш, революцион тadbирларни амалга оширишда эпчиллик керак эди.

Халқ вакиллари Умумбухоро II қурултойи 1921 йилнинг 18 сентябрида ана шундай мураккаб шароитда очилди ва у меҳнаткашлар оммасининг тарихий ғалабасини ва Бухорода Халқ Совет Республикаси ўрнатилишини қонун билан мустақкамлаб Бухоро Халқ Совет Республикаси Конституциясини қабул қилди, шунингдек миллий муносабатларни тўғри йўлга солишга алоҳида аҳамият берди.

Советларнинг II Умумбухоро съездида «ўнг» ва «сўл» гуруҳлар тўла мағлубиятга учради. Кўпчилик делегатлар Файзулла Хўжаев бошчилик қилаётган ва Совет Россияси билан муносабатларни ҳар тарафлама мустақкамлаш позициясида турган «марказ» группасини ёқлаб чиқди. «Группанинг кучи — унинг аъзолари активлигида, Бухоронинг барча озми-кўпми демократик, прогрессив ва давлат ишига яроқли элементлари шу группага тўпланганлигидадир»<sup>1</sup>.

РСФСРнинг Бухородаги ваколатли вакили К. К. Юрнев 1921 йилнинг 16 ноябрида В. И. Ленинга йўллаган мактубида ана шундай деб ёзган эди.

Файзулла Хўжаев тарафдори бўлган группа ҳақида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети-РСФСР Халқ

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 61- фонд, 1- рўйхат, 122- дело, 15—16- варақлар.



Комиссарлар Совети Турккомиссияси раҳбар ходимлари Я. Э. Рудзутак, Я. Х. Петерс, А. А. Иоффе ва бошқалар ҳам ана шундай фикрда эдилар. Уларнинг кўрсатишича «озми-кўпми кенг омма номидан гапириш ҳуқуқига эга бўлган бирдан-бир қодир ва қобил группа — Файзулла Хўжаев группасидир»<sup>1</sup>.

Бухоро Халқ Совет Республикаси Советларининг II съездида республиканинг Файзулла Хўжаев бошлиқ янги ҳукумати тузилди ва унга асосан «Марказ» вакиллари киритилди.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1922 йил 1 февралда «Бухоро тўғрисида», 1922 йилнинг 18 майида «Туркистон-Бухоро ишлари бўйича» қабул қилган қарорларида Бухоро Халқ Совет Республикаси революцион демократик ҳукуматининг бошлиғи сифатида Файзулла Хўжаевга партия нечоғлик катта ишонч билдиргани яққол намоён бўлди. Шу билан бирга, РКП(б) Марказий Комитети Ф. Хўжаев бошчилик қилаётган ҳукуматда революция ишига содиқ, ҳалол коммунистлар билан бир қаторда, Файзулла Хўжаевга тазйиқ ўтказишга, уни маҳаллий миллатчилик йўлига оғдириб юборишга интилаётган кишилар ҳам борлиги таъкидлаб ўтилди.

Коммунистик партия, Ленининг Туркистон ўлкасидаги вакиллари Файзулла Хўжаевни миллатчи элементлардан тамомила ажратиб олиш, пролетар интернационализм позицияларига мустаҳкам ўтиб олишига ёрдам бериш учун жуда катта куч-ғайрат сарфладилар.

Г. Қ. Оржоникидзе 1922 йил 9 майида Бухоро коммунистлари активи йиғилишида большевикча принципиаллик билан шундай деган эди: «Биз бутун қудратимиз билан Файзулла Хўжаев группасини қўллаб-қувватлаймиз, биз Бухоро ҳукуматини фақат контрреволюцион элементлардангина эмас, балки қариндош-уруғчилик алоқаларидан ҳам тозалаш учун барча чораларни кўришимиз ке-

<sup>1</sup> МЛН МПА, 17- фонд, 1- рўйхат, 369- дело, 5—6- варақлар.

рак... Ходимларни уларнинг сўл ёки Абдуқодир Муҳитдинов (ўнг) гурппага мансублигидан қатъи назар Бухоро Совет ҳокимиятига садоқати сифатига қараб танлашга тўғри келади. Бу осон вазифа эмаслигини сезиб турибман. Кейинчалик олдимизда Бухородаги барча энг яхши кучларни, асосан деҳқонларни танлаб олиш ва уларни давлатни бошқаришга жалб қилишдан иборат улкан вазифа турибди.

Бироқ бунинг учун фақат бухороликларгина нозирлик лавозимини эгаллаши мумкин деган эски тасаввурдан воз кечиш керак. Нозирлар Советининг раиси бухоролик бўлиши, Бухоро Марказий Ижроия Қомитети раиси бухоролик бўлиши хусусида эътироз билдирмайман, лекин Бухоро Коммунистик партияси Марказий Қомитетининг секретари маҳаллий миллатга мансублигига боғлиқ бўлмаслиги керак. Ҳозир бундай тасаввурнинг таъсири жуда сезилиб турибди. Бундан қутилиш, дарҳол қутилиш керак. Худди шу каби Совет нозирларининг ерли миллатга мансуб бўлишидан ҳам воз кечиш керак. Нозирлар миллатга мансублигига қараб танланмаслиги лозим, албатта, нозир бухоролик бўлгани яхши, лекин Орифовдан кўра рус, грузин ёки татар яхшироқ»<sup>1</sup> (1922 йил мартда босмачилар томонига ўтиб кетган ва Анварпошшо тўдасига қўшилган Бухоро Халқ Совет Республикасининг ҳарбий нозирни ватан хоини Абдулҳамид Орифов назарда тутилади, — О. Э.).

Файзулла Хўжаев партиявий танқидга чинкама коммунистга хос самимият билан қуроқ солди, партиянинг тузатишларини сўзсиз ижро этишга ҳаракат қилди.

Уша йиллари Бухоро республикаси учун миллий масала муҳим проблемалардан бири бўлиб, туркман масаласи аталмиш проблема ҳал қилиниши керак эди. Бухоро

Халқ Совет Республикаси ҳукуматидаги миллатчи элементлар туркманларга маъмурий-территориал автономия берилишига қарши туриб, фақат «маданий» автономия берилишини ёқлаб чиқдилар. Бухоро республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ф. Хўжаев «Туркман масаласини» ўзбеклар билан туркманлар тенг ҳуқуқлилиги асосида ҳал қилинишини ёқлади.

Бу соҳада Туркман уруғлари ва қабилалари вакилларининг 1921 йил 7 июнда Керкида чақирилган съезди катта роль ўйнади. Съезд очилиш арафасида «Бухоро ахбори» газетасида Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро Совет Республикаси ва Туркман қурултойи»<sup>1</sup> сарлавҳали мақоласи босилди. Унда Файзулла Хўжаев Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг миллий масала соҳасидаги сиёсатини аниқ-равшан баён қилиб беради ва миллатлараро адоват ва душманликка барҳам бериш, барча куч ва воситаларни меҳнаткаш омма—қадимдан эзилиб келган майда миллатларнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш учун бирлаштиришга чақиради.

Бухоро республикаси раҳбар арбобларидан баъзиларни хайрихоҳлик кўрсатмаганлиги натижасида туркман масаласи Советларнинг Умумбухоро II съездида фақат қисман ҳал қилинди, холос. Бухоро Халқ Совет Республикаси Советлари Марказий Ижроия Қомитети қошида Аниагелди Омонов бошлиқ туркман бўлими ташкил қилинди. Туркман ерлари — Чоржўй, Керки ва Келефани миллий область қилиб ажратиш кейинчалик, республика аҳолисининг 10 процентини ташкил этган туркманлар ўз автономиясига эга бўлиши масаласи 1923 йилга келиб ҳал қилинди.

Ағдариб ташланган эксплуататор синфлар, собиқ амир беклари, руҳонийлар ва чет эл разведкасининг агентлари ўзбеклар билан туркманлар ўртасида революциядан илгари гижгжлашлар туфайли пайдо бўлган зид-

<sup>1</sup> РСФСРнинг Бухородаги ваколатли вакили И. С. Кожевниковнинг 1922 йил 28 майда ёзган хати тексти бўйича берилди. МЛИА МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 31- дело, 52- varaқ.

<sup>1</sup> «Бухоро Ахбори» газетаси, 1921 йил 2 июнь.

диятлардан фойдаланиб туркман районларида, айниқса Афғонистон билан чегарадош Керки вилоятида аҳволни қийинлаштиришга уриндилар. Файзулла Хўжаев Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ҳукумат топшириғига биноан 1921 йилнинг 27—30 октябри мобайлида Керкида бўлган вақтида кўрсатган қатъият, ташкилотчилик ва тарғиботчилик истеъдоди туфайли Туркман уруғлари қабилаларининг бошлиқлари жаҳон реакцияси агентларининг халққа қарши кирдикорларини қораладилар ҳамда Халқ Совет ҳокимияти йўли билан тўла ҳамнафас эканликларини билдирдилар.

Файзулла Хўжаев ташқи ишлар нозир лавозимини эгаллаб турган вақтда Бухоро Халқ Совет Республикаси ва РСФСР халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун кўп ишлар қилди. Унинг ўзи ҳарбий-сиёсий ҳамда иқтисодий аҳволни мустаҳкамлашда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматига амалий ёрдам кўрсатиш учун 1921 йилда РКП (б) Марказий Комитети томонидан юборилган машҳур дипломат К. К. Юренев билан қалин дўст эди.

Бухоро революцияси ғалабасидан кейин дастлабки кунларда РСФСР билан тузилган ҳарбий-сиёсий шартномалар ва вақтинчалик битимлар К. К. Юреневнинг кўмаклашуви билан Файзулла Хўжаевнинг бевосита иштирокида тузилган эди. 1921 йилнинг 4 мартида РСФСР ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ўртасида тузилган ўзаро иттифоқ ҳамда иқтисодий битим, шунингдек божхирож бирлашмаси, Бухоро Халқ Совет Республикаси территориясида темир йўл, почта ва телеграф хизмати ҳақида, товар айирбошлаш ҳақида, миллий армияни ташкил қилиш ва қуроллантиришда Бухоро Халқ Совет Республикасига РСФСР томонидан давлат ёрдами ҳақида, Бухоро Халқ Совет Республикаси халқ хўжалигини тиклаш учун 50 миллиард сўм ажратиш, республика бюджети дефицитини қоплаш учун ҳар ойга 2 миллиард сўм дотация ажратиш ва ҳоказолар ҳақидаги бир қатор юридик

ҳужжатлар узаро муносабатлар ривожланишида муҳим қадам бўлди.

Совет Россиясининг ўзи ўша даврда оғир аҳволда бўлганлиги ҳисобга олинганда Бухоро меҳнаткашларига кўрсатилган бу ёрдамнинг қиммати янада ортади. Бундан ташқари, Россия Бухоро Халқ Совет Республикасига 500 минг сўм миқдоридида қайтиб олмаслик шarti билан ссу-да берганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ керак.

Суверен давлат бўлган Бухоро Халқ Совет республикаси РСФСР составига кирмаган эди. Бироқ РСФСР ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ўртасида кўп жиҳатдан РСФСР билан иттифоқдош Совет республикалари ўртасида ўрнатилган давлат-ҳуқуқ муносабатларини эслатадиган алоқалар таркиб топа бошлаган эди. Бухоро Халқ Совет Республикасининг бошқа иттифоқдош Совет республикалари билан бир қаторда ўз ташқи дипломатик муносабатлари ҳамда ташқи савдо соҳасида ўз ваколатларини РСФСР ҳукуматига топшириш ҳақида протокол<sup>1</sup> имзоланганлиги бунга мисол бўла олади.

Совет республикаларининг жаҳон империализмига қарши ягона фронтини тузиш мақсаатлари РСФСР билан иттифоқдош республикалар (Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Грузия ва Украина Совет Социалистик Республикалари) ҳамда дўст республикалар (Узоқ Шарқ, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаси)<sup>2</sup> нинг халқаро миқёсдаги дипломатик куч-ғайратини бирлаштиришни тақозо қилар эди.

<sup>1</sup> «Дружба великая, вечная» тўплами, М., 1962 йил, 65-бет.

<sup>2</sup> Файзулла Хўжаев РКП (б) Марказий Комитетининг 1922 йил 11 августда «РСФСРнинг мустақил совет республикалари билан ўзаро муносабатлари бўйича асосий қондалар»ни ишлаб чиқиш учун тузилган комиссияси составига кирди ва 1922 йил 23 сентябрда бу комиссиянинг биринчи мажлисида қатнашди. Комиссия 1922 йилнинг 24 сентябрида И. В. Сталин таклифига биноан Украина ССР, Белоруссия ССР, Арманистон ССР, Озарбайжон ССР ва Грузия ССР раъий равишда РСФСР составига кириши ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси ва Узоқ Шарқ Рес-

Файзулла Хўжаев Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йил 27 январида Москвада ана шу мақсадда чақирилган фавқулодда сессияси ишида қатнашади ва Г. В. Чичерин бошчилигидаги совет делегацияси составида халқаро Генуя конференциясига<sup>1</sup> жўнаб кетиши керак эди. Бироқ Анварпошино Шарқий Бухоронинг ва Қаҳҳор қўрбоши Фарбий Бухоронинг босмачилар хуруж қилган фронт участкаларида ҳужум бошлаши сабабли Файзулла Хўжаев Я. Х. Петерс билан бирга зудлик билан Москвадан қайтади. У Бухорога қайтар экан Бухоро Халқ Совет Республикасининг ҳарбий позири сифатида 1922 йилнинг 13 мартда контрреволюцияга қарши ҳужумга бевосита раҳбарлик қилади.

1922 йилнинг 18 мартда Регистон майдонида катта митинг бўлди, унда Файзулла Хўжаев қарийб икки соат давомнда мазмундор нутқ сўзлаб, ўзининг Москвага бориш сабабларини батафсил тушутиради<sup>2</sup>.

Файзулла Хўжаев Бухоро Коммунистик партияси РКП(б) составига қабул қилинганлиги<sup>3</sup>, РСФСРнинг

---

публикалари масаласини очиқ қолдириб, улар билан бож-хирожини, ташқи савдо ташқи ва ҳарбий ишлар бўйича шартнома тузиш билан чеклашнинг кўзда тутган резолюцияни қабул қилди. И. В. Сталин 1922 йилнинг 27 сентябрида В. И. Ленин номига ёзган хатида шундай деган эди: «Бухоро, Хоразм ва Узоқ Шарқ Республикалари (улардан биринчиси ва иккинчиси социалистик характерда эмас, учинчиси эса ҳали советлаштирилмаган) ҳозирча улар расмий равишда СССРга бирлашмасдан қолади». В. И. Ленин мазкур буюк федерацияга кирувчи барча республикаларининг тенг ҳуқуқлилиги асосида иттифоқ давлатини тузиш принципларини ишлаб чиқди. 1922 йилнинг 30 декабрида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилди. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси СССР составига кирмасаларда, у билан шартнома муносабатлари боғлаган дўстона мустақил давлатлар бўлиб қолдилар.

<sup>1</sup> УзССР МДА, Р—1616- фонд, 2- вўйхат, 246- дело, 40- парақ.

<sup>2</sup> Бухоро телеграф агентлигининг 1922 йил 19 мартдаги бюллетени,

<sup>3</sup> Бухоро Коммунистик партияси 1922 йилнинг февралда РКП(б) составига қабул қилинган.



Зарайск (Рязань губернаси) ва Филя (Москва губернаси) даги тўртта фабрикани бутун ускуналари билан Бухоро Халқ Совет Республикасига қайтиб олмаслик шарти билан бериши, ўз ихтиёри билан таслим бўлган босмачиларни афв этиш, Бухоро Халқ Совет Республикасининг халқаро Генуя конференциясида қатнашуви ҳақидаги ахбороти митинг қатнашчиларида катта қизиқини уйғотди. Файзулла Хўжаев ўз нутқи охирида шундай деди: «Совет Россиясидек суянчиқ бор экан босмачилардан биз сира қўрқмаймиз, қўшини мамлакатларининг душманлик мақсадларидан сира қўрқмаймиз. Бу дўстлик мавжуд экан ва мустаҳкамланиб борар экан Бухоро меҳнаткашлари албатта ғалаба қилади»<sup>1</sup>.

### БОСМАЧИЛАР БИЛАН КУРАШ

Бутун Ўрта Осиёда босмачиларнинг жопланиши меҳнаткашлар оmmasини босмачиларни тезроқ тор-мор қилишга сафарбар этиш ва Ўрта Осиё Совет республикаларида тинч ҳаётни таъминлашни партия ташкилотлари амалий фаолиятининг бош масаласи қилиб қўйди.

РКП(б) Марказий Комитети бу даврда Ўрта Осиёдаги аҳволни ҳушёрлик билан кузатиб борди. РКП(б) Марказий Комитети ташкилий бюросининг 1922 йил 18 январда Бухорога ёрдам кўрсатиш чоралари ҳақида, РКП(б) сиёсий бюросининг 1922 йил 22 февралда «Бухородаги аҳвол ҳақида», 1922 йил 1 мартда «Шарқий Бухородаги қўшинлар ва воситаларни кучайтириш», 1922 йил 13 мартда «Бухоро ҳақида»<sup>2</sup> қабул қилган қарорлари шундан далолат беради.

Файзулла Хўжаев 1922 йил март ойининг охирида «Бухоро ахбори» газетасида «Революцияни ҳимоя қилиш учун» деган мақола билан чиқади ва ватанининг озодлиги

<sup>1</sup> УзССР МДА, Р—48- фонд, 1- рўйхат, 90- дело, 186- парақ.

<sup>2</sup> «История Коммунистических организаций Средней Азии». «Узбекистон» нашриёти, 1967 йил, 686-бет.



ҳамда мустақиллигини қадрлаган ҳар бир кишини, амир-пинг мустабид тузуми тикланишини ҳамда инглиз империализмининг мустамлака зулмига дучор бўлишни истамаган ҳар бир кишини босмачиларга қарши фаол курашишга чақиради<sup>1</sup>.

Халқаро империализмнинг ёлланма агенти бўлган Анварпошо тўдасини тезроқ тор-мор қилиш мақсадида 1922 йилнинг 1 апрелида босмачиларга қарши кураш учун туркфронт составидан алоҳида фронт ажратилди. Мазкур фронт революцион ҳарбий совети составига Файзулла Хўжаев ҳам киритилди ва фронт қўмондони Ионов Бухорога етиб келгунига қадар унинг вазифасини ҳам вақтинча бажариб турди. Босмачиларга қарши кураш fronti ташкил қилиш билан бир вақтда Файзулла Хўжаев бошлиқ бўлган Қизил Армияга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатувчи Марказий Комиссиянинг иши ҳам кучайтирилди. Ана шу мақсадда жойларда вилоят комиссиялари тузилди. Бутун республика бўйлаб Қизил Армияга ёрдам кўрсатиш ойлиги эълон қилинди. Бухоро Қизил Армияси ва милициясига ялпи сафарбарлик бошланди, жангчилар сони бу вақтга келиб 3 минг кишига етди. Бухоро инқилобининг қаҳрамони Г. М. Омелюстого қўмондонлигидаги фавқулодда вазифаларни бажарувчи қисмлар (ЧОН) ўз фаолиятини анча активлаштириб юборди.

1922 йилнинг 5 апрелида Туркистон fronti қўшинлари қўмондони Шорин, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Турккомиссияси аъзоси Я. Х. Петерс, Туркфронт революцион ҳарбий советининг Бухородаги вакили Воронин ва босмачиларга қарши кураш fronti қўмондони вазифасини вақтинча бажарувчи Файзулла Хўжаев нштирокида Туркистон fronti ва янги ташкил қилинган фронт революцион ҳарбий советининг қўшма мажлиси бўлди.

<sup>1</sup> «Бухоро Ахбори» газетасининг 1922 йил 27 март, 76- сони.

Мазкур мажлисда асосан Ғарбий Бухорода босмачиларни тугатиш ва Анварпошшо тўдаларини узил-кесил тор-мор қилиш учун Шарқий Бухорода қўшнилари ҳаракатини активлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда босмачиларни тугатиш учун ҳал қилувчи ҳужумга ўтиш олдидан Қизил Армия жангчилари ва аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб боришга катта аҳамият берилди.

Файзулла Хўжаев таклифига кўра ишчи-деҳқон Қизил Армияси (РККА) ва Бухоро Қизил Армияси, милиция ва маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш учун бирлашган сиёсий бўлим ташкил қилишга қарор қилинди. Босмачиларга қарши кураш fronti (Бухоро Халқ Совет Республикаси Ғарбий ишлар нозирлиги оператив жиҳатдан шу фронт қўмондонлигига бўйсунар эди) Штаби ва Революцион ҳарбий советини Когонга жойлаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Файзулла Хўжаев Революцион ҳарбий советининг ялпи (пленар) мажлислари раислигига сайланди<sup>1</sup>. Апрельнинг ўрталарида революцион ҳарбий совет ўзининг фронт қўшилари қўмондони Ионов, Революцион ҳарбий совет аъзоси Файзулла Хўжаев, Березин ва бошқалар иштирок этган биринчи йиғилишида ҳам Ғарбий, ҳам Шарқий фронтда босмачиларга қарши кураш оператив планини тасдиқлади. Шу ойнинг ўзида Революцион ҳарбий совет қўшилари таъминлаш, Ампробод (Ҳозирги Пролетаробод) — Керки — Қарши — Гузор темир йўлини тиклаш, маҳаллий аҳолини фронт яқинидаги йўл ва кўприкларни тузатиш ишларига жалб қилиш, Амударё флотилиясини тузатиш ва тиклаш каби босмачиларни тор-мор қилиш билан боғлиқ масалаларни қараб чиқди<sup>2</sup>.

1922 йилнинг 1 майида босмачиларга қарши кураш fronti Революцион ҳарбий совети йиғилишида Файзулла

<sup>1</sup> УзССР МДА, 59- фонд, 1- рўйхат, 31- дело, 1- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, Р—59- фонд, 1- рўйхат, 31- дело, 9- варақ.

Хўжаев Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати номидан сўзлаб, Бухоро республикаси 300 та ҳарбийбоп отни Қизил Армияга тортиқ қилажаги ва аҳолидан яна 200 та от сотиб олишини айтди. Бухоро халқ армияси қисмлари фронт яқинидаги районлардаги аҳоли ўртасида оммавий тушунтириш ишларини кучайтириш мақсадида Файзулла Хўжаевни халқаро империализмнинг малайи Анварпошшога қарши сиёсий кампанияга бошчилик қилиш учун Бойсунга юборишга қарор қилинди<sup>1</sup>.

РСФСР Қуролли Кучларининг Бош қўмондони С. С. Каменевнинг Бухорога келиши муносабати билан 1922 йилнинг 4 июнида босмачиларга қарши кураш fronti Революцион ҳарбий советининг Файзулла Хўжаев раислигида кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мазкур мажлисда фронт қўмондони Шорин, Туркфронт Революцион ҳарбий совети аъзоси Воронов ва Баранов, РСФСРнинг Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати ҳузуридаги ваколатли вакили И. С. Кожевников, РКП(б) Марказий Комитети вакили А. Соколов, Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети секретари М. Каримов ва бошқалар иштирок этдилар. Мажлисда Шарқий Бухоро frontiда ҳужумга ўтиш, босмачилардан тозаланган районларда революцион ҳарбий комитетлар тузиш ва Бухоро коммунистларини Қизил Армия ҳамда озод қилинган районлар аҳлиси ўртасида мунтазам оммавий-сиёсий иш олиб боришга сафарбар этиш масалалари батафсил муҳокама қилинди<sup>2</sup>.

Файзулла Хўжаев Революцион ҳарбий совет аъзоси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Советининг раиси лавозимида ишлар экан, ҳарбий совет қарорларининг бир кун ҳам, бир соат ҳам кечиктирилмай бажарилиши учун жонбозлик кўрсатади. Чунинчи, Бухоро ҳукуматининг бошлиғи сифатида ҳарбий қисмлар-

<sup>1</sup> УзССР МДА, Р—59- фонд. 1- рўйхат. 31- дело. 18- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 21- варақ.

нинг моддий таъминоти ва аҳоли ўртасида оммавий тушунтириш ишлари олиб бориш унинг зиммасига юклатилган эди. Шарқий, Ўрта ва Ғарбий Бухорода босмачиларга қарши курашаётган қўшинларни моддий таъминоти айниқса жуда мушкул эди. Кетма-кет келиб турган қанчадан-қанча шошилич телеграммалар тезлик билан ҳаракат қилишни тақозо этар эди. Масалан, аҳолига қарз (бўнак) бериш учун зудлик билан 3 миллион сўм юбориш ҳақида Керкидан келган телеграмма бўйича чора кўрилган ҳамон, Термиздан яна радиограмма келди. Унда «Шеробод вилояти озиқ-овқат бўлимида озиқ-овқат ҳам, ем-хашак ҳам, пул ҳам йўқ»<sup>1</sup> дейилади.

Мана Файзулла Хўжаев номига туркфронт штабидан юборилган бошқа телеграмма. Унда Ғарбий топшириқларни бажариш учун «Черняев» пароходини баржалар билан Чоржўйдан Термизга юбориш учун шошилич тадбирлар кўриш сўралади. Файзулла Хўжаев бошқа барча ишларни бир ёққа қўйиб шу масала билан шуғулланди: натижада пароход ва баржалар ўз вақтида жўнатилди<sup>2</sup>. Шу ондаёқ яна Қаршидан телеграмма келди, унда қарбий юкларни ташиш учун 500 та туя кераклиги таъкидланади. Файзулла Хўжаев дарҳол Керкидан туя сотиб олишни ташкил қилади ва вазифанинг бажарилганлиги ҳақида фронт қўмондони Шоринни телсграф орқали хабардор қилади<sup>3</sup>.

Файзулла Хўжаев фронтни босмачиларни тор-мор қилиш учун талаб қилинган барча нарсалар билан таъминлаш соҳасидаги беқиёс катта ишлардан ташқари Анварпошио тўдасига қарши жанг ҳаракатларида бевосита қатнашди.

РСФСРнинг Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ваколатли вакили И. С. Кожевниковнинг 1922 йил 12 майдаги хатида шундай дейилади:

<sup>1</sup> УзССР МДА, 48- фонд, 1- рўйхат, 60- дело, 198- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 77, 138, 148 ва бошқа варақлар.

<sup>3</sup> Уша жойда, 48- фонд, 1- рўйхат, 60- дело, 485- варақ.



«Карманадан ўн чақирим гарбда Арабхон қишлоғида Ф. Хўжаев билан А. Соколов жиддий хавфга учради — уч юз отлиқ чамаси босмачилар тўдаси ҳужум қилиб қолди. Босмачиларнинг ҳужумини қайтариш учун юборилган взводлар икки марта ҳужум қилди, уч марта қарши атакага дуч келди. Фақат отряддаги барча кучлар жангга ташланиши ва ёппасига атакага ўтилишигина босмачиларни қочишга мажбур қилди. Босмачиларнинг бундай уришишга сабаб улар гаровга ушланган кишилар ўрнига Файзулла Хўжаевни қўлга олмоқчи бўлганлигидир<sup>1</sup>.

1922 йил май ойининг биринчи ярмида Файзулла Хўжаев Вобкент, Гиждувоп, Кармана меҳнаткашлари олдида путқ сўзлаб, муллалар ва амирнинг собиқ амалдорлари томонидан алданган деҳқонларга эзувчи синфлар ҳукмронлигини тагин тиклашни мақсад қилиб олган инглиз империализмининг ёлланган малайлари бўлмиш босмачи тўдалари бошлиқларининг сотқинлик ва контрреволюцион ролини тушунтириб берди. Фронт яқинидаги районларга бориш аҳоли ўртасидаги бундай учрашувлар катта хавф билан боғлиқ эди.

РКП(б) Марказий Комитети Анварпошшонинг Шарқий Бухоро (Душанбе), Самарқанд, Фарғона ва Хоразмдаги босмачилар ҳаракатини бирлаштириш, сўнгра эса инглиз империализмининг ҳарбий қудратига суяниб Урта Осиёда Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашдан иборат авантюраси хавфли эканлигини ҳисобга олиб Бухорога йирик давлат ва ҳарбий арбобларни йўллади. Аввал айтиб ўтилганидек, 1922 йилнинг май ойида Г. К. Оржоникидзе, июль ойида эса Бош қўмондон С. С. Каменев келди.

РКП(б) Марказий Комитети 1922 йил 18 майда «Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида»<sup>2</sup> тарихий қарор қабул қилди. Унда Анварпошшо империализмининг ёлланма малайи, Шарқ халқларининг ашаддий душмани сифатида

таърифлаб берилди. Бу қарор Туркистон, Бухоро, Хоразм коммунистик партиялари учун жанговар программа бўлди. Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети, Умумбухоро Марказий Ижроия Комитети ва халқ Нозирлари Советини қўшма йиғилишида РКП(б) Марказий Комитетининг «Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш тадбирлари тасдиқланди. Халқ оммаси ўртасида кенг сиёсий кампания авж олдирилди. Туркистон ва Бухородан миллатчи пантуркистик «миллий иттиҳод» ташкилотига бирлашган антисовет элементлар, яширин иш кўраётган турк ва афғон офицерлари, ашаддий миллатчилар ҳайдаб чиқарилди. Миллий буржуазия ва интеллигенциянинг демократик кайфиятдаги вакиллари Совет ҳокимияти томонига жалб қилишга, ўзининг «сўл» шиорлари билан Совет ҳокимиятининг яширин ва очик душманлари тегирмонига сув қуяётган «сўл» коммунистларни сиёсий майдондан четлатишга қаратилган чоралар кўрилди.

Бухоро республикасининг иқтисодий аҳволини мустакамлаш мақсадида РСФСР ташқи савдо халқ комиссарлиги орқали ташқи бозорда мавжуд пахта, жун ва қорақўл запаслари сотилди, РСФСР ҳукумати Бухоро учун 100 минг сўм кумуш пул ажратди.

Бухоро ва Хоразм Коммунистик партиялари РКП(б) составига кириши муносабати билан РКП(б) Марказий Комитетининг 1922 йил 1 февраль қарори билан РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси РКП(б) Марказий Комитетининг Урта Осиё бюросига айлантирилди. Урта Осиё бюросининг 1922 йил 19 майдаги биринчи ташкилий пленумида Файзулла Хўжаев РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюроси Ижроия комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди.

27 майда Бухоро шаҳридаги Регистон майдонида 12 минг кишилик митинг бўлди. Митингга Файзулла Хўжаев путқ сўзлади. У ўз путқида ёш Бухоро Совет республикасининг долзарб вазифалари ҳақида сўзлади ва Бухоро

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 31- дело, 69- варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 8- дело, 2- варақ.



меҳнаткашларини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида маҳкам жипслаганига чақирди<sup>1</sup>.

Аҳолини Анварпошшо босмачи тудасига қарши курашга сафарбар қилишда Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йил 4 июнида бўлган IV сессияси муҳим роль ўйнади. Мазкур сессияда Файзулла Хўжаев «Босмачилик ҳаракатига қарши кураш чоралари ҳақида» доклад қилди.

Бухоро халқининг вакиллари ўз она ерларини империализм малайи Анварпошшо орқали иш кўраётган чет эл империалистларидан ҳимоя қилишга барча куч-ғайратларини сарфлашга тайёр экаликларини билдирдилар. Сессия резолюциясида ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган меҳнаткаш халқнинг фикр ва туйғуларини ўз ифодасини топди. Умумбухоро Советлари Марказий Ижроия Комитети сессиясидан кейин кўп ўтмаёқ Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматиининг «Қизил Армия жангчиларига» хитобномаси эълон қилинди. Бу хитобнома Файзулла Хўжаев томонидан ёзилган эди. Ундаги оташин юрак сўзлари жангчиларни контрреволюция кучларини тор-мор қилишга чақирди. Хитобнома 1922 йил 13 июнда чиқарилган эди, шундан икки кун ўтгач, шавкатли Қизил Армия қисмлари Анварпошшонинг босмачилар фронтининг Бойсун участкасида жойлашган асосий кучларига қарши ҳужум бошлади.

Бухоро халқи томонидан қўллаб-қувватланган Қизил Армия ва Бухоро миллий қисмлари жангчилари кўрсатган оммавий қаҳрамонлик кўпдан буён кутилган ғалаба соатларини яқинлаштирди. 1922 йилнинг 4 августидан Анварпошшо тудаси батамом тор-мор қилинди. Ички ва ташқи контрреволюция Анварпошшо қўли билан бўғиб ташламоқчи бўлган ёш Совет республикаси устидаги хавф тугатилди.

<sup>1</sup> «Бухоро Ахбори», газетасининг 1922 йил 17 июнь, 87- сони.

Файзулла Хўжаевнинг меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб борган беқийёс катта ташкилотчилик ва сиёсий иши, унинг Бухорода Совет ҳокимияти учун кураш ишида қатъий садоқат кўрсатиши революция душманларининг қаҳр-ғазабини оширди. Анварпошино тор-мор қилинишидан сал илгарироқ, 1922 йилнинг июлида Файзулла Хўжаев ҳаётига сунқасд қилинди. У фақат бахтли тасодиф туфайли (ўқ машинанинг қанотига теккан эди) омон қолди.

Файзулла Хўжаевга сунқасд уюштирилиши муносабати билан РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари Л. М. Карахан Совет ҳукумати номидан берган баёпотида Файзулла Хўжаевни бундан буён ҳам ҳамма вақт «Бухоро халқ оммасининг жасур ва толмас раҳбари»<sup>1</sup> сифатида кўришга қатъий ишонч билдирди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Файзулла Хўжаевнинг босмачиларни тор-мор қилиш, Бухорода меҳнаткашлар ҳокимиятини ташкил этиш ҳамда мустақамланиши соҳасидаги хизматларини юксак баҳолади ва уни Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Файзулла Хўжаевга ордени РСФСРнинг ваколатли вакили И. С. Кожевников Бухоро Халқ Совет Республикаси Советларининг 1922 йил 15 августида очилган учинчи съезди делегатларининг гулдурос қарсақлари остида топширди.

### ТИНЧ МЕҲНАТ САРИ

Советларнинг Умумбухоро III съезди халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш вазифасини илгари сурди. Съездда республика ҳукуматининг фаолияти ҳақида Файзулла Хўжаев ҳисоб берди. Съезд томонидан қабул қилинган резолюцияда Файзулла Хўжаев бошлиқ Халқ Нозирлари Советининг Бухоро республикаси учун жуда оғир бўлган, аслини олганда республиканинг ҳаёт-мамо-

<sup>1</sup> УзССР МДА, Р—48- фонд, 1- рўйхат, 60- дело, 497- varaқ.

ти, революция галабаларининг тақдири ҳал қилинаётган даврдаги фаолиятига юксак баҳо берилди: «Қурултой ҳукуматининг иккинчи ва учинчи қурултойлар ўртасидаги барча фаолияти Файзулла Хўжаев бошлиқ Халқ Нозирлари Совети амалга оширигандан кўра яхшироқ бажарилиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди»<sup>1</sup>.

Бухорода революцияга ҳозирлиниш ва уни амалга ошириш, ёш республикани унинг душманларидан ҳимоя қилиш, босмачиларга қарши кураш — буларнинг ҳаммаси Файзулла Хўжаевнинг соғлигига таъсир кўрсатди. Унга чет элда тажрибали врачлар қўлида даволаниш тавсия этилди. 1922 йилнинг охирида Файзулла Хўжаев Берлинга даволанишга бориш учун Бухородан Москвага жўнаб кетди<sup>2</sup>.

Файзулла Хўжаев ўзининг Москвада бўлган даврида Бухоро Халқ Совет Республикасининг РСФСР билан дўстлик ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустақамлаш учун интилди. 6 сентябрда у Москвадан Бухорога — Нозирлар Советига телеграмма йўллади. Ёш Совет республикасининг кечиктириб бўлмайдиган проблемалари Файзулла Хўжаев ҳаётида (ҳатто бетоб бўлганда ҳам) нақадар катта ўрин тутганлиги, халқ хўжалигини тиклаш, меҳнаткашлар ҳаётини яхшилашга у қанчалар жон куйдирганлигининг ёрқин далили сифатида ўша телеграмма текстини тўлалигича келтирамиз:

«Москвага етиб келишим билан соғлигим анча ёмонлашди, даволана бошладим. Кеча Ташқи ишлар халқ комиссарининг муовини Қарахан билан учрашдим ва гаплашдим. Бухоролик болаларнинг Германияга боришига розилик олдим, Германияда ўқиши керак бўлган болаларнинг шунингдек Москвага ўқишга келувчиларнинг ҳам етиб келишини

<sup>1</sup> «Известия Бух. ЦИКа» 1922 йил 27 август, 96-сон.

<sup>2</sup> УзССР МДА, 47- фонд, 1- рўйхат, 228- дело, 24- варақ; «Бухоро Ахбори» газетасининг 1922 йил 2 сентябрь 28- сони.

қутмоқдамиз. Бухорога 50 кишидан иборат эпидемияга қарши кураш отряди юборилишини сўрадим. Армия учун валютага ёки шу ерда Россиянинг ўзида 200 минг пудга қадар галла сотиб олишимизга рухсат берилиши ҳақида таклиф киритдим, Қарахан Россиянинг ўзида сотиб олишни ҳал қилиб беришга ваъда берди. Бугун Абдуқодир<sup>1</sup> ва савдо бўлимининг докладини эшитдим. Жами бўлиб олтин ҳисобига бир миллион сўмлик мол сотилган, уч юз минг сўмлик газлама, темир, қанд, ёғоч-тахта, резина сотиб олиниб Бухорога жўнатилган; қолган пулга савдо-саноат нозирлиги топширигига биноан мол харид қилиш, бундан ташқари Германиядан 200 ўрилик шифохона учун тўла жиҳоз ва дори-дармон сотиб олиш, бунда албатта 10 пуд хиши бўлишни назарда тутиш ҳақида буйруқ бердим. Яқин кунларда бир ярим пуд хиши жўнатилади. Бундан ташқари 50 000 танов ерни ишлаш ва ўзлаштириш учун деҳқончилик қуроллари, трактор ва бошқалар сотиб олишни буюрдим. Рус — Бухоро баъки шартномасини имзолашга Пахтачилик комитети билан шартнома тузиш ва унга ҳар пуди учун 500 сўм пул ва 60 газ чит ҳисобида нарх билан 30000 пуд пахта сотишга рухсат бердим. Қолган пахтани ҳозирча сотмаслик кераклигини айтдим. Нижнегород ярмаркасидаги ишларни тугаллаш, бизнинг савдо комиссиямизни дарҳол Германияга жўнатиш ҳақида топшириқ бердим. Ҳозирча Бухородан бу ерга янги моллар жўнатмай туринглар. Бухоро Халқ Совет Республикасининг

<sup>1</sup> Абдуқодир Муҳитдинов — Бухоро Халқ Совет Республикаси савдо ва саноат нозир, 1921 йили РСФСР билан Бухоро Халқ Совет Республикаси ўртасида тузилган «Иқтисодий битим»нинг амалий жиҳатларини аниқлаш мақсадида Москвада хизмат командировкасида эди.

• Москвадаги вакилликка кўнчилиқ, қорғоз ва совун-гарлик фабрикаларини зудлик билан Бухорога кўчиришга; тўқувчилик фабрикасига келганда, уни бизнинг ихтиёримизга олиб, ўз савдо бўлимимиз орқали фойдаланишга буйруқ бердим. Бугун бизга Бухоро милицияси учун 5000 комплект кийим-кечак олиш ҳақида розилик олдим. Петрограднинг муҳим хўжалиқ аҳамиятини ҳисобга олиб у ерда савдо бўлими ва консуллик очишга руҳсат бердим. Бугун Сталиннинг ҳузурда бўлдим, РКП(б) Марказий Комитетида Бухоро масаласини эшитишга қарор қилинди, 6-сентябрда доклад қиламан, у ерда барча зарур масалаларни ҳал қилиб олишни ўйлаб турибман»<sup>1</sup>.

Уша куннёқ РКП(б) Марказий Комитети Файзулла Хўжаев докладига асосан «Бухоро масаласи» бўйича қарор қабул қилди, унда илгари сурилган ҳарбий ва хўжалиқ вазифаларни оперативлик билан ҳал қилиш таъкидлаб ўтилди. Чунончи, Бухоро Қизил Армиясининг жанговар қобилиятини ошириш, пахтачиликни ривожлантириш, Бухоро халқини нон билан таъминлаш, медицина ёрдами кўрсатиш ва ҳоказолар бўйича тадбирлар белгиланди.

Файзулла Хўжаев кечиктириб бўлмайдиган ишларни Москвада битиргандан кейин Берлинга даволангани кетди. Шунда у Бухоро Халқ Совет Республикаси халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун чет эл капиталини жалб қилиш мақсадида хорижий давлатлар, компаниялар билан сиёсий, иқтисодий характердаги шартномалар ва битимлар тузиш ҳақида Умумбухоро Марказий Ижроия Комитети мандати билан жўнади.

Файзулла Хўжаев Берлинда бир ой (1922 йилнинг 25 сентябридан 25 октябригача) давомида даволанди ва 1 ноябрда яна Москвага қайтиб келди<sup>2</sup>. РСФСР Халқ Ко-

<sup>1</sup> ЎзССР МДА, Р—1616- фонд, 2- рўйхат, 52- дело, 1- варақ.

<sup>2</sup> «Бухоро Ахбори» газетасининг 1922 йил 5 ноябрь 108- сонини ва 14 ноябрь 111- сонини.

миссарлар Совети ва комиссарликларда долзарб масалаларни ҳал қилишга киришди. Ноябрьнинг бошларида у турли ихтисосдаги мутахассислар тайёрлаш учун Москвадан Бухоро Халқ Совет Республикаси болалари учун «маориф уйи» очиб масаласини тегишли органлар олдига қўйганлиги ҳақида Бухорога хабар қилди<sup>1</sup>. Натижада РСФСР Халқ Комиссарлар Совети Москвада Бухоро Халқ Совет Республикаси болалари учун «маориф уйи» ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Ана шу қарорнинг ўзида миллий кадрлар — ўқитувчилар, агрономлар, врачлар инженерлар тайёрлаш учун маориф ва миллий ишлар халқ комиссарликлари эзмасига Бухоро Халқ Совет Республикаси граждандарининг Москвада маориф уйида таълим олишини ташкил этиш ва ўқишини битирганларни эса мамлакат олий ўқув юртига киришига ҳар томонлама кўмаклашиш вазифаси юклатилди<sup>2</sup>.

Республиканинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида Файзулла Хўжаев РСФСР Пахтачилик комитети билан 300 вагон пахта соғиш ҳақида шартнома тузди, РСФСР билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор бошқа масалаларни ҳам ҳал қилди.

Файзулла Хўжаев Москвадан Тошкентга қайтиб келгач РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюросини ўз сафари натижалари билан таништирди ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг халқ хўжалигини тиклаш ва босмачиларни узил-кесил тугатиш соҳасидаги долзарб ишларига зудлик билан киришиш учун дарҳол Бухорога жўнаб кетди.

1922 йилнинг 11 декабрида Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Советининг кенгайтирилган мажлиси рус-бухоро пахта уюшмасини ташкил этиш

<sup>1</sup> УзССР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 60-дело, 283-варақ.

<sup>2</sup> УзССР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 183-дело, 42-варақ.



масаласини муҳокама қилди. Кейинчалик бу уюшма қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғини тиклаш ва ривожлантириш соҳасида беқилс катта роль ўйнади. Эртасига республика Меҳнат ва Мудофаа Совети (унга Файзулла Хўжаев раис эди) Ўрта Осиё ташқи савдо органлари орқали сотиб олинган беш минг бош уловни Шарқий ва Ғарбий Бухоронинг босмачилардан зарар кўрган деҳқон хўжаликларига тарқатиш учун вилоятларга тақсимлади.

23 декабрда Файзулла Хўжаев Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети, Советларнинг Марказий Ижроия Комитети ва Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Советининг қўшма йиғилишида «Шарқий Бухоронинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи тўғрисида» доклад қилди. Шу йиғилишнинг ўзида босқинчи босмачи тўдаларини тугатиш, ҳамма жойда кўнгилли «қизилтаёқлилар» халқ дружиналари ташкил қилишга чақирувчи мурожаат қабул қилинди ва у 1922 йил 28 декабрда «Бухоро Ахбори» газетасида эълон қилинди. Мурожаатда, бундан ташқари, халқнинг бутун куч ва имкониятини бузилган ирригация тармоқларини тиклаш учун сафарбар этишга, ёппасига умумхалқ хашарлари ташкил қилишга чақирилди.

Мазкур мурожаатда меҳнат аҳли билан Қизил Армия қисмлари ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатишга, туман (уезд), кент (волост) ва қишлоқ Советларининг ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларни оталикка олишини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди.

Барча куч ва воситаларни ыйронгарчиликни қисқа муддатларда тугатиш учун бирлаштириш, халқ хўжалигини юксак суръатлар билан ривожлантириш вазифасини ҳаётнинг ўзи илгари сурди. 1923 йил январда РКП(б) Марказий Комитети Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодий имкониятларини бирлаштириш ҳамда уларнинг иқтисодий фаолиятини координациялаш тўғрисида таклиф ишлаб чиқди.

Аслини олганда, Файзулла Хўжаев бундай бирлаштиришга тарафдор эмас эди. У Бухорони иқтисодий жиҳатдан Туркистон ва Хоразм билан унча боғланмаган, шу сабабли Ўрта Осиё иқтисодий советини четлаб ўтиб, бевосита РСФСР билан иқтисодий алоқа боғлай оладиган район деб ҳисобларди. Ирригация тармоқларини тиклаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва бошқа муҳим хўжалик тадбирларини ўтказиш учун Ўрта Осиё республикаларининг куч-гайратини бирлаштиришни эса Файзулла Хўжаев «Фурсат ва имконият тақозосига қараб» амалга ошириш мумкин деб қарар эди<sup>1</sup>. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг 1923 йил январдаги пленумида Ўрта Осиё Иқтисодий бирлашмаси масаласи муҳокама қилинаётган вақтда Файзулла Хўжаев Ўрта Осиё иқтисодий совети тузилишига принцип жиҳатдан қарши чиқмагани ҳолда, бу советга фақат координация қилувчи маслаҳат органи ҳуқуқи берилишини таклиф қилади. Файзулла Хўжаев фикрича, Ўрта Осиё иқтисодий советига Туркистон, Бухоро, Хоразм территориясида муқаррар кучга кирадиган қарорлар чиқариш ҳуқуқи берилиши мустақиллик, суверенитетни чеклашга, ўзига хос Ўрта Осиё Федерацияси тузишга олиб келиши мумкин<sup>2</sup>.

РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси бундай фикрининг нотўғрилигини, фақат барча Ўрта Осиё республикалари куч-гайратини бирлаштириш натижасидагина бу республикалар экономикасини янада ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш мумкинлигини таъкидлади.

1923 йилнинг бешинчи мартида Тошкентда Ўрта Осиё Совет республикаларининг биринчи иқтисодий конференцияси очилди ва у Ўрта Осиё иқтисодий совети ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу советга Бухоро

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 31- дело, 106- varaқ.

<sup>2</sup> УзССР МДА, Р—48- фонд, 1- рўйхат, 180- дело, 95- varaқ.

Халқ Совет Республикасидан Файзулла Хўжаев бошлиқ уч доимий аъзо киритилди.

РКП(б) XII съездида Бухоро Коммунистик партиясидан ҳал қилувчи овоз билан<sup>1</sup> делегат бўлиб қатнашиши Файзулла Хўжаев ҳаётида катта воқеа бўлди.

Съезд ишида миллий масалага катта эътибор берилди. Съезд И. В. Сталиннинг «Партия ва давлат қурилишида миллий моментлар тўғрисида»ги доклады бўйича резолюция қабул қилди. Бу резолюция миллий масала бўйича, миллий республикаларда совет давлатини мустақкамлаш учун партия ташкилотларини аниқ йўл-йўриқ билан қуроллантирди.

1923 йил май ойининг охирларида Файзулла Хўжаев Бухоро Коммунистик партиясини пленумида сўзга чиқиб, РКП(б) XII съезди қарорлари, шу жумладан миллий масала бўйича қабул қилинган резолюцияни тушунтириб берди. Файзулла Хўжаев пленумда сўзлаган нутқида ҳам, газетада босилган мақоласида<sup>2</sup> ҳам Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий масалани ҳал қилиш йўллари партиявий позицияда туриб таҳлил қилди.

Файзулла Хўжаев РКП(б) Марказий Комитетининг Москвада 1923 йилнинг 9—12 июнида миллий республикалар, областлар масъул ходимлари билан ўтказилган IV кенгашида қатнашди. Кенгашда миллий компартияларнинг РКП(б) XII съезди миллий масала юзасидан қабул қилган тарихий қарорининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Файзулла Хўжаев кенгашда сўзлаган нутқида Бухоро Халқ Совет республикасида халқ ҳокимияти эриш-

<sup>1</sup> РКП(б) XII съезди делегати Файзулла Хўжаев ўз қўли билан 1923 йил 13 апрелда тўлғазган анкетаси ва 355 номерлик делегатлик билетидан. МЛИ МПА, 50- фонд, 1- рўйхат, 73- дело, 25- варақ.

<sup>2</sup> Файзулла Хўжаев. «Давлат қурилишида миллий масала», «Бухоро Ахбори» газетаси, 1923 йил 10 октябрь.

<sup>3</sup> КПСС резолюцияларда... 2- том, 488—494- бетлар.

ган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб, Бухоро меҳнаткашлар оммасининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириш иштиёқи зўрлигини таъкидлади.

Кенгашнинг «Партия XII съездининг миллий масала тўғрисидаги резолюциясини турмушга татбиқ қилиш юзасидан амалий тадбирлар» тўғрисидаги резолюциясида шундай дейилади: Партиянинг асосий вазифаларидан бири — миллий республика ва областларда маҳаллий аҳолининг пролетар ва ярим пролетар элементларидан ёш коммунистик ташкилотлар етиштириш ва ривожлантириш, шу ташкилотларнинг улғайишига, чинакам коммунистик тарбия олишига, дастлаб кўп бўлмасида, лекин ҳақиқатан интернационалистик руҳдаги коммунист кадрларни уюштиришга ҳар тарафлама ёрдам беришдир. Республика ва областларда чинакам жиддий коммунистик ташкилотлар қарор топган тақдирдагина уларда Совет ҳокимияти мустақкам бўлади<sup>1</sup>.

Бухоро компартияси Марказий Комитетининг 1923 йил 23 августида бўлган пленуми партиянинг миллий масалага оид қарорини амалга ошира бориб, Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳокимият органларини янада демократлаштириш ва советлаштириш масаласини муҳокама қилди ва республика ҳукумати составини ўзгартиришни тавсия этди.

Файзулла Хўжаев бошлиқ Халқ Нозирлар Советининг янги составига Бухоро республикасининг интернационалистик позицияда қаттиқ турган таниқли арбоблари киритилди. Масалан, туркман халқининг асл фарзанди Қасғусиз Отабоев,— Нозирлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, шунингдек меҳнаткаш халқ вакиллари — Жўра Қарвон Абдуллаев, Уста Нур Саидмуродов, Чўли Наврўзов ва бошқалар ер ишлари, давлат контроли, молия нозирлари лавозимларини эгаллади.

<sup>1</sup> КПСС резолюцияларда..., 1- қисм, 858—859- бетлар.

Шарқий Бухорода контрреволюция кучларини узил-кесил тор-мор қилиш ва босмачиларга қарши курашда ягона раҳбарлик бўлишини таъминлаш мақсадида Шарқий Бухоро Революцион ҳарбий совети тузилди. Унга Файзулла Хўжаев (ранс), 13-ўқчи корпус командири Павлов, шунингдек Туркистон Фронти Сийсий бошқармаси агитация-пропаганда бўлими бошлиғи Рафеслар киритилди.

1923 йил июнида Бухоро Компартияси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати Файзулла Хўжаевни Шарқий Бухорога юборди. У босмачиларга қарши кураш бўйича Революцион ҳарбий совет ранси сифатида ҳарбий ваколат билан бирга, яна Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг ваколатига ҳам эга эди. Яъни масъул ходимларни ишдан олиш ва тайинлаш, мансабинин суинстеъмол қилишда айбдор бўлган лавозимли шахсларни революцион трибунал судига бериш ҳуқуқидан фойдаланиб, «Ҳамма Совет ҳокимияти органлари фаолияти билан, шунингдек унинг алоҳида вакиллари фаолияти билан, жумладан Шарқий Бухородаги фавқулодда диктаторлик комиссиясини мустасно қилмасдан иш фаолияти билан батафсил танишиш ва ревизия қилишга»<sup>1</sup> юборилган эди.

Файзулла Хўжаев Шарқий Бухорода бўлган уч ой давомида босмачилар қолдирган вайронликни тугатиш ва аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилди. Чунинчи, бир қатор маҳаллий солиқлар бекор қилинди, Қарши билан Душанбе ўртасида мунтазам равишда почта-пассажир ташиш йўлга қўйилди. Ҳарбий қисмларни озиқ-овқат билан таъминлаш анча яхшиланди. Душанбеда савдо бўлими очилди ва унга олтин ҳисобиди 95 миң сўмлик мол берилди. Душанбеда яна қишлоқ хўжалик кредити бўлими, Шарқий Бухоро деҳқонлари учун ёрдам

<sup>1</sup> УЗССР МДА, 47- фонд, 1- рўйхат, 586- дело, 83- варақ.



кассаси очилди. Булардан ташқари, ҳамма жойда албатта деҳқонлар қурултойи ўтказилиб, уларда Коммунистик партия ва совет ҳокимиятининг меҳнаткаш деҳқонга шебатан сиёсати тушунтириб берилди.

Босмачиларга қарши актив курашган кишиларни раҳбарлик ишларига кўтариш йўли билан Шарқий Бухорода Совет ҳокимияти органларини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам кўп ишлар қилинди. Нусратулла Махсум, Абдулазиз Лақай, Раҳматулла Гулмаҳсум ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Шарқий Бухорода Бухоро Коммунистик партияси Ташкилий бюроси тузилиши билан маҳаллий партия ташкилотларини тузиш ва ташкилий жиҳатдан расмийлаштириши иш ишҳоясига етказилди. Душанбе, Ҳисор, Қорабоғ ва бошқа жойларда Бухоро Коммунистик партиясининг маҳаллий ячейкалари тузилди. Айни пайтда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматиининг диққат марказида халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва республиканиннг машҳур экономист Ю. Пославский иштирокида тузиб чиқилган қатъий (дефицитсиз) бюджети турар эди<sup>1</sup>.

СССР ҳукумати босмачилар етказган зарарни тезда тугатиш Шарқий Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш мақсадида 1450 минг сўм ва Қарши — Ғузор — Термиз темир йўлини тиклаш учун бир йўла 1200 минг сўм маблағ ажратди<sup>2</sup>.

Бу чор Россиясининг илгари эзилган чекка миллий ўлкалари экономикасини тиклаш, маданиятини юксалтиришга бор кучи билан интилаётган Совет ҳокимиятининг чуқур моҳиятини намоён қилиб кўрсатган Совет Иттифоқи ҳукуматиининг чиннакам дўстона қадами эди.

СССР ҳукуматиининг доимий ва ҳар тарафлама ёрдами туфайли Бухорода 1923 йилдаёқ аҳолига медицина хизмати кўрсатиш, умумий таълим мактаблари, билим

<sup>1</sup> Бухара в государственном плане на 1923—1924 гг. изд. БЭС. ст. Бухара, 1923 г.

<sup>2</sup> УзССР МДА, Р—48- фонд, 1- рўйхат, 279- дело, 2- варақ.

юртлари ва курслар тармоғини кенгайтириш соҳасида анчагина амалий чоралар кўрилди. Аҳолига — ишчилар, хизматчилар, ҳунармандлар, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга давлат ҳисобига медицина хизмати кўрсатиш, меҳнат, социал таъминот ҳамда соғлиқни сақлаш нозирлиги томонидан йўлга қўйилди. Эски Бухорода 200 ўринлик дастлабки шаҳар касалхонаси, 12 та даволаш-амбулатория пункти очилди. Булар учун Халқ Нозирлари Совети 1923 йилнинг январь ойида олтин ҳисобида 400 минг сўм маблағ ажратди.

Халқ маорифи ҳам анча ривожланди. 1923 йилда Бухоро республикасида 32 бошланғич ва ўрта мактаб, 11 болалар уйи, педагогика курси, ҳунар мактаби, тўрт музика мактаби, икки ўқитувчилар институти ишлаб турди. Москвада Бухоро болалари маориф уйида 110 ўқувчи, Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарлари ва хорижий мамлакатларда 76 киши ўқишда эди. 1923 йилда педагогик курсларни битирган 70 киши вилоятларда Совет типидagi мактаблар очиш учун юборилди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган дастлабки натижаларда албатта Файзулла Хўжаевнинг салмоқли ҳиссаси бор.

1924 йилнинг 21 январида бутун дунё қайғули хабардан ларзага келди. Муборак номи Бухоро халқи учун ҳам азиз ва яқин бўлган буюк зот В. И. Ленин вафот этди.

Бухоро ва Хоразм меҳнаткашларини феодал-мустабид тузум зулмидан озод қилиш ҳамда дунёда биринчи марта Халқ Совет давлати бўлган Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилиши Коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси улўф Лениннинг бевосита раҳбарлик ва раҳнаомлик хизматининг натижаси эди.

Файзулла Хўжаев 1924 йил 28 январда Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига уч миллионли Бухоро халқи номидан таъзия билдириб РСФСРнинг Бухородаги ваколатли вакили А. Знаменский помига ёзган хатида шундай деган эди.



Ф. Хўжаев — УзССР Халқ Комиссарлар Советининг раиси



Суратда 1925 йили М. И. Калининнинг Ўзбекистонга келиш пайти тасвирланган. Чапда Ф. Хўжаев.

«Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлар Совети сизнинг 1924 йил 23 январдаги 20 сонли нотангизни олганлигини тасдиқлаб, энг буюк инсон, эзилган Шарқ халқларининг дўсти — СССР Халқ Комиссарлар Советининг Раиси ўртоқ Владимир Ильич Ленин бевақт вафот этганлиги учун сизлар билан бирга чуқур қайғурганлигини изҳор этади.

Бухоро меҳнаткашлари бу кунларни чуқур мотам билан ўтказди, барча меҳнаткашлар, давлат муассасалари ишламади, Бухоронинг барча вилоят ва кентларида 22—27 январь кунлари манифестациялар, митинглар, марҳум ҳақида хотира кечалари ўтказилди. Дафн этиш куни бундай манифестациялар айниқса кенг қулоч ёзди. Владимир Ильич Ленинни дафн этиш куни эски Бухоро шаҳрига ҳамма ёқдан деҳқонлар етиб келди. Мотам юришида қарийб 50 000 киши қатнашди. Бухоро Марказий ижроия комитети мотам кунларини 21 февралгача давом эттиришга, шунингдек ҳуррият (собик Регистон) майдонига Ленин номини бериш ҳамда у ерда меҳнаткашлар доҳийсининг ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Совети сиздан, азиз ўртоқ, изҳор этилганларни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига маълум қилишингизни ва меҳнаткашлар Бухороси Владимир Ильич васиятларини доим эсда тутати, унинг васиятларини амалга ошириш учун барча чораларни кўради деб Совет ҳукуматини ишонтиришингизни сўрайди. Бухоро В. И. Лениннинг бевақт вафот этганлиги учун СССР халқлари билан бирга қайғуради ва унинг ғоялари тантана қилишига ишонади»<sup>1</sup>.

---

УзССР МДА, Р—48- фонд, 1- рўйхат, 289- дело, 21- варақ



Бухоро Халқ Совет Республикаси меҳнаткашлари жаҳон пролетариатининг улур доҳийси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлатга асос солган кишининг вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб ана шундай қайғурди ва унинг васиятларини амалга оширишга яқдиллик билан қасамёд қилди.

### СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаларида ажойиб ўзгаришлар юз берди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Асрий қуллик кишанларини улоқтириб ташлаган, кўксини озодликнинг ҳаётбахш шабадасига тутиб, эркин ҳаёт кечириш бошлаган халқни бирдан-бир тўғри йўлдан орқага қайтариб бўлмас эди.

Эндиликда миллий Совет давлат қурилишини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳаёт тақозоси бўлиб қолди.

Совет Шарқи меҳнаткашларининг экономикаси ва маданияти юксалганлиги миллий чекка ўлка халқлари ўртасидаги душманлик ва адоват қолдиқларини охиригача тугатиш ҳамда миллий Совет давлат қурилишини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш заруратини кун тартибига қўйди. 1924 йил давомида ленинчи миллий сиёсатни амалга ошириш йўлида Коммунистик партия ва совет ҳукумати белгилаган муҳим тадбир Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказишга ҳозирлик кўрилди. Бу муҳим сиёсий кампанияга айланиб кетди.

Миллий чегараланиш масаласи дастлаб 1924 йил февраль ойининг охириларида Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган пленумида муҳокама қилинди. Бу масала пленум муҳокамасига қўйилишидан олдин Бухоро Халқ Совет Республикаси раҳбар ходимлари кенгашида атрофлича кўриб чиқилди. Пленум Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Советининг раиси Файзулла Хўжаевнинг «Совет Ўрта Осиёсини

миллий белгиларига қараб бир қатор республикаларга ажратиш»<sup>1</sup> ҳақидаги докладини эшитди ва Туркистон, Бухоро ҳамда Хоразмда миллий-территориал чегаралаш ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик Республикасини тузишни ёқлади.

Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми қўйидаги қарорни қабул қилди: «1. Совет Ўрта Осиёсини территориясини миллий белгиларига қараб бир қатор республикаларга ажратиш айна вақтда кун тартибига қўйилган пишиб етилган масала деб топилсин. 2. Бу масала юзасидан ўртоқ Файзулла Хўжаев тезисларини асос қилиб олинсин. 3. Тезисларни узил-кесил ишлаб чиқиш ва РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросига мурожаат текстини тузиб чиқиш учун Ф. Хўжаев, А. Мухитдинов, Қ. Пўлатов, М. Саиджоновлардан иборат комиссия тузилсин. Бу иш учун бир ҳафталик муҳлат белгиланади. Комиссия йиғилишини ўртоқ Ф. Хўжаев чақиради»<sup>2</sup>.

Миллий чегараланиш масаласи Шарқдаги бошқа совет республикаларида ҳам кенг миқёсда муҳокама қилинди.

РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 28 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган махсус пленуми Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказиш-

<sup>1</sup> Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш ўтказиш масаласига нисбатан унинг муносабатини Файзулла Хўжаев «Единовременно правильный путь» (Ягона тўғри йўл) мақоласида батафсил баён қилган. Маъмур мақола «На историческом рубеже» китобида (Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилишига оид мақолалар тўплами, Тошкент, 1924 йил, 35—38-бетлар) босилган. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси миллий чегараланишнинг 10 йиллигига бағишланган 1934 йил 5 сентябрдаги пленумида сўзлаган нутқида ҳам Файзулла Хўжаев шу фикрini таъкидлайди. Унинг бу нутқи «10 лет побед» (Ғалабанинг 10 йиллиги) номи билан алоҳида китоб қилиб чиқарилган. Тошкент, Ўздавнашр, 1935 йил.

<sup>2</sup> Ўзкомпартия Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия архиви, 14- фонд, 1- рўйхат, 712- дело, 4- варақ.



га ҳозирлик кўриш ва уни амалга ошириш масаласига бағишланди. Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёда яшовчи халқлар — ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қozoқлар ва қирғизларнинг миллий нуқтаи назарда ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш масаласига беқисс катта аҳамият берганлигини унинг пленумда сўзлаган нутқи яққол кўрсатиб турибди. Чунинчи у шундай деган эди:

«Биз миллий чегараланиш зарур деб ҳисоблаймиз, чунки биринчидан, Бухоро революцияси бошидаёқ туркман масаласи келиб чиқди ва бу соҳада бундан буён кўрилган тadbирларнинг ҳаммаси туркманларни қаноатлантирмайди; туркман аҳолиси яшаган районларни қўшиб, бирлашган вилоятлар тузилиши, революцион комитет ва ҳоказолар ташкил этилиши билан иш битмади. Мавжуд аҳвол туркман масаласи илгаригидек ҳозир ҳам кун тартибда турганлигидан далолат беради. Агар Бухородаги туркманларнинг фикрига қулоқ солинса улар ҳарқалай порози эканлиги маълум бўлади. Модомики, Бухородаги туркман қабилалари Бухоро билан чегарадош бошқа туркман қабилалардан алоҳида экан, улар бирлашишга интилаверади. Буни очиқ-ойдин айтиш ва Бухорода шундай масала кўн тартибда борлигини эътироф этиш керак. Шунинг учун ҳам биз туркманлар ажратилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бу ерда миллий масала сифатида кўндаланг бўлиб турган туркман масаласини инкор этиш ярамғайди. Эҳтимол туркманлар ўзларининг миллий белгиларига кўра бирлашиш учун талаб қилинган тарзда шаклланимагандир, эҳтимол улар бунини ҳали англаб етмагандур. Бироқ бу масала кўндаланг бўлиб турибди. Илгари туркманларнинг ажралишини истамаган ва бунга рози бўлмаган кўпгина кишилар ҳозир аҳволни тап олмоқдаки, бу фикримизнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Энди тожиклар ҳақида.

Бухорода қарийб 400 000 тожик яшайди. Агар бу халқнинг турмуш тарзи билан яқинроқ танишилса, улар на ўзларининг бошқарув органларига, на тожик тилида ўқитиладиган мактабларига, ҳеч нарсага эга эмаслиги аён бўлади. Зарафшон соҳилларида ҳам тахминан ана шунча тожиклар бор. Уларнинг тили ҳам, маданий даражаси ҳам, хўжалиги ҳам бир хил. Биз буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, уларни чегара билан ажратиб қўйиш ярамайди, балки иккала группа тожикларни автоном область ёки бошқа бирор тарзда (буни Тожикистоннинг автоном республика тарзида Ўзбекистон республикаси доирасида бўлишини назарда тутган тожик ўртоқларнинг фикри билан келишиш мумкин) бир территорияга бирлаштириш керак деб ҳисоблаймиз»<sup>1</sup>.

РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг миллий чегараланиш бўйича комиссияси (унга Файзулла Хўжаев ҳам киритилган эди) бу муҳим сиёсий компанияни ўтказиш лойиҳасини ишлаб чиқди. РКП(б) Марказий Комитетининг сиёсий бюроси 1924 йилнинг 12 июлида бу лойиҳани тасдиқлайди.

Советларнинг Умумбухоро V съезди (унда Файзулла Хўжаев доклад қилди), советларнинг Умумхоразм V съезди Туркистон АССР Советларининг Марказий Ижроия Комитети сессияси Ўрта Осиё халқларининг миллий-давлат чегараланишини қатъиян маъқуллади.

1924 йилнинг 27 октябрида СССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг II сессияси Ўрта Осиё халқларининг эркин билдирган хоҳишларини ҳисобга олиб суверен миллий совет республикалари — Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР ташкил топганлигини тасдиқлади.

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 109- дело, 114- варақ.



Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет Социалистик республикалари<sup>1</sup> Советлари Марказий Ижроия Комитетларининг 1924 йил ноябрида бўлиб ўтган сессиялари қарори билан янги ташкил этилган республика ва автоном областлар территорияларида ҳокимият тегишли революцион комитетларга топширилди. Ўзбекистон ССР революцион комитетининг раиси қилиб Файзулла Хўжаев тасдиқланди.

1925 йил 11 февралда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съезди ўз ишлари бошланди.

Файзулла Хўжаев съездда сўзга чиқиб республика экономикаси ва маданиятининг аҳволи, қўлга киритилган ютуқлар ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини чуқур таҳлил қилиб берди. Унинг доклади<sup>2</sup> республиканинг хўжалик ва маданий қурилишида эришган натижаларга яқин ясаб, ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳикоя қилиб берган оммабон китобчага асос бўлди. Китобча ўша йилдидек босилиб чиқди<sup>3</sup>.

Файзулла Хўжаевнинг мазкур доклади тарихий ҳужжат сифатида бизнинг кунларимизда ҳам алоҳида қимматга эга. Чунки унда республика ташкил топган дастлабки йилида, яъни Ўзбекистон экономикасида социалистик ва хусусий капиталистик сектор ўртасида кескин кураш бораётган даврда республика экономикасининг аҳолини чуқур таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон Коммунистик партияси ва ҳукуматининг фаолияти кўрсатиб берилган.

<sup>1</sup> Хоразм Халқ Совет Республикаси 1923 йил октябрида, Бухоро Халқ Совет Республикаси эса 1924 йилнинг 20 сентябрида социалистик республика номини олган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясининг биринчи съезди. Стенографик ҳисобот (1925 йил 6—12 февраль) Т., ЎзКП(б) МК нашриёти, 1925 йил.

<sup>3</sup> Файзулла Хўжаев. Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳоли воли ва ривожланиш истиқболлари. Т., Ўздавнашр, 1925 йил.

Ўзбекистон Компартиясининг I съездида партиянинг раҳбар органлари сайланди. Файзулла Хўжаев республиканинг бошқа ташкили арбоблари қаторида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва Марказий Комитет ижроия бисроси составига кирди. У Ўзбекистоннинг кейинги партия съездларида то 1937 йилгача Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети составига ва Марказий Комитет бюро аъзолигига қайта сайланди.

1925 йилнинг 13 февралда Бухорода Ўзбекистон Советларининг биринчи таъсис съезди очилди. Файзулла Хўжаев съездни очиш вақтида уч тилда — ўзбекча, тожикча, русча сўзлаган кириш нутқини Шарқ халқларининг улуғ дўсти — В. И. Ленин хотирасига бағишлади.

Ўзбекистон компартиясининг I съезди ҳамда ЎзССР Советларининг I съездида буюк давлат арбоби, СССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси, Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин қатнашди ва ўз нуктида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топганлигининг халқаро аҳамиятини чуқур таҳлил қилиб берди. Ўзбекистон ССР Советларининг I съезди «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлиги тўғрисида декларация қабул қилди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон ССР тузилганлигини қонуний тарзда расмийлаштирди ва Ўзбекистоннинг иттифоқчи республика сифатида Совет Иттифоқи составига ўз хоҳиши билан кириш истагини билдирганлигини эълон қилди.

Шундай қилиб, ленинча миллий сиёсат оғишмай амалга оширилиши туфайли Урта Осиёда миллий-территориал чегараланиш ўтказилди ва бунинг натижасида ССР Иттифоқи составига ихтиёрий равишда кирган Ўзбекистон ва Туркменистон миллий совет республикалари, Ўзбекистон ССР составида Тожикистон АССР, Қорақалпоғистон ва Қирғизистон автоном областлари дастлаб Қозоғистон АССР составида сўнгра РСФСР составида ташкил топди.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОМИССАРЛАР СОВЕТИНИНГ  
БИРИНЧИ РАИСИ**

1925 йилнинг 17 февралда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг биринчи сессияси очилди ва унда республиканинг ишчи-деҳқон ҳукумати тузилди. Файзулла Хўжаев ҳукумат бошлиғи қилиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари А. Икромов бу ҳақда Марказий Комитет номидан таклиф киригиб шундай деди: «Ўртоқлар, биз худди Марказий Ижроия Комитети раисини сайлаганимиз каби республика Халқ Комиссарлар Совети раисини ҳам сайлашимиз керак. Бизнинг Халқ Комиссарлар Советимизнинг бўлажак раиси, энг аввало, кенг халқ оmmasининг тўла-тўқис ишончига сазовор киши бўлиши, у яна ишчан, лаёқатли киши бўлиши, бизнинг республикамиз олдида турган қийин вазифаларни ҳал қила олишга қодир бўлиши керак. Ана шу икки ҳислатга эга бўлган ва большевиклар фракцияси томонидан ана шу лавозимга кўрсатилаётган ягона номзод ўртоқ Файзулла Хўжаевдир»<sup>1</sup>.

Файзулла Хўжаев Халқ Комиссарлар Советининг раиси қилиб яқдиллик билан сайланди ва 12 йил давомида ана шу лавозимда хизмат қилиб келди, у айна чоқда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ва унинг президиуми аъзоси ҳам эди.

Уша йилларда Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати фаолиятининг беш йўли РКП(б) XII съезди белгилаб берган чекка ўлкаларнинг иқтисодий ва маданий қолақликни тугатиш, собиқ миллий чекка ўлкаларини қишлоқ хўжалиғи, саноати ва маданияти юксак даражада ривожланган совет республикаларига айлантириш бўйича директиваларини амалга оширишдан иборат эди. Халқ

Комиссарлар Советининг раиси сифатида Файзулла Хўжаевнинг амалий фаолияти кўп йиллар давомида худди ана шу вазифани ҳал қилишга қаратилди.

1925 йилнинг 19 майида СССР Советларининг III съезди Ўзбекистон, Туркменистон Совет Социалистик Республикалари ССР Иттифоқи составига кирганлиғи ҳақида тарихий қарор қабул қилди. Шу муносабат билан СССР Марказий Ижроия Комитети Иттифоқ Совети бўйича 16 аъзо ва 6 аъзоликка кандидат билан, Миллатлар Совети бўйича 11 аъзо ва 3 аъзоликка кандидат билан тўлдирилди. Йўлдош Охунбобоев, Акмал Икромов ва республиканинг бошқа раҳбарлари қаторида Файзулла Хўжаев ҳам СССР Марказий Ижроия Комитети аъзолиғига сайланди.

1925 йилнинг 21 майида СССР учинчи чақириқ Марказий Ижроия Комитети I сессияси Марказий Ижроия Комитетининг президиумини тузди, шунингдек Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига кирган иттифоқчи республикалар сонига кўра Марказий Ижроия Комитетининг олти раисини сайлади. СССР Марказий Ижроия Комитет президиуми аъзолиғи ва раислиғига М. И. Калинин, Г. И. Петровский, А. Г. Червяков, Г. Мусабоев, Н. Айтаковлар қаторида Файзулла Хўжаев<sup>1</sup> ҳам сайланди. У 12 йил давомида кўп миллатли социалистик давлатнинг қонуни чиқарувчи олий органида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан иш кўрди ва бу вазифани шараф билан бажарди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йилнинг 23 ноябрида очилган II съезди ишида асосий эътибор республика халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларга қаратилди. Съездда Файзулла Хўжаев «Хўжалиқ қурилиши соҳасидаги навбатдаги вазифалар» ҳақида доклад қилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> «Правда», 1925 йил 22 май.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Компартияси резолюциялари... Иккинчи тўлдирилган нашри. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1968 йил, 99—109-бетлар.

Докладда асосий эътибор сугориладиган деҳқончиликни, энг аввало, халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантиришга қаратилган эди.

Бу соҳада чиндан ҳам жуда катта иш қилиниши керак эди. Шунини айтиш кифояки, 1925 йилда ялпи пахта ҳосили урушдан илгариги даражанинг 55 процентинигина ташкил қилди. Шунинг учун ҳам республика компартияси ва ҳукумати ирригация ва мелiorация қурилишига катта эътибор берди. Бу мақсадлар учун фақат 1925 йилда республика бюджетидан 5 миллион, кейинги йилда 12 миллион сўм сарфланди.

Деҳқон хўжаликлари хизмат кўрсатиш учун 42 агрономия (мелiorатив) участкаси ва 11 машина-трактор пункти ташкил қилинди. Уларнинг ихтиёрига жами қиймати 700 минг сўмлик 600 трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари берилди. Кредит тариқасида 8 миллион сўм пулни кам қувватли хўжаликлар олдилар.

Қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик ва бошқа тармоқларини ривожлантиришга ўша вақт учун жуда катта маблағ — 46 миллион сўм ажратилди. Бу маблағнинг бир қисми республика бюджети, бир қисми эса СССР Бош пахтачилик комитети ҳисобидан ажратилди.

Республиканинг асосан пахта тозалаш ва ёғ заводларидан иборат саноати айниқса оғир аҳволда бўлиб, босмачилар тўдаси сон-саноксиз зарар ва вайронагарчилик келтирган эди. Улар Фарғона водийсига айниқса кўп зарар етказган эдилар.

Мамлакатнинг ҳар чеккасида жаҳон ва граждандар уруши етказган жароҳатларни тўзатишга киришилган бўлиб, шу сабабли Совет ҳукумати катта маблағ беришга қодир эмас эди. Шунга қарамасдан, 1925 йилда пахта тозалаш саноатини тиклаш учун уч миллион сўм маблағ ажратилди.



Самарқанд ва Фарғона пиллакашлик фабрикаси қуришга киришилди, нефть, кўмир саноати тикланди ва йилига 1,5 миллион пуд нефть ҳамда 4 миллион пуд кўмир бера бошлади. Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати республикани электрлаштиришга алоҳида эътибор берди. 1926 йилда республикада биринчи электр станция ГОЭЛРОнинг Ўзбекистондаги тўнғичи бўлган Бўзсув ГЭСи ишга туширилди. Бу ишоот Файзулла Хўжаев ташаббуси билан қурилди.

Совет Ўзбекистони ҳукумати қишлоқда деҳқонлар оммасини социализм қуриш ишига кенг жалб қилиш мақсадида солиқ сиёсатини ниҳоятда сезгирлик билан амалга оширди. 0,25 десятинагача ерда деҳқончилик қиладиган деҳқонлар, Тожикистон АССР ва Сурхондарё областларининг чорвадор районлари, шунингдек Зарафшон водийсининг қорақўлчилик районлари қишлоқ хўжалик солиғидан озод қилинди. Маҳаллий Советларга умумий солиқ суммасининг 10 проценти доирасида кам бағал хўжаликларга солиқ солмаслик ҳуқуқи берилди. Бой ва қулоқ хўжаликларни эса ҳеч қандай юз-хотир қилинмади. Хуллас, солиқ сиёсатининг моҳиятига синфий нуқтаи назардан ёндошилди.

Республиканинг Файзулла Хўжаев бошчилиқ қилган ҳукумати маданият ва маорифни ривожлантириш соҳасида ҳам анча ишлар қилди. Аҳолининг ёлпасига саводсизлигини ҳисобга олиб, 1925 йилда халқ маорифи эҳтиёжи учун 13 миллион сўм маблағ ажратилди. Республикада мактаблар сони 1272 тага, улардаги ўқувчилар сони 82 мингга етказилди. Аҳолининг саводсизлигини тезроқ тугатиш учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Медицина хизмати кўрсатиш йилдан йилга яхшилана борди. 1925 йилдаёқ республикада 400 дан ортиқ санитария-даволаш муассасалари ишлаб турди.

Республиканинг Совет ҳокимияти йиллари экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган



дастлабки ютуқлари ана шундай. 1926 йилнинг 15 октябрида СССР Марказий Ижроия Комитети президиуми ўз мажлисида Файзулла Хўжаевнинг «Ўзбекистон ҳукуматининг икки йиллик иши» ҳақида қилган докладини эшитди ва янги ҳаёт қураётган республика эришган қувончли ютуқларни қайд қилиб ўтди. Мазкур доклад бўйича Марказий Ижроия Комитети президиуми қабул қилган қарорда Советларнинг иши анча яхшиланганлиги, маҳаллий Советларга бўладиган сайлов кампанияларида кенг меҳнаткашлар оммаси, айниқса ўзбек аёллари қатнашганлиги, майда миллатларнинг социалистик қурилишга жалб қилинганлиги, Ўзбекистоннинг уч асосий пахтакор райони — Фарғона, Тошкент, Самарқанд областларида ер-сув ислоҳоти ўтказилганлиги<sup>1</sup> таъкидланади.

Ер-сув ислоҳоти ўтказиш навбати республиканинг кам тараққий этган Зарафшон Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларига келди. Ўзбекистон Компартияси бу муҳим сиёсий ва хўжалик кампаниясига бевосита раҳбарлик қилишни Файзулла Хўжаев зиммасига юкледи. У Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети президиумининг 1926 йил 13 декабрда Бухорода бўлган кенгайтирилган йиғилишида сўзга чиқди ва ўз докладидида мазкур областларда ер-сув ислоҳотини қисқа муддатда, кенг деҳқонлар оммаси иштирокида уюшқоқлик билан ўтказишнинг аниқ планини баён қилиб берди.

Бу областларда ер-сув ислоҳотининг амалга оширилиши Файзулла Хўжаевда раҳбар учун зарур бўлган ташкилотчилик қобилияти барқ уриб турганини, у партия сиёсатини халқ оммасига тушунтира билишини ва бу вазифани амалга оширишга уларни руҳлантира олишини яна ҳам яққолроқ кўрсатди.

1927 йилнинг 24 мартада Ўзбекистон Советларининг II съезди очилди. Республика меҳнаткашлари съездни социалистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида катта

<sup>1</sup> «Известия», 1926 йил 8 ноябрь.

муваффақиятлар билан кутиб олди. Файзулла Хўжаев мазкур съездда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Совети фаолияти ҳақида қилган докладида республика экономикаси ривожланаётганлиги ва аҳолининг маданий даражаси ўсганлигини кўрсатувчи маълумотларни келтирди. Масалан, 1926 йилда ялли пахта ҳосили 92 миллион пудга, ёки урушдан илгариги даражанинг 80 процентига, пахта майдонлари эса урушдан илгаригидан анча ортиқ — 506 минг десятинага етган эди.

Шундай қилиб, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари қишлоқ сари рўй-рост кириб борди. Деҳқонларнинг 62 проценти шеркат — ТОЗ шаклидаги бошланғич қишлоқ хўжалик артелларига бирлашдилар, уларнинг далаларида 950 та трактор ишлай бошлади.

1926 йилда саноатни тиклаш мақсадлари учун 8 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилди. Муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган Термиз — Душанбе темир йўли қурилишига анча катта маблағ сарфланди<sup>1</sup>.

1926 йилнинг иккинчи декабрида Тожикистон АССРининг Таъсис съезди очилди. Унда Файзулла Хўжаев ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР ҳукумати вакили сифатида иштирок этди, у съездда «Совет Иттифоқининг ички ва ташқи аҳволи ҳақида» доклад қилди. Файзулла Хўжаев съездда уч тилда — тожик, ўзбек ва рус тилларида доклад қилганлиги қизиқарлидир. Файзулла Хўжаев социалистик қурилиш соҳасида ёш совет республикаси олдида турган вазифалар ҳақида сўзларкан, маданий революция масалаларига алоҳида аҳамият берди. «Меҳнаткаш омманинг мустабид тузумдан қолган қора мероси — маданий қолоқликка қарши кескин кураш бошлаш керак — деган эди Файзулла Хўжаев ўз докладида. — Омманинг ёппасига саводсизлиги давлат тадбирларининг

---

<sup>1</sup> Ишчи, деҳқон ва қизил аскар Советларининг иккинчи съезди (стенографик ҳисобот). Тошкент — Самарқанд, 1927 йил.

самарали амалга ошириш йўлида кўндаланг бўлиб турган энг оғир тўсиқдир. Тожик халқининг янада муваффақиятларга эришувининг энг яхши гарови — маърифат, саводхонликдир»<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё совет республикаларида янги социалистик ҳаёт социализмнинг очиқ ва яширин душманлари билан тарихнинг ғолибона қадамини тўхтатиб қўйишга бутун кучлари билан интилаётган ёт унсурларга қарши кескин кураш вазиятида қурилмоқда эди. Миллатчи унсурлар ҳали қуролини ташламаган, хилма-хил кўринишдаги фракциялар, гуруҳлар компартиянинг ҳаракат бирлигини бузмоқда эди. Коммунистик партия синфий душман тегирмонига сув қуюётган буржуа миллатчилиги ва гуруҳвозликнинг барча ва ҳар қандай кўринишларига қарши аёвсиз кураш олиб борди.

Партия бирлигининг душманлари Ўзбекистон Компартияси II съезди арафасида айниқса дадил бош кўтардилар.

Республиканинг 18 нафар раҳбар ходими ўзларининг масъул лавозимларидан истеъфо берганликлари ҳақида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети номига коллектив ариза топширдилар. Улар ўз истеъфоларида ишлаш учун исрмал шароит йўқ деган баҳонани рўкач қилиб кўрсатдилар.

«18 лар гуруҳи»га Файзулла Хўжаев шахсан қўшилмаган, уларнинг коллектив аризасига имзо чекмаган. Бироқ бир қатор масалаларда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети раҳбарлиги билан, хусусан Марказий Комитет секретари Акмал Икромов билан баъзи масалаларда келиша олмаганлиги учун у амалда «18 лар гуруҳи»ни қўллаб-қувватлаган, бинобарин умумий иш учун зарарли гуруҳвозликка ўзи ҳам аралашиб қолган эди.

Ўзбекистон Компартиясининг II съезди «18 лар гуруҳи»ни қаттиқ қоралади ва партиянинг барча аъзоларини

<sup>1</sup> «Правда Востока», 1926 йил 30 ноябрь.

«гуруҳлар курашини (18 лар гуруҳи) ҳар қандай йўл билан жонлантириш майлларига қарши кескин курашиш ва унинг қолдиқларига охиригача барҳам беришга чақирди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг V пленумида (1927 йил март) Файзулла Хўжаев ўз хатосини тўла большевикча принципиаллик билан тан олди. У партия бирлигини бузадиган ҳар қандай гуруҳлар курашини қаттиқ қоралади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Компартиясининг III съездида (1927 йил ноябрь) сўзлаган нутқида Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий йўлини тўла қўллаб қувватлаганини билдириб шундай деган эди:

«Партия ишига, ишчилар синфи ишига хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир партия аъзоси каби мен учун ҳам бизнинг Бутуниттифоқ Коммунистик партиямиз ўтказаетган йўлдан бошқа йўл, бундан бошқа ҳақиқат, бундан бошқа истиқбол йўқ ва бўлиши мумкин эмас, бутун партия ва унинг олий органлари чизиб берган сиёсатдан бошқа сиёсат ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Партия ўртасида нифоқ ва низо уруғини сочишга интилаётган оппозициянинг демогогиядан иборат гапларига қарамасдан партия сафларининг жипслиги ва бирлиги мен учун олий қонундир. Шу сабабли айтмоқчиманки, мен бизнинг Марказий Комитетимиз коллектив раҳбарлиги остида ишлаб келдим ва бундан буён ҳам ишлайман»<sup>3</sup>.

Файзулла Хўжаев ўз иши давомида хатога ҳам йўл қўйган. Бироқ, айтиб ўтилганидек, у ўз-ўзини анализ қи-

<sup>1</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и постановлениях съездов. Т., изд-во «Узбекистан», 1968 йил, 74-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия архиви, 58-фонд, 1-рўйхат, 144-дело, 9-варақ.

<sup>3</sup> «Правда Востока», 1927 йил 25 ноябрь.



лиш, ўз-ўзини танқид қилиш, йўл қўйилган хатони фақат тан олиш билан кифояланиб қолмасдан, балки бу хатони келтириб чиқарган сабабни аниқлаш ва ўзининг кейинги амалий фаолиятида бу хатоларни йўқотиш каби фазилатларга эга эди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1929 йил 25 майда «Ўзбекистон партия ташкилоти иши ҳақида» қабул қилган қароридан ўша йиллари «миллий кадрларнинг раҳбар ядросини ёппасига қоралаш ҳоллари бўлганлиги, бу амалда соғлом маҳаллий раҳбар кадрларни обрўсизлаштиришга олиб келганлиги, бу билан турли иккиланувчи ва беқарор унсурлар (айниқса ўнглари) таъсири кучайиш хавфи туғилиши учун шароит яратилганлиги»<sup>1</sup> таъкидлаб ўтилган эди.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг биринчи секретари, Коммунистик партиянинг таниқли арбоби К. Я. Бауман Совет Ўзбекистонининг раҳбар ядросига қуйидагича баҳо бериб:

«Ўртоқ Икромов Марказий Комитетининг биринчи секретари, ўртоқ Хўжаев Халқ Комиссарлар Советининг раиси, ўртоқ Охунбобоев Марказий Ижроия Комитет раиси бўлган Ўзбекистонда социалистик Совет Ўзбекистонига раҳбарлик қилиш ишончли қўлларда»<sup>2</sup>,— деган эди.

Файзулла Хўжаев серғайрат, ишчан ва партиявий принципаал раҳбар сифатида ажралиб турарди. У Халқ Комиссарлар Советининг йиғилишларига бевосита ўзи раҳбарлик қилар, молия, маориф, соғлиқни сақлаш халқ комиссарликлари фаолияти билан муттасил шуғулланар, барча ходимлардан ишга жиддий муносабатда бўлишни, оперативлик кўрсатишни талаб қилар, ўзи давлат ва партия интизомига риоя қилишда ибрат кўрсатар эди. Файзулла Хўжаев давлатнинг олий ва юқори бошқарув органлари билан маҳаллий советлар ўртасида, уларнинг

<sup>1</sup> «Известия» ЦК ВКП(б), 1929 йил 14 июнь 16-сон.

<sup>2</sup> «Советская Киргизия» газетаси, 1934 йил 15 октябрь.



ижроия комитетлари, ишчилар, деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар ўртасида доимий ва мустақкам алоқа ўрнатилиши белгиланган планларни муваффақият билан амалга оширишнинг гарови деб билар эди.

Бюрократизм ва сансоларликнинг ҳар қандай кўри-нишларига, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига совуққонлик билан қарашга қарши аёвсиз кураш олиб бориш, омманинг овозига қулоқ сола билиш, уларнинг қонуний талабларини қондириш, дилкашлик, кишилар билан эллаша билиш — Файзулла Хўжаевнинг раҳбарлик услубини, янги типдаги раҳбарлик фазилатини кўрсатувчи характерли белгилар ана шундай.

Файзулла Хўжаев меҳнаткашлар билан мунтазам мулоқатда бўлиб турар, уларнинг эҳтиёж ва талабларини чуқур ҳис этар, жойлардан тушадиган сигналларга сезгирлик билан муносабатда бўлар, зарур бўлган жойда дарҳол тегишли ёрдамни кўрсатар эди.

1927 йилнинг 12 августида Наманган табиий офатга учради. Қаттиқ zilзила натижасида 8 мингга яқин бино вайрон бўлди, 20 минг наманганлик бошпанасиз қолди, мол-мулкдан айрилди. Табиий офатдан наманганликлар 2 миллион сўм чамаси зарар кўрди. Республика Халқ Комиссарлар Совети zilзиладан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун дарҳол махсус ҳукумат комиссияси тузди. Дори-дармон, озиқ-овқат, қурилиш материаллари биринчи навбатда Наманганга юборилди. Ўзбекистон Совет ҳукуматининг бошлиғи Файзулла Хўжаев республика аҳолисига матбуот орқали махсус хат билан мурожаат қилди.

Бизнинг қалбларимиз,— деб ёзган эди у,— шу кунларда кулфатда қолган биродарларимизга дарҳол жиддий ёрдам кўрсатиш, улар ўз бошларидан кечирган кулфатни тезроқ унутишларига кўмаклашиш, меҳнаткаш халқ бошига кулфат тушганда якка-ёлғиз қолмаслигини, яъни инқилобий Совет тартибларининг кучи, бирлашиш, қўлни-қўлга бериш, барча меҳнат аҳли иштиёқ би-

лан ўз яқинларига ёрдам кўрсатишдан иборатлигини эслатиб қўйишга чорламоқда<sup>1</sup>.

Файзулла Хўжаев шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари билан бевосита мулоқатда бўлишга алоҳида аҳамият берар эди. Файзулла Хўжаев пайшанба кунлари иш билан келган граждaнларини қабул қилар эди, тез-тез областларга чиқиб меҳнаткашлар олдида докладлар қилар, халқ билан бевосита учрашиб дўстона суҳбатлар ўтказар, республиканинг областлари ва районларида Халқ Комиссарлар Советининг сайёр мажлисини ўтказар эди.

Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш бевосита унинг иштирокида амалга оширилди, у Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон қишлоқларида, далалари ва заводларида тез-тез бўлиб турарди.

Файзулла Хўжаев СССР Советлари Марказий Ижроия Комитети олти раисидан бири сифатида ҳар йили икки ой Москвада ишлар, Совет ҳукумати бошлиғи вазифасини бажарар эди. У СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми ва сессиялари мажлисларига бир неча марта раислик қилган<sup>2</sup>.

Файзулла Хўжаев республиканинг бошқа партия, совет раҳбарлари каби Советлар мамлакатининг бошқа халқлари, иттифоқ ҳукумати, ВКП(б) Марказий Комитети Ўзбекистонга кўрсатган беғараз дўстона ёрдамни юксак қадрлар эди. Ана шу ёрдамсиз ёш миллий республиканинг халқ хўжалигини, маданиятини ривожлантиришда катта ютуқларга эришиб бўлмаслигини тушунар эди.

Совет Иттифоқининг барча халқлари кўрсатган ёрдам Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тарихан қисқа муддатда тугатиш соҳасида қандай аҳамиятга эга бўлганлигини Файзулла Хўжаев кўпдан кўп

<sup>1</sup> «Правда Востока», 1927 йил 25 август.

<sup>2</sup> МЛИ МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 3547- дело, 1- варақ.

нутқлари ва мақолалари орқали ёрқин ва ишонarli тарзда кўрсатиб берган.

Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланган капитал маблағнинг планли тарзда анча ошириб борилганлигидан далолат берувчи баъзи бир рақамлар билан танишайлик: қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 1926 йилда 83 миллион сўм ажратилган бўлса, 1928 йили бу мақсад учун 125 миллион сўм маблағ сарфланган. Бу маблағнинг анча қисми иттифоқ бюджетидан ажратилган. Шу икки йил давомида Россиянинг Марказий районларидан Ўзбекистонга 450 трактор, 5 мингга яқин плуг, 15 минг борона, 8 минг сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари келтирилди.

Бу даврда саноатни ривожлантиришга мўлжалланган капитал маблағ икки марта кўпайди. Биргина Чирчиқдаги электрохимия гигантини лойиҳалаш-қидирув ишларининг ўзига 1929 йили мамлакат бюджетида 63 миллион сўм маблағ берилди. Шу вақт ичида халқ маорифи ва соғлиқни сақлашга сарфланган маблағ 4 марта кўпайди ва 50 миллион сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1928 — 1932 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик планига кўра беш йилликда қарийб 1,5 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилди. Шундан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, саноатни тараққий эттиришга 400 миллион сўмдан, социал-маданий тартибларга қарийб 400 миллион сўм сарфлаш мўлжалланди.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданиятининг барча соҳаларини ривожлантиришга ўша давр учун бу қадар катта миқдорда маблағ ажратилиши қардош халқларнинг инсоният тарихида биринчи марта янги типдаги бирлашган давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига ихтиёрий равишда қўшилганликлари сабаблигина мумкин бўлди.

Совет ҳокимиятининг турли кўринишдаги душманлари — оқгвардиячилар, оқ муҳожирлар, ашаддий буржуа



миллатчилари, контрреволюцион «Қўқон мухторияти»нинг собиқ бошлиғи Мустафо Чўқаев, пантуркизмнинг «ғоявий отаси» Заки Валидов ва шунга ўхшаганлар Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини қоралаш учун «Қизил империализм» ва ҳоказолар деб айюҳаннос солиб оғиз кўпиртирдилар.

Файзулла Хўжаевнинг 1928 йил декабрда СССР Марказий ижроия комитетининг IV сессиясида республика ҳукуматининг фаолияти ҳақида қилган докладида Шарқ халқлари тақдирига гўё қайғурган бўлиб мунофиқона кўз ёши тўкаётган ифвогарларга муносиб жавоб берди. «Бизнинг революцион тажрибамизга асосланиб айтиш мумкинки,— деган эди у,— илгари эзилган миллатлар бундай ютуқларга фақат бизнинг Советлар иттифоқи сингари мамлакатдагина эришишлари мумкин. Бу мамлакатда ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар барча миллатлар ҳукмрондир, чунки бу ерда барча меҳнаткаш ягона оиланинг фарзандларидирлар.

Мен аминманки, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг меҳнаткаш оиласида Ўзбекистон меҳнаткашлари янги, янада катта ютуқларни қўлга киритадилар, Ўзбекистон Советлар Иттифоқининг узоқ чегарасида ибрат бўларли намунавий республикалардан бирига айланади ва империализмга қарши курашаётган, бироқ ҳали зулм исканжасидан қутулолмаган Шарқ халқларига маънавий таъсир кўрсатади»<sup>1</sup>.

Сессияда кўп миллатли Совет давлати составидаги суверен республика — Ўзбекистон ССРда социалистик қурилишнинг тўрт йиллик натижаларига яқун ясалди.

СССР Марказий Ижроия Комитети сессияси Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети Раисининг доклади бўйича қабул қилган қарорида Ўзбекистон халқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш, меҳнаткашларнинг маданий даражасини ўстириш, миллий ма-

салани ҳал қилиш ва Совет давлат аппаратини мустақамлаш соҳасида анча ютуқларга эришилганлигини қайд қилиш билан бирга, республика ҳукуматининг хотин-қизларни озод қилиш, феодал ўтмиш сарқитларини тугатиш (паранжи, қалин, кўп хотинлик, қизларни балбатга етмасдан эрга бериш ва бошқалар), хотин-қизларни хўжалик, маданий қурилишга жалб қилишга қаратилган тадбирларига юксак баҳо берди. Шу билан бирга, республика ҳукумати фаолиятида камчиликлар ҳам борлиги кўрсатиб ўтилди. Энг аввало перспектив планлаштириш, маҳаллий, айниқса ҳунармандчилик саноатига раҳбарлик қилиш соҳасидаги камчиликлар билан бир қаторда, саноат қурилиши суръатларининг орқада қолаётганлиги, республиканинг саноат районларида турар жой танглиги сезилаётганлиги, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш учун етарли иш қилинмаётганлигига республика раҳбарларининг эътибори жалб қилинди.

СССР Марказий Ижроия Комитетининг IV сессияси республика ҳукумати олдида халқ хўжалигини, маданиятини янада ривожлантириш соҳасида янги вазифаларни қўяр экан, меҳнаткашларни Ўзбекистонни социалистик негизда қайта қуришда актив қатнашишга чақирди. Сессиянинг қарори республиканинг совет, план, хўжалик ва бошқа органлари ишидаги нуқсонларни бартараф қилиш йўлида жанговар программа бўлди ва республиканинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукуматининг жўшқин куч-ғайрати янги вазифаларни ҳал қилишга қаратилди.

Кейинроқ Файзулла Хўжаев шундай деб ёзган эди: «Бизнинг қилган ишларимиз ҳали мамлакатимизнинг ва меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас, бироқ биз ишонч билан шунни айта оламизки, бошқа ҳеч бир партия, бошқа ҳеч битта ҳокимият бизнинг шароитимизда биз қилгандан ортиқ иш қила олмаган бўлур эди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. «Народное хозяйство Узбекистана», Т., Уздавнашр., 1929 йил, 96-бет.

<sup>1</sup> СССР ОРМДА, 3316- фонд, 21- рўйхат, 121- дело, 21- варақ.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг 1929 йил 14 февралда очилган V пленумида Файзулла Хўжаев «ЎзССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани» тўғрисида доклад қилди. Мазкур планда республикада индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик тарзда қайта қуриш суръатларини ошириш кўзда тутилган эди<sup>1</sup>.

1929 йил февралда Ўзбекистон Советларининг III съезди бўлди. Съездда республика ҳукуматининг фаолиятига юксак баҳо берилди. Файзулла Хўжаев доклади юзасидан съезд қабул қилган қарорда «ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини қайта қуриш ва мамлакатни индустрлаштиришга қаратилган сиёсий йўли тўғри ва амалий фаолияти асосан қониқарли топилсин» деб кўрсатилди<sup>2</sup>.

1929 йилнинг 18 июлида ВКП(б) Марказий Комитети «Бош пахтачилик комитети иши тўғрисида»<sup>3</sup> қарор қабул қилди. Мазкур қарорни ишлаб чиқишда Файзулла Хўжаев актив иштирок этди. Бу қарорда Совет Иттифоқининг пахта мустақиллигини таъминлаш вазифаси илгари сурилди. Қези келганда шуни айтиш керакки, 1928 йилда мамлакат қишлоқ хўжалиги тўқимачилик саноати эҳтиёжини фақат 62 процент қондира олар эди, холос. Қолган қисми эса маблағ сарфлаб четдан харид қилинар эди. Ҳолбуки, ана шу маблағ четга чиқмаса, индустрлаштиришга ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланиши мумкин эди.

ВКП (б) Марказий Комитетининг қароридан ана шу ҳисобга олиниб, Урта Осиё республикаларида асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди ва 1932 йилда ялпи пахта ҳосилини 800 минг тоннага етказиш вазифа қилиб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия архиви, 58-фонд, 5-рўйхат, 36-дело, 65-варақ.

<sup>2</sup> «Правда Востока», 1929 йил, 23 апрель

<sup>3</sup> «Известия ЦК ВКП(б)», 1929 йил 25 август 23—24-сон.



қўйилди. Мазкур пахтанинг 70 процентини Ўзбекистон етиштириши керак эди.

СССРнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистон ССРда пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати тадбирлар ишлаб чиқди ва уни ВКП (б) Марказий Комитети сиёсий бюроси маъқуллади. Ўзбекистон колхозларининг моддий аҳволини яхишилаш мақсадида иттифоқ ҳукумати 100 миллион сўм ажратди ва ҳар пуд пахтанинг харид нархини 25 тийинга оширди, техника экинлари ўстирувчи колхозларга берилган имтиёзлар Ўзбекистоннинг пахтачилик колхозлари учун ҳам жорий қилинди<sup>1</sup>.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги деҳқонларни мисли кўрилмаган даражада руҳлантириб юборди. Қеласи йилиёқ Ўзбекистонда пахта етиштириш 50 миллион пуд ёки 16 миллион пуд тола миқдорига ўсди.

Уша йиллари республика ҳукуматининг бутун фаолияти Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини муваффақият билан бажаришга қаратилди. Бу планининг бажарилиши республика ҳаётини социалистик негизда қайта қуриш, аграр республикани Совет Шарқидаги илғор индустриал республикага айлантиришда муҳим роль ўйнади.

Баъзи бир рақамлар билан танишайлик. Биринчи беш йилликда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришга 276 миллион сўм сарфланди, 1932 йили саноат ялпи маҳсулоти 1928 йилга нисбатан 3 баравар ўсди ва республика халқ хўжалиги жами маҳсулотининг қарийб 58 процентини ташкил қилди. Ишчилар сафи беш йиллик давомида революциядан илгаригига қараганда 6 марта ўсди ва 66 минг кишини ташкил қилди; буларнинг ярми-

---

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 558- фонд, 1- рўйхат, 4946- дело, 18- варақ.

дан кўпроғини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этди. Шундай қилиб, ёш Урта Осиё республикаларида ишчилар синфи ўсиб улгайиб борди.

#### ПАХТА УЧУН КУРАШ

Ўзбекистонда социализм галабаси учун кураш доимо катта ва мураккаб масалаларни кўндаланг қилиб қўяр ва уларни тезлик билан ҳал қилишни талаб қилар эди.

Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, ирригация тармоқлари қурилишини тезлаштириш, республикани электрлаштириш, йирик саноат ўчоқларини барпо қилиш, савдо соҳасида кооператив ва давлат секторининг етакчи ролини таъминлаш, ўртаҳол деҳқонни совет ҳокимияти томонига тўла оғдириб олишга олиб келадиган тўғри солиқ сиёсати юргизиш бутун халқ хўжалигини, айниқса босмачилардан зарар кўрган тармоқларни тиклаш, хусусан Сурхондарё ва Қашқадарё областларида қорақўлчиликни юксалтириш ана шундай вазифалардан эди.

Жуда қийин, лекин сиёсий ва халқ хўжалиги нуқтаназаридан ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ер-сув ислоҳотини давом эттириш керак эди. Бундан ташқари экинш кампанияси ва ҳосил йиғим-теримини энг қулай фурсатларда уюшқоқлик билан ўтказиш, якка хўжаликлар билан контрактация шартномалари тузиш, уларга пул кредитлари, навли уруғлар, улов ва деҳқончилик асбоблари бериш йўли билан ёрдам кўрсатиш асосида пахта ва ғалла тайёрлаш, гўшт, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш планини ўз вақтида бажариш ҳақида жонбозлик кўрсатиш керак эди.

Пахта учун кураш миқёси тобора кенгая борди. Ривожланиб бораётган саноатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини янги йилдан-йилга ортмоқда эди. Бундан ташқари, илгари айтиб ўтилганидек, Совет Иттифоқининг пахта мустақиллигини таъминлаш керак эди,

Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан партия ва ҳукумат директиваларини жадал амалга ошириш учун республика ҳукумати «1930 йилда Ўзбекистон ССР сув хўжалик ишлари плани ва пахтачиликни маблағ билан таъминлаш ҳамда Мирзачўлда пахтачилик совхозлари тузиш тўғрисида» тadbирлар ишлаб чиқди ва уни иттифоқ ҳукумати 1929 йилнинг ноябрь ойида тасдиқлади. Пахта етиштириш плани 1930 йил учун ўтган йилларда эришилганидан ошиқроқ қилиб белгиланди. Ўзбекистонда пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш партиянинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш соҳасидаги бош йўли амалга оширилишига бевосита боғлиқ эди.

ВКП(б) Марказий Комитети ўзининг «Коллективлаштириш суръатлари ва давлатнинг колхоз қурилишига ёрдам чоралари» ҳақида 1930 йилнинг январь ойида қабул қилган тарихий қарорида маҳаллий шароит, энг аввало деҳқон аҳолининг қишлоқда ўтказилаётган бу улкан революцион ўзгаришга маънавий жиҳатдан қай даражада тайёрланганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонни учинчи группа районлар қаторига киритди. Шунга кўра республикада коллективлаштиришни тугаллаш муддати биринчи беш йилликнинг охирига белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги масалалари, биринчи навбатда унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик ҳукумат бошлиғи, ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети қошидаги экинш кампанияси марказий комиссияси ва «ғалла учлиғи»нинг раиси бўлган Файзулла Хўжаевнинг доимий диққат марказида турарди. У Фарғона, Андижон, Зарафшон ва Сурхондарё областларига тез-тез борар ва фақат пахтачилик районларида эмас, балки чорвачилик ва ғаллачилик районларида ҳам колхоз, совхоз ташкил қилишга раҳбарлик қилар эди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун кураш давомида республиканинг баъзи районлари ва област-

ларида колхоз ҳаракатининг асосий принциплари — яққа деҳқон хўжаликларни ихтиёрий равишда колхозга қабул қилиш, ер ва ишлаб чиқариш воситаларинигина умумлаштириш принципи бузилишига йўл қўйилди. Партиянинг бош йўлини бундай бузиш ҳоллари Фарғона облас-тининг Чуст, Поп ва Риштон районларида юз берган эди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети қарорига биноан 1930 йилнинг февраль ойида бу ерга Файзулла Хўжаев бошчилигида махсус комиссия юборилди. Файзулла Хўжаев аҳволни жойларнинг ўзида чуқур ўрганиб қилган доклади асосида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети «коллективлаштириш ва қулоқларга қарши кураш ҳақи-да» қарор қабул қилди. Қарорда коллективлаштириш жараёнида йўл қўйилган қўпол хатоларга олиб келган сабаблар таҳлил қилиниб, хатоларни тузатиш ва бу му-ҳим сиёсий кампанияни муваффақият билан якунлаш тадбирлари белгилаб берилди.

1930 йилнинг апрель ойи ўрталарида Файзулла Хўжаев ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюроси-нинг ижроия комиссияси мажлисида қатнашди. Унда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг секретари А. Икромовнинг «Елпасига коллективлаштиришни ўтказиш ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлаш-тириш ҳаракатида партия йўлини бузишга қарши 1930 йилнинг 15 мартида қабул қилган қарорини бажариш тадбирлари тўғрисида»ги доклади муҳокама қилинди<sup>1</sup>. 27 апрелда эса Файзулла Хўжаев Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг пленумида нутқ сўзлади ва рес-публикада қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни амалга ошириш йўлидаги ютуқлар ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб берди.

Қулоқлар ва реакцион руҳонийлар эса яширин ра-вишда бошқа томондан зарба беришга киришди: «Кол-хозлар қўлига ўтиб кетмаслиги учун» чорва ҳайвонлари-

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 3182- дело, 66—74- варақлар.



ни аёвсиз равишда сўйиш, йўқотиш ҳақида қутириб ташвиқот бошлаб юбордилар. Нағижада республика чорвачилиги сезиларли даражада зарар кўрди.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети 1931 йилнинг июль ойида «Чорвани аёвсиз сўйишга қарши курашнинг дастлабки якуинлари ва совхоз қурилиши соҳасида эришилган дастлабки натижалар» ҳақидаги масалани махсус муҳокома қилди. Бу масала юзасидан Файзулла Хўжаев доклад қилди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлар Совети қишлоқ аҳолиси ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш ва қулоқларга қарши курашни кучайтириш билан бирга, чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида Конимех районида янги чорвачилик совхозлари тузиш, республикада жами қоракўл қўйлар сонини 660 минг, қўйруқли қўйларни 900 минг бошга, совхозлар сектори бўйича қорамолларни 65 минг бошга етказиш зарур деб топди.

Шу билан бирга, республика компартияси Марказий Комитети Ўзбекистонда колхоз тузуми ғалаба қилганлигини ҳам қайд қилди. 1931 йилнинг июлида якка хўжалик деҳқонларнинг 62 проценти колхозга аъзо бўлиб кирди. Мавжуд пахта майдонларининг деярли 70 проценти жамоат хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Қўлга киритилган дастлабки қувончли натижалар ўзбек қишлоғини социалистик тарзда қайта қуришда янги ютуқлар учун йўл очиб берди. Бу йўл коллектив хўжаликларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустақамлашдан иборат эди. ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг 1932 йил январь ойида бўлган пленумида «1932 йилда пахта тайёрлаш сабоқлари» ҳақида ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг V пленумида (1932 йил май) «Пахта ҳосилдорлигини кўтариш учун курашнинг бориши»<sup>1</sup> ҳақида қилган докладида Файзулла Хўжаев мавжуд қийинчиликлар ва янги тузил-

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 3792- дело, 2—11- варақлар.



ган колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан тезроқ мустаҳкамлаш чоралари ҳақида сўзлади.

Биринчи беш йиллик йилларида республикада 9734 колхоз ташкил қилинди; улар 800 минг деҳқон хўжалигини ёки жами деҳқон хўжалиklarининг 75 процентини бирлаштирди. Пахта майдонлари тўрт йилда деярли икки марта кўпайиб 928 минг гектарга етди. 1932 йили мамлакатга 750 минг тонна, 1933 йили 800 минг тоннадан зиёд Ўзбекистон пахтаси етказиб берилди. Ўзбекистон илгор колхозларининг 1923 йил сентябрь ойида бўлган биринчи съездида ана шу ютуқлар қайд қилиб ўтилди. Съездда «Ҳосилдорликни янада ошириш вазифалари ва кузги тадбирлар» ҳақида республика Халқ Комиссарлар Советининг раиси Файзулла Хўжаев доклади эшитилди. Унинг мазкур доклади, «Мўл пахта ҳосили учун ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш» (Тошкент, 1933 йил) номли китобчаси кўп нусхада нашр этилиб республиканинг барча колхозлар ва совхозларига тарқатилди. Шунинг айтиш керакки, бу тадбирлар республикада колхоз тузумини мустаҳкамлашда шубҳасиз ижобий роль ўйнади.

### **БЕШ ЙИЛЛИК ФРОНТЛАРИДА**

Файзулла Хўжаев республиканинг ҳукумат бошлиғи сифатида Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1928—1932 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини тузиш комитети ишига бевосита раҳбарлик қилди. У Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети пленумлари ва Марказий Ижроия Комитети сессияларида қилган докладлари, сўзлаган нутқлари орқали хўжалик планларининг бажарилиши, республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси йилги контроль рақамларидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий Ижроия Комитетининг мунгазам хабардор қилиб турди.

Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани 1929 йил 14 февралда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг V пленуми томонидан маъқулланди<sup>1</sup> ва республика Советларининг III съезди (1929 йил 30 апрель — 10 май) томонидан уzil-кесил тасдиқланди. Съездда асосий масала юзасидан Файзулла Хўжаев доклад қилди.

Советларнинг Бутуниттифоқ V съезди (1929 йил 20—28 май) да СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани муҳокама қилинаётган вақтда Файзулла Хўжаев ёрқин нутқ сўзлайди ва Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари тақозо қилган бир қатор масалаларни ўртага ташлайди. Чунинчи, у Тошкентда қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, тўқимачилик комбинати, Фарғонада шойи комбинати, Чирчиқда азотли ўғитлар заводи қуриш, Тошкент, Бухоро ва Марғилон каби қадимий шаҳарларни қайта қуриш ва электрлаштириш учун қўшимча маблағ ажратилиш зарурлиги ҳақида гапирди.

1930 йили Файзулла Хўжаев Бухорода саноатни ривожлантириш планини ишлаб чиқди ва у Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети томонидан маъқулланиб Иттифоқ ҳукумати тасдиғига тақдим этилди. Бу планда шойи тўқиш, тикувчилик, пайпоқ-трикотаж фабрикалари қуриш, ипак, бахмал ва бадний кашта ва ҳоказолар бўйича ҳунармандчилик артеллари ташкил қилиш кўзда тутилган эди. Файзулла Хўжаев республика саноатини ривожлантириш билан нақадар кенг кўламда шуғулланганлигини қуйидаги фактлардан ҳам билса бўлади: 1931 йил 1 апрелда у Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети бюросига «Капитал қурилишнинг умумий ҳажми ва қурилиш объектларини материал билан таъминлаш» ҳақи-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия архиви, 59- фонд, 5- рўйхат, 36- дело, 65- варақ.

да ўша йилнинг 11 апрелида «Бўзсув ГЭСининг биринчи навбати қурилишининг бориши» тўғрисида доклад қилди. 1931 йил 16 декабрда телеграф орқали Москвадан иттифоқ ҳукумати Фарғонада 40 минг урчуқли шойн тўқиш фабрикаси, Тошкентда тўқимачилик саноатининг гиганти — Тошкент тўқимачилик комбинатини қуриш ҳақида қарор қабул қилганлигини хабар қилади. 1931 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети Файзулла Хўжаев зиммасига Чирчиқ азотли ўғит заводи қурилиши бўйича давлат комиссияси раиси вазифасини юклайди. Иккинчи йил ўтгач у СССР Меҳнат ва Мудофаа Совети (СТО) мажлисида Чирчиқ химия комбинати қурилиши муваффақият билан олиб борилаётгани ҳақида доклад қилди.

Биринчи беш йиллик план муваффақият билан бажарилиши натижасида Ўзбекистонда социализмнинг иқтисодий негизи яратилди. Халқ маорифи ва маданият соҳасида ҳам кўп ишлар қилинди. Биргина 1932 йили халқ маорифи эҳтиёжлари учун 202,5 миллион сўм маблар сарфланди, мактаб ёшидаги болаларнинг 92 проценти ўқишга жалб қилинди. Аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш соҳасида катта ишлар қилинди. Масалан, 1933 йили аҳолининг 60 процентдан зиёдроғи саводсизлар рўйхатидан ўчирилди. Республиканинг бюджети 10 йил ичида 17 марта кўпайди ва 1934 йили 521 миллион сўмга етди.

Шундай қилиб, партия ва ҳукуматнинг куч-ғайраги энди феодал ўтмишнинг шаҳар билан қишлоқдаги сўнги асоратини тугатиш, социалистик қайта қуриш суръатларини кучайтиришга қаратилди.

Социализм голибона қадам ташлаётган шароитда халқ хўжалигини планлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади. Файзулла Хўжаев ташаббусига кўра Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети СССР Фанлар Академияси билан биргаликда Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ўрганишга



бағишланган конференцияни ташкил қилди. Ана шу мавзуга бағишланган бу биринчи конференция 1932 йилининг 19—28 декабрида Ленинград шаҳрида ўтказилди.

Конференцияда таниқли совет олимлари А. П. Карпинский, Г. М. Кржижановский, В. Л. Комаров, Н. И. Вавилов, В. П. Волгин, И. М. Губкин, А. Е. Фереманлар билан бир қаторда икки мингдан ортиқ ленинградлик ишлаб чиқариш илгорлари ҳам иштирок қилди.

Конференциянинг ялпи мажлисида Файзулла Хўжаев «Ўзбекистонда биринчи беш йиллик якуналари ва социалистик қурилиш соҳасидаги асосий вазифалар»<sup>1</sup> тўғрисида доклад қилди. Конференция ишлаб чиққан тавеиялар республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1933—1937 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини тузишда асос қилиб олинди. Иккинчи беш йилликда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини батамом тугатиш ва уни Совет Иттифоқининг илгор индустриал аграр республикасига айлантириш кўзда тутилган эди.

ВКП(б) XVII съездида сўзлаган нутқида Файзулла Хўжаев Ўзбекистонда саноат тараққиёти соҳасида эришилган ғоят катта ютуқларни кўрсатиб берди. Республикада саноатнинг асосий фондлари тўрт йил (1928—1932 йиллар) мобайнида деярли 4 марта кўнайиб, 276 миллион сўмга етди, саноатнинг ялпи маҳсулоти 3 марта ўсди ва қиймати 627 миллион сўмга, ишчилар сонини 66 минг кишига етди. Файзулла Хўжаев съезднинг юксак мишбаридан туриб республикани индустриалаш билан боғлиқ туб проблемалар, хусусан, Тошкент, Фарғона ва Зарафшон иқтисодий районларининг энергетика базасини мустаҳкамлаш, Чирчиқ электрохимия комбинати, Қувасой, Бўрижар ГЭСи, Бухоро электроцентрали ва ҳоказолар қурилишини ниҳоясига етказиш ҳақида сўзлади.

<sup>1</sup> Труды и материалы первой конференции по изучению производительных сил Узбекистана, 19—28 декабря 1932, г. Т. I, «Доклады правительству Узбекистана и резолюция конференции», Ленинград СССР ФА нашриёти, 1934 йил.



Унинг таклифи Иттифоқ ҳукумати томонидан қизғин маъқулланди ва у 1934 йилда зарбдор сапоат ва ирригация объектларини ниҳоясига етказиш учун республика бюджетига қўшимча равишда 100 миллион сўм ажратиб берди.

«Биз, Ўзбекистоннинг коммунистлари, ишчи ва колхозчилари,— деган эди Файзулла Хўжаев 1934 йилнинг 5 февралда ВКП(б) XVII съезди минбарида туриб,— партиянинг барча директиваларини, социалистик қурилишнинг ана шу гоят катта программасини амалда бажариш учун, Совет Иттифоқида синфсиз социалистик жамият қуриш учун ва Ўзбекистонни шарқдаги чинакам намунали республикага айлантириш учун барча куч-гайратимизни сарфлаймиз»<sup>1</sup>.

Файзулла Хўжаев узоқни кўра биладиган, кенг фикрли буюк давлат арбоби бўлиб, Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг перспектив проблемалари билан мунтазам қизиқар эди. У республика бўйлаб қилган сафари, олимлар ва колхозчилар, ишчилар ва инженерлар билан бўлган учрашувлари вақтида жойлардаги ишнинг аҳволини яхшироқ билиб олиш, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини чуқурроқ англаб олишга интилар эди. Сўнгра кўрган-билганларни, эшитган маслаҳатларини умумлаштириб, давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни муҳокамага қўяр эди.

1933 йилнинг декабрида Файзулла Хўжаев Урганчга келади ва у ерда партия, совет активлари, мутахассислар, ишчи, деҳқонлар билан учрашади. Шу учрашувдан кейин Амударё қуйи оқимидаги ерларни суғориш йўли билан Хоразм области табиий ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш, шунингдек 400 километр узунликдаги Чоржуй — Янги Урганч темир йўлини қуриш ҳақида Иттифоқ ҳукуматига таклиф киритилади. Чунки

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Речь на XVII съезде ВКП(б) «Узбекистана социалистическом подъеме». В книге «XVII съезд ВКП(б)», 26 января — 10 февраля 1934 г. Стенографический отчет, М., Полигиздат, 1934 г.

бу темир йўл узоқ областнинг хўжалик ҳаётини Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари билан боғлаган бўлур эди.

Мазкур темир йўл қурилишига Файзулла Хўжаев гоят катта аҳамият бериб, шундай деб ёзган эди: «Илгари Хива хонлиги бўлган Хоразм Шарқнинг энг қолоқ ва энг кўп эксплуатация қилинган қисми эди. Шу сабабли Совет ҳокимияти душманлари социалистик ўзгартишларга қарши фойдаланиб келаётган уруғ-аймоқчилик ва диний алоқалар Жанубий Тожикистондаги каби Хоразмда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа районларига нисбатан анча узоқроқча сақланиб қолган. Хоразм экономикасини иккинчи беш йиллик планида кўзда тутилган кўламда ривожлантириш, шунинг сингари, Совет ҳокимиятининг Хоразмнинг ўзида мактаб, касалхона, кутубхона ва ҳоким-золарда ўз ифодасини топган маданий ютуқлари Ўрта Шарқда бошқа йирик тадбирлардан кўра беқиёс катта ибрат кучига эга бўлади. Ана шуларнинг барчаси учун Чоржўй — Янги Урганч темир йўли ҳал қилувчи аҳамиятга эга»<sup>1</sup>.

Хоразм иқтисодий райони бой ресурсларини ўзлаштириш масаласи ВКП(б) XVII съездида ҳам муҳокама қилинди.

«Хоразм воҳасини чинакамига ўзлаштириш учун, — деган эди Файзулла Хўжаев, — унда пахтачилик, чорвачилик ва ем-хашак етиштиришни ривожлантириш учун, бу районни бизнинг ўсиш суръатларимиз билан тенглаштириб олиш учун мен иккинчи беш йилликда 400 километр узунликдаги Чоржўй — Хоразм темир йўлини қуриш зарур деб ҳисоблайман»<sup>2</sup>. Бундан ташқари Файзулла Хўжаев Хоразм темир йўли қурилишини кутмасдан Чоржўйдан Хоразмгача автомобиль қатновини йўлга қўйиш орқали ғалла, кунжара ва пахта мойи ташиш учун шароит

<sup>1</sup> МЛН МПА, 62- фонд, 1- рўйхат, 3906- дело, 4- варақ.

<sup>2</sup> «Правда Востока», 1934 йил 10 февраль.

яратишни таклиф қилади. Ниҳоят, Хоразмда ирригация ишлари ўтказиш, каналларни инженерлик системаси асосида қайта қуриш, сугориш тармоқларини тозалаш ишларини механизациялаштириш масаласи ўртага ташилади.

...Йиллар ўтди. Мана энди Файзулла Хўжаев қуриш кераклиги ҳақида шу қадар жон куйдирган темир йўлдан поездлар турна қатор бўлиб ўтиб турибди.

### ХАЛҚ УЧУН, КЕЛАЖАК УЧУН

Файзулла Хўжаев миллий республикалардаги раҳбар кадрлар ичида энг тажрибали давлат арбобларидан эди. СССР ҳукумати халқ хўжалиги ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ижобий тажрибани бутуниттифоққа ёйиш мақсадида Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Советининг ҳисоботини эшитар эди. Масалан, СССР Халқ Комиссарлар Совети Меҳнат ва Мудофаа комитети Файзулла Хўжаевнинг ҳисоботи бўйича «Ўзбекистон ҳукуматининг халқ хўжалиги ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолияти» ҳақида 1928 йилнинг 8 майида қабул қилган қарорида республиканинг бутун халқ хўжалигини тиклаш ва муштарак юксалтириш, халқнинг моддий аҳволини яхшилаш, унинг маданий-маиший ҳамда социал эҳтиёжларини қондириш соҳасида эришилган ютуқлар алоҳида таъкидлаб ўтилган эди<sup>1</sup>.

Файзулла Хўжаев ҳамиша келажакни кўзлаб ишлаш, республиканинг фақат кечаги, бугунги кунини эмас, балки узоқ келажакни ҳам кўриши билан ажралиб турар эди. Республика раҳбарларининг пухта, яхши ўйланган, атрофлича муҳокама қилинган таклифларини Иттифоқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия архиви, 58-фонд, 3-руйхат, 383-дело, 4—7-варақлар.



ҳукумати қўллаб-қувватламаган ҳол бўлган эмас. Чирчиқ гидроэлектр станцияси ва азотли ўғитлар заводини қуриш ҳақидаги қарори худди ана шундай қабул қилинган эди. Ҳозир Чирчиқ электрохимия комбинатининг довуғи мамлакатдан четда ҳам маълум ва машҳурдир.

Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида доп хўжалигини ривожлантириш ҳақидаги қарор ҳам худди ана шундай қабул қилинган ва бу мақсад учун зарур маблағ ажратилган эди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг VI съезди (1934 йил 10—17 январь) республика меҳнаткашларининг социалистик ғалабаси учун қаҳрамонона кураши йилномасида алоҳида ўрин тутади. Съезд Ўзбекистонда социалистик индустриалаш ва колхоз қурилишига яқин ясади. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг VI съездида Файзулла Хўжаев «Ўзбекистонда ғалла хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари ҳақида» батафсил доклад қилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва республика Халқ Комиссарлар Совети топшириғига мувофиқ Файзулла Хўжаев съездда ҳозир бўлган афсонавий саркарда Миркомил Миршаропов бошлиқ граждандар уруши қаҳрамонларини табриклади ва жангчиларни жанговар тайёргарликни кучайтириш, янги техникани ўзлаштириш ва пухта ўрганиш, сиёсий ва ҳарбий машғулотларни кучайтиришга чақирди «...Фақат шундай қилганимизда, биз ҳаммамиз ишга киришганимизда, партиямиз қарорларини амалга оширишга яна каттароқ куч-ғайрат билан киришганимизда, бутун мамлакат сизларнинг жанговар ўқувингизни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаб сизларга ёрдам берганимизда, фақат ана шундагина биз мамлакатимизнинг капиталистик мамлакатлардан муста-

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. «Пути развития зернового и животноводческого хозяйства». Тошкент, Ўздавнашр, 1934 й.



қиллигини чинакамига таъминлаган бўламиз, иккинчи беш йиллик планларини голибона амалга оширилишини таъминлаган бўламиз, Коммунистик партиянинг бутун дунё миқёсида ғалаба қилишини таъминлаган бўламиз»<sup>1</sup>.

СССР Советларининг VII съездида (1935 йил 28 январь—6 февраль) Файзулла Хўжаев республика компартияси ва ҳукуматининг топшириғига биноан республиканинг индустриал ривожланиши учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган муҳим проблемалар ҳақида гапирди. Олмалиқ мис конини ўзлаштириш, Ҳаводог нефть кони қурилиши ва бошқалар ана шу проблемалар жумласидандир. Советларнинг умумиттифоқ VII съездида Шарқдаги йирик саноат ва маданият марказларидан бири бўлган Тошкент шаҳрини янгитдан реконструкция қилиш масаласи ҳам қўйилди. Бунда Тошкентни реконструкция қилиш вақтида турар-жой-коммунал қурилиши суръатига зўр бериш, шаҳарнинг ички транспорт қатновини яхшилаш, водопровод, канализация қуриш, энергия хўжалигини мустаҳкамлаш, йўл қурилиши ва ҳоказолар биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилган эди.

1934 йилнинг октябрь ойи охирларида Ўзбекистонга ВКП (б) Марказий Комитетининг В. В. Куйбишев бошлиқ комиссияси келди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг комиссияси коммунистлар ва кўп сонли партиясиз активларга суяниб колхозлар раҳбарлигига чиқиб олган душман элементларга қарши аёвсиз кураш олиб борди.

1934 йилнинг 5 ноябрида В. В. Куйбишев иштирокида Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда республикада пахта тайёрлаш плани бажарилмаслик сабаблари чуқур таҳлил қилинди ва пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Мазкур мажлисда Файзулла Хўжаев сўзга чиқиб Ўзбекистоннинг

---

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 17- фонд, 27- рўйхат, 54- дело, 137—139- варақлар.

коммунистлари ва барча меҳнаткашлари келаси 1935 йилда пахта тайёрлаш планини ошириб бажариш учун барча куч-ғайратларини сарфлайдилар, иттифоқдаги тўқимачилик саноатини хом ашё билан таъминлаш, уларнинг тўхтовсиз ишлаши учун қўлларидан келган барча чораларни кўрадилар, деб ВКП (б) Марказий Комитетини ишонтирди<sup>1</sup>.

1935 йилнинг январь ойида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг пленуми бўлди, унда 1934 йилда пахта тайёрлашнинг яқунлари ва колхозларни мустаҳкамлаш вазифалари, баҳорги экишга тайёргарлик масалалари бўйича ЎзКП(б) Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Икромов доклад қилди. Файзулла Хўжаев доклад юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиқиб, колхоз ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари бўлган кадрларнинг роли хусусида батафсил тўхталиб ўтди. У колхозларда революцион қонунчилиқни мустаҳкамлаш, умумлаштирилган хўжалик моддий неъматларни бевосита ишлаб чиқарувчилар бўлган колхозчиларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини аввалгига қараганда яхшироқ қондира олади ва қондириши кераклигига ҳар бир колхозчини ишонтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади<sup>2</sup>.

1935 йилнинг ноябрь ойида илғор колхозчиларнинг иккинчи съезди чақирилди ва у қишлоқ хўжалик йилига яқун ясади. Съезд пахтачиликда қўлга киритилган ютуқларни қайд қилиб ўтди: ўша йили республика пахтакорларининг пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари ошириб бажарилган эди. Файзулла Хўжаев ўзининг «Ўзбекистонни Совет Иттифоқининг намунали республикасига айлантирамиз» деган нутқида мамлакатимизда социализм ғалаба қилганлиги натижасида Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг барча соҳаларида оламшумул ўзгаришлар юз берганлигини ёрқин ми-

<sup>1</sup> МЛИ МПА, 79- фонд, 1- рўйхат, 6992- дело, 11- varaқ.

<sup>2</sup> ЎзССР МДА, 837- фонд, 15- рўйхат, 162- дело, 17- varaқ.

соллар орқали кўрсатиб берди. Ўзбек қишлоғининг шаҳар ҳаётига яқинлашиб бораётган ҳозирги манзарасини кўриб туриб республикамиз Халқ Комиссарлар Совети раисининг мазкур нутқини беихтиёр эслайди киши. Файзулла Хўжаев жумладан шундай деган эди.

«Бизнинг қишлоқларимиз обод бўлиб бормоқда, янги замонавий оқланган, ёруғ ва тахта полли, печкали баҳаво уйлар қурилмоқда. Қолхозчилар ўз хонадонини стол, стул, каравот билан жиҳозламоқдалар. Ҳозир бизнинг ҳамма қишлоқларимизда янги совет мактаблари мавжуд, уларда ёш авлод таҳсил кўрмоқда, янги клублар қурилмоқда, кутубхона, қиротхона, драмтўгарак ва ҳоказолар ташкил қилинмоқда.

Биз янги социалистик ҳаёт қурмоқдамиз, бизнинг колхозчиларимиз эндиликда илгари камбағаллар яшагандек яшай олмайдилар, бизнинг колхозчиларимиз эндиликда илгари деҳқонлар яшагандек яшай олмайдилар, ахир улар бир умр ҳаммом нималигини билмай ўтганлар, уларнинг кийими эгиндан чириб, узилиб тушмагунча янгиланмаган»<sup>1</sup>.

1935 йилнинг декабрь ойида Москвада Ўрта Осиё пахтакор республикаларининг Бутуниттифоқ кенгаши ва илғор пахтакорларнинг партия, давлат раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида эришган ютуқлари учун колхоз далаларининг 104 зарбдори юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида Файзулла Хўжаев ҳам бор эди. У социалистик қишлоқ хўжалигининг йирик ташкилотчиси ва раҳбари сифатида колхозларнинг

---

<sup>1</sup> Ф а й з у л л а Х ў ж а е в. Ўзбекистон илғор колхозчиларининг II съездида сўзланган нутқ; «Ўзбекистонни намунали республикага айлаштирамиз», «Правда Востока» газетасининг 1935 йил 22 ноябрдаги сонига қаралсин.



ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиши, республикада пахта ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилни кўтариш соҳасида кўп куч-ғайрат сарфлаганлиги учун бундай мукофотга сазовор бўлган эди. Зеро, пахтанинг ялпи ҳосили 1936 йили урушдан илгаригига нисбатан 2,5 марта ошган эди.

Бироқ Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантириш аввалгидек кескин проблема бўлиб қолмоқда эди. Гарчи иккинчи беш йиллик йиллари қорамоллар сонин сезиларли даражада ўсган, қўйлар жами 380 миң бош кўпайган бўлса ҳам чорвачилик бўйича урушдан илгариги даражага эришилмаган эди. Шу сабабли Ўзбекистон Компартиясининг 1934 йил 15 январда очилган VI съезида Файзулла Хўжаевнинг «Колхозларда чорвачилик ва дон хўжалигини ривожлантириш ҳамда колхозларни бадавлат хўжаликларга айлантириш ҳақида»<sup>1</sup>ги доклади махсус муҳокама қилинди. Июнь ойига келиб мазкур масала Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг II пленумида муҳокама қилинди. Бу пленумда республика Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Файзулла Хўжаев «ВКП(б) XVII съези ва Ўзбекистон VI партия қурултойининг чорвачиликка оид қарорларининг бажарилиши тўғрисида»<sup>2</sup> доклад қилди.

Ўзбекистон ҳукумати республикада чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган шошилинч тадбирлар белгилади. Ўзбекистон колхозларига қарийб етти ярим миң қўй, ўн бир миңдан зиёдроқ бузоқ келтирилди. Колхоз хонадонларини сигир билан, айниқса соғин сигир билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. 1937 йили колхозчиларга қарийб ўн етти миң бош қорамол, 450 миң бош қўй-эчки, саккиз миңга яқин чўчқа тарқатилди. Натижада ҳар бир колхоз хонадони сигир ва қўй-эчкига эга бўл-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия архиви, 58-фонд, 10-руйхат, 182-дело, 69—128-варақлар.

<sup>2</sup> МЛИ МПА, 17-фонд, 27-руйхат, 57-дело, 274—279-варақлар.



ди. Бу чорвачиликнинг умумий юксалишига ва колхозчиларнинг моддий фаровонлиги яхшиланишига олиб келди.

Республика қишлоқ хўжалигида юз берган катта ўзгаришлар, унинг ривожланиш истиқболлари, пахтачиликнинг гуркираб ўсаётганлигини ҳисобга олиб, республикада умумий узунлиги 700 километр бўлган 47 та канал қазииш масаласи кун тартибига қўйилди. Масала дастлаб республика партия ва ҳукумат органларида муҳокама қилинди, сўнгра Файзулла Хўжаев бу ҳақда Иттифоқ ҳукуматига таклиф киритди. Бунинг учун Иттифоқ бюджетидан 2 миллион сўм маблағ, 800 вагон тахта ёғоч, 100 вагон цемент, 8 та экскаватор, 280 тонна темир, 480 тонна сим, 30 тонна мих ва ҳоказо керак эди<sup>1</sup>.

Фарғона, Сирдарё ва Сурхондарё областларидаги янги ерларни ўзлаштириш соҳасида республика ҳукумати ўша вақтларда мўлжалланган режалар бизнинг давримизда кенг кўламда амалга оширилмоқда. Мирзачўл ва Қарши даштларига ёки Марказий Фарғона ерларига борганда бу ерларнинг ҳозирги равнақини ўша вақтда олдиндан кўра олган Файзулла Хўжаевни эсламаслик мумкин эмас.

Файзулла Хўжаев мамлакатимизнинг бошқа йирик давлат арбоблари қаторида СССР Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашди. ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг 1935 йил 8 июлдаги қарори билан у СССР Конституцион Комиссиясининг аъзоси қилиб тасдиқланган ва Марказий ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари бўйича кичик комиссия (подкомиссия) составига кирди. 1936 йил майда СССР Конституция комиссиясининг ялпи мажлиси чақирилган эди. Унда Ўзбекистондан вакил бўлиб Файзулла Хўжаев қатнашди.

СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси кенг умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Ўзбекистон ССР Советларининг 1936 йил 15 ноябрда очилган VI съездида Файзулла

<sup>1</sup> М.ЛИ МПА, 58- фонд, 12- рўйхат, 601-дело, 89-варақ.

Хўжаев «СССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисида» доклад қилди ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Совет кишилари ҳаётида содир бўлган барча янгиликлар ҳақида, бу янгиликлар ғалаба қилган социалистик мамлакатнинг Асосий Қонунида ўз ифодасини топиши кераклиги ҳақида гапирди<sup>1</sup>.

Умумиттифоқ Советларининг VIII фавқулодда съездида СССР Конституцияси лойиҳаси ҳақида сўзлаган нутқида Файзулла Хўжаев Коммунистик партиянинг оқилона миллий сиёсати тантана қилганлигини, бу сиёсат тўғрисида чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаси социализмининг Шарқдаги машъалига айланганлигини Ўзбекистон мисолида яққол кўрсатиб берди. Уша юксак минбардан туриб у Коммунистик партия раҳбарлигида хўжалик соҳасида эришилган ғоят катта ютуқлар, Ўзбекистон халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти гуллаб-яшнаганлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

Шубҳасиз, Россиянинг собиқ чекка ўлкасида юз берган ажойиб ўзгаришларда Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди ҳормас-толмас давлат арбоби бўлган Файзулла Хўжаевнинг хизмати катта. У республиканинг ишчи-деҳқон ҳукуматига 12 йил давомида бошчилик қилди ва Ўзбекистонда социализм ғалабаси учун кўп куч-ғайрат сарфлади.

1937 йилнинг май ойида Самарқандда Ўзбекистон олимларининг биринчи съезди бўлди. Унда 180 делегат қатнашди. Ана шу катта анжуманда республиканинг Қори Ниёзов, Садриддин Айний, И. М. Мўминовлар каби таниқли фан ва маданият арбоблари билан бир қаторда Москва, Ленинград шаҳарлари ҳамда бошқа қардош республикалардан келган йирик олимлар ҳам қатнашди. Файзулла Хўжаев съезд қатнашчиларига қарата табрик нутқи сўзлади. У Республикада социалистик қурилишнинг боришини таҳлил қилди ҳамда республика меҳнат-

<sup>1</sup> «Правда Востока», 1936 йил 17 ноябрь.

кашлари, олимлари ва фан арбоблари олдида турган долзарб масалалар ҳақида гапирди.

Файзулла Хўжаев ўз докладида Хоразм воҳаси ва Қарши даштини ўзлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берди.

Уша даврда саноат қурилиши соҳасидаги вазифаларга келганда, Чирчиқ химия комбинати қурилишини ниҳоясига етказиш, Норин гидроузелини қуришга киришиш, Олмалиқдаги мис конларини ўзлаштира бошлаш, Чоржўй-Хоразм темир йўлини қуриш вазифаси турар эди.

Файзулла Хўжаев масалаларни пухта ўрганар, ютуқларни чуқур анализ қилар, янги вазифаларни ўртага ташлар ва уларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб берар эди. Чунончи инженер-техник активлар олдида (1930 йил март), маданият, санъат ва халқ маорифи ходимлари съездида (1930 йил октябрь), давлат савдоси ва матлубот жамияти (1936 йил январь), давлат банки (1936 йил март), маҳаллий саноат (1936 йил август), аълочиларнинг республика съездларида сўзлаган нутқлари мисолида кўриниб турибди.

Файзулла Хўжаевнинг фаолияти ниҳоятда кўп қиррали эди. У хўжалик вазифаларини перспектив плавллаштириш, капитал қурилиши, пахтачилик, чорвачилик, галлачилик, ирригация, қишлоқ хўжалигида меҳнатни механизациялаш ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалалари билан мунтазам равишда, самарали шуғулланар, маданий қурилиш ва маҳаллий советлар, айниқса қишлоқ ва район советлари ишини яхшилаш доим унинг диққат марказида турар эди.

Файзулла Хўжаев маърифатпарвар давлат арбобларидан эди. Унинг ташаббуси билан 1931 йилда республикада совет қурилиши илмий текшириш институти ташкил этилди. Файзулла Хўжаев бошчилик қилган (директорлик лавозимида ишлаган) мазкур институт ҳузурида ёш олимлар тайёрлаш мақсадида аспирантура очилди.

Ҳозирги кунда таниқли олим бўлиб етишган ҳуқуқшунос олимларнинг кўпчилиги ана шу илмий текшириш институтида таҳсил кўрган. Файзулла Хўжаев ташаббуси билан қатор олий ўқув юртлари, жумладан Тошкентда 1933 йилда совет қурилиши ва ҳуқуқ институти, пахтачилик илмий текшириш институти ва бир қатор педагогика олий ўқув юртлари ташкил этилди.

Файзулла Хўжаев фаолиятининг яна бир жиҳати оташин публицистикасидирки, бу унинг кўп қиррали талантидан далолат беради. Экономика ва маданий қурилишнинг турли масалалари, совет давлат аппаратини такомиллаштириш, электрлаштириш, пахтачиликни янада ривожлантириш, чорвачиликни кўтариш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган икки юздан ортиқ нутқ, мақола ва докладлари Файзулла Хўжаевнинг маънавий камолотга эришган ўқинишли арбоб эканлигидан, ҳаётнинг кенг қатламлари билан қизиққанлиги ва доим ўқиб ўрганиб борганлигидан далолат бериб турибди.

Файзулла Хўжаев публицист сифатида катта мерос қолдирди. Унинг марказий ва маҳаллий матбуотда босилган кўпдан-кўп нутқ ва докладларида, шунингдек «Ўзбекистон ССРнинг хўжалик аҳволи ва унинг ривожлантириш истиқболлари» (1925 йил), «Октябрнинг ўн йиллигига» (1927 йил), «Ўн йил кураш ва қурилиш» (1927 йил), «ЎзССР ташкил топган куннинг беш йиллигига» (1929 йил) «Ўзбекистонда социалистик қурилишнинг икки йили» (1931 йил) «Советлар янги босқичда» (1932 йил), «Бухоро революциясига ва Ўрта Осиёда миллий чегараланиш тарихига оид» (1932 йил), «Қурилишимизнинг муҳим вазифалари ҳақида» (1934 йил), «Ғолибона ўн йил» (1935 йил), «Ғалла ва чорвачилик хўжалигини ривожлантириш йўллари» (1935 йил), «Ўзбекистон юксалиш йўлида» (1936 йил), «Буюк ғалабалар таптанаси», (1937 йил) ва бошқа кўпгина асарларида Ўзбекистонда социализм қурилиши тажрибалари умумлаштирилган. Ўзбек халқининг оташқалб фарзанди, атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжа-



Ўзининг илмий меросини ўрганиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Унинг 3 томлик Танланган асарлар тўпламини 1970 — 1973 йиллар мобайнида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Фан» нашриёти томонидан нашр этилиши маданий ҳаётимизда юз берган йирик воқеалардан бири бўлди.

Йигирма йиллик ижтимоий ва давлат фаолияти давомида Файзулла Хўжаев ғоявий жиҳатдан чиниқди, социализм ишига чексиз садоқатли иродали большевик бўлиб етишди. Ватан унинг хизматларини юксак қадрлади.

Халқаро империализмнинг агенти бўлмиш Анварпошшо бошлиқ босмачилар тўдасига қарши курашда актив қатнашганлиги учун 1922 йилда Файзулла Хўжаев Шарқ коммунистлари орасида биринчилар қаторида Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, 1935 йили эса социалистик қурилишда актив иштирок этганлиги учун Ленин ордени билан тақдирланди.

Файзулла Хўжаев йирик давлат ва жамоат арбоби сифатида бутун онгли ҳаётини халққа, Ватанга, Коммунистик партияга, Ленин ишига хизмат қилишга бағишлади.

У миннатдор авлодлар хотирасида ҳамиша ана шундай ёрқин сиймо бўлиб қолажак.

## И Л О В А

### Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим саналар

- 1896 йил Бухорода туғилди.
- 1907—1912 йил-лар Москва шаҳрида ўқиди.
- 1913—1916 йил-лар Бухорода жадидлар ҳаракатида қатнашади.
- 1917 йил Ёш бухороликлар партиясига киради. Марказий Комитет аъзоси, кейин ёш бухороликлар партиясининг раиси.
- 1918 йил, февраль Қуролли қўзғолонни тайёрлаш бўйича революцион комитет раиси.
- 1918 йил июнь—сентябрь Москвага жўнайти, йўлда оқ гвардиячи Дутов тўдаси томонидан қамоққа олинади.
- 1918 йил октябрь
- 1920 йил январь Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон АССР-нинг РСФСР ҳукуматидаги ваколатли вакиллиги ҳузурдаги Москва Комитети Раиси.
- 1920 йил август РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси йиғилишида қатнашади ва унда ёш бухоролик революционерлар партиясининг РКП(б) программасини қабул қилганлигини билдиради. Бухоро революцион-демократик ҳукуматининг бошлиғи — Халқ Нозирлар Советининг раиси қилиб тасдиқланади. Бухоро Компартияси IV съездида қатнашади. Бухоро революциясига раҳбарлик қилувчи партия маркази аъзоси.

1920—1921 йил-  
лар

Революцион комитет раиси ва Бухоро Совет Республикаси Халқ Нозирлар Советининг раиси. Умумбухоро Советларининг I съезди, Бутуирросия Советларининг VIII съезди, Умумбухоро Советларининг II съездларида қатнашади.

1922 йил —

РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида Бухоро Коммунистик партияси РКП(б) составига қабул қилиш масаласини муҳокама қилишда қатнашади. Босмачиларга қарши кураш fronti Революцион ҳарбий совети аъзоларидан бири қилиб тасдиқланади. Урта Осиё бюроси ижроия комиссиясининг аъзоси. Бухоро Марказий Ижроия Комитети IV сессиясида, Бухоро Халқ Совет Республикаси Советларининг III съездида доклад қилади. РКП(б) Марказий Комитетининг «РСФСР билан мустақил Совет республикалари ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий йўналишлари»ни ишлаб чиқувчи комиссия ишида қатнашади. Бухоро Халқ Совет Республикаси Меҳнат ва Мудофаа Советига раислик қилади.

1923 йил

РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюросининг Урта Осиё иқтисодий Советини тузишга бағишланган пленуми ишида; Урта Осиё республикалари I иқтисодий конференциясида қатнашди ва бу конференцияда у Урта Осиё иқтисодий Совети президиуми составига сайланди; РКП(б) XII съездида; Москвада миллий республикалар ва областлар маслул ходимларининг РКП(б) Марказий Комитети томонидан чақирилган кенгашида; Бухоро Халқ Совет Республикаси Советларининг IV съездида иштирок этади. Шарқий Бухоро Революцион ҳарбий совети раиси қилиб тайинланди.

1924 йил

РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюроси мажлисида Урта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказиш масаласи бўйича путқ сўзлади. РКП(б) XIII съезди ишида қатнашади. Бухоро Халқ Совет Республикаси Советларининг съездида, СССР Марказий Ижроия Комитетининг II сессиясида путқ сўзлайди.

1924 йил  
ноябрь—декабрь

ЎзССР муваққат ишчи-деҳқон ҳукумати.—Революцион комитетининг раиси. Туркфронт революцион ҳарбий Советининг аъзоси ва СССР ҳарбий ва ҳарбий денгиз халқ комиссарлигини Ўзбекистон бўйича вакили.

- 1925 йил — Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетига, унинг бюросига; ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ва унинг президиумига аъзо; Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети раиси, СССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси; СССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг олти раисдан бири. У 1937 йилнинг 17 июнига қадар ана шу лавозимларда ишлади. Ўзбекистон КП(б) II съездига, ВКП(б) XIV съездига делегат.
- 1926 йил Урта Осиё ҳарбий округи Революцион Ҳарбий Совети аъзоси, Урта Осиё иқтисодий Советидаги Ўзбекистон вакиллари раиси, СССР революцион ҳарбий совети ҳузуридаги ҳарбий кенгаш аъзоси. Тожикистон АССР Советлари съезди қатнашчиси.
- 1927 йил — ЎзССР Конституциясини ишлаб чиқиш бўйича редакция Советга, янги алфавитни жорий қилиш комиссиясига аъзо. ЎзССР Советларининг II съездида, СССР Советларининг IV съездида, ЎзКП(б) III съездида нутқ сўзлайди. ВКП(б) XV съездида делегат.
- 1928 йил — «Ўзкустарпромсоюз» (маҳаллий ҳунармандчилик саноати) Совети раиси, республика ер қурилиши ва қишлоқ хўжалигини механизацияштириш комиссияси, экиш-тикиш комиссияси ва Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини ишлаб чиқиш комиссияларининг раиси.
- 1929 йил ЎзКП(б) IV съезди, ЎзССР Советлари III съезди, СССР Советлари V съезди ишида қатнашади, ЎзССР Марказий экиш-тикиш комиссияси раиси, «Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш планлари ҳақида» қақририлган Урта Осиё партия кенгашида нутқ сўзлайди.
- 1930 йил 1930—1931 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планини ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси. ЎзКП(б) V съезди ва ВКП(б) XVI съездида қатнашди.
- 1931 йил Республика кооператив-пахтачилик ходимлари съездида, СССР Советларининг VI съездида делегат. ЎзССР Халқ Комиссарлар Советининг «Ғалла учлиги» комиссияси раиси, Чирчиқстройга қўмақлашувчи комиссия раиси.
- 1932 йил Биринчи Тошкент партия конференциясида; пахтачилик бўйича республика кенгашида, Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш юзасидан қақририлган биринчи илмий конференцияда нутқ сўз-



лади. ЎзССРнинг баъзи областларида йирик су-  
гориш иншоотлари қурилиши аҳволини ўрганиш  
ва Тошкентда пахтачилик илмий-тадқиқот институ-  
ти ташкил этиш бўйича таклиф тайёрлаш комис-  
сияларининг раниси.

1933 йил

Илгор колхозчилар, I съездида, ВКП(б) Марказий  
Комитети Урта Осиё бюросининг пахта етишти-  
ришни кўпайтириш учун кураш, дон проблемасини  
ҳал қилиш юзасидан чақирилган пленумида док-  
лад қилди.

1934 йил

ВКП(б) XVII съездида, республика чорвадор ва  
галлакор районлари илгор колхозчилар I съезди  
ишида қатнашди.

1935 йил

ЎзССР Советларининг V съезди, СССР Советлари-  
нинг VII съезди делегати; эски шаҳарларни рекон-  
струкция қилишга бағишланган кенгашда қатна-  
шади. СССРнинг янги конституцияси лойиҳасини  
тайёрлаш комиссияси аъзоси.

1936 йил

ЎзССРнинг янги конституцияси лойиҳасини тайёр-  
лаш комиссиясига аъзо. ЎзССР Советларининг  
VI съезди ва СССР Советларининг фавқулодда  
VIII съезди делегати.

1937 йил

ЎзССР Советларининг VI съезди ва Ўзбекистон  
зиёлиларининг I съездида нутқ сўзлади. Ўзбекист-  
он КП(б) VII съезди ишида қатнашди.

**Қатор областлар, ўлкалар ва республикаларнинг  
раҳбарларини самарали ишлаганликлари учун  
ЛЕНИН ордени билан мукофотлаш тўғрисида<sup>1</sup>**

*ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетининг қарори*

(Кўчирма)

Қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасидаги жуда катта муваффақиятлари ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича давлат планларини ошириб адо этганлиги учун Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг Раиси ўртоқ Файзулла Хўжаев Ленин ордени билан мукофотлансин.

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетининг Раиси

**М. КАЛИНИН**

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетининг Секретари

**И. АКУЛОВ**

*Москва, Кремль, 1936 йил 20 декабрь.*

<sup>1</sup> «Правда», 1935 йил 21 декабрь.

**Россия Социалистик Федератив Республикаси  
Ишчи, деҳқон, казак ва қизил аскар депутатлари  
Бутунроссия Марказий Ижроия комитети**

Ишчи, деҳқон, казак ва қизил аскар депутатлари Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Советининг Раиси, гражданин Файзулла Хўжаев социалистик Ватаниннг душмани — амир-босмачи тўдаларига қарши жангларда Ватан олдидаги бурчини адо этганлиги, Бухоро меҳнаткаш оммасининг ҳаёти ва фаровонлигини контрреволюциядан ҳимоя қилганлиги, Бухорода Совет Халқ ҳокимиятини ҳар тарафлама мустақамлаганлиги учун унга жаҳон социалистик революцияси рамзи — «Қизил Байроқ» ордени белгисини топиради. Гражданин Файзулла Хўжаев «Қизил Байроқ» ордени белгисини кўкрагига тақиб юриш дуқуқига эга<sup>1</sup>.

Бутунроссия Марказий  
Ижроия Комитети раиси

**М. КАЛИНИН**

Бутунроссия Марказий  
Ижроия Комитети секретари

**А. ЕНУКИДЗЕ**

1977 йил 10 июль  
№ 300

<sup>1</sup> УЗССР МДА, 48-фонд, 1-руйхат 313-А дело, 5-парақ.

# МУНДАРИЖА

Аптордан . . . . .	3
Илалнинг йиллари . . . . .	5
Яна Москвада . . . . .	14
Шундай кун келади . . . . .	18
Фурсат етди! . . . . .	27
Революцион ҳукумат бошлани . . . . .	32
Босмачилар билан кураш . . . . .	45
Тинч меҳнат сари . . . . .	53
Совет Ўзбекистонининг туғилиши . . . . .	66
Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг биринчи раиси . . . . .	72
Пахта учун курвиш . . . . .	88
Беш йиллик фронтларида . . . . .	92
Халқ учун, келажак учун . . . . .	98
И л о в а . . . . .	109

На узбекском языке

*Ишанов Атабай*

## ФАЙЗУЛЛА ХОДЖАЕВ

*Перевод с издания издательства „Ўзбекистан“—1972 г.*

Издательство „Ўзбекистан“ — 1973 — Ташкент, Напои, 30.

Отпечатано в типографии № 1 Госкомиздата УССР Ташкент, Хамза 41.

Русча текстни Ю. А. КОВАЛЁВ адабий жиҳатдан ишлаган

Таржимон *М. Исмоилов*  
Редактор *М. Маҳмудова*  
Техредактор *Н. Демченко*  
Корректор *М. Мажитхужаева*

Теринга берилди 24.IV 1973. Босишга рухсат этилди 27.VIII-73. Қогоз формати 70×109/32. № 1. Бос. л. 3,625. Шартли бос. л. 5,07. Нашр. л. 5,18+0,16. Ҳаҷми Таърихи 30 000. „Ўзбекистон“ нашриёти, Тошкент. Навбей 30. Шартнома № 424 — 74.

ЎзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоки ишлари бўйича Давлат комитетининг 1-босмадонасида босилди. Тошкент, Ҳамза 41. Заказ № 314. Баҳоси 21.



Эшон О.

Э 99. Файзулла Хўжаев. (Ҳаёти ва фаолияти  
ҳақида очерк). Т., «Ўзбекистон», 1973  
116 б.

Китобхонга тақдим этилаётган ушбу брошюрада Файзулла  
Хўжаевнинг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Ишанов А. Файзулла Ходжаев.

ЗКП I (092) + ЗКП I (С52)

№496—73

Навой номли ЎзССР  
давлат кутубхонаси.

И  $\frac{01-2-2}{M351 (06)} \frac{163}{73} 9-73$